

ИСМОИЛ СУЛАЙМОНОВ

ЗАМОНДОШЛАРИМ

Эсдаликлар

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

Сулаймонов, Исмоил.

Замондошларим: Эсдаликлар. — Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000. — 104 б.

Таниқли журналист ва ёзувчи Исмоил Сулаймонов ўз ҳаёти давомида кўплаб ёзувчи ва шоирлар, давлат арбоблари ва олимлар билан мулоқотда бўлди, ҳаётнинг турфа чорраҳаларида ажойиб тақдир эгаларини учратди.

Мазкур китоб кузатувчан, зийрак нигоҳли, катта тажриба эгаси бўлган инсоннинг ўз замондошлари ҳақидаги илиқ фикр-мулоҳазалари, самимий ва холис ниятли, меҳрибон ва бағри кенг кишиларга билдирган миннатдорчилик туйғулари билан йўғрилган.

С 4702620201 - 99 режага қўшимча, 2000
М352(04) - 2000

ISBN 5-635-01857-2

© Исмоил Сулаймонов,
Ғафур Фулом номидаги
Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 2000 й.



НОЁБ ЁДГОРЛИК

Нашриёт раҳбарияти муҳаррирларга тушлик қилишлари учун катта бир хона ажратганди. Ҳар ким кўнгли тусаган тамаддига бир кун аввал буюртма бериши ҳам мумкин эди.

Кунлардан бирида кимдир "галма-галдан ўзимизнинг миллий таомлардан ҳафсала билан тайёрлаб келтирсакчи", деган таклифни ўртага ташлади. Буни қарангки, таклиф ҳаммага маъқул тушди. Кимдир чойхона паловини тайёрлатиб, қозони билан кўтариб келтирар, кимдир норин тайёрлатарди. Саъдулла Кароматов катта тоғорада "заказной" сомса келтиргани эсимда. Менинг навбатим келганда, уйдагилар калла-поча ва ҳасип тайёрлаб беришганди.

Ҳар кимнинг ўз жойи бўларди. Меники Зулфия опамиз ёнларида. Шу хона фақат овқатланиш учунгина эмас, айна пайтда бир-биримизни кўргани, ҳол-аҳвол сўрашгани, баъзан эса суҳбатлашгани — "юракни бўшатгани" шунчаки бир сабаб ҳам эди.

Ўша куни барча чиқиб кетди ҳамки, бизнинг ўзаро гапимиз давом этарди. Уйдагиларнинг менга "жуда муҳим" топшириғи бор эди, ўшани айтишга пайт пойлардим. Буни қарангки, мен кутган "шароит"ни у кишининг ўзлари яратиб бердилар.

— Набира кўрганмисиз? — сўраб қолдилар.

— Худойим кеча навбатдагисини берди.

— Илоё умри билан берган бўлсин, бахтингизга ўшалар омон бўлишсин, — дедилар мамнунлик билан.

Уйдагиларнинг ўша хайрли топшириқларини бажаришга киришиш учун бу жуда қулай вазият эди.

— Зулфия опа, ойимларнинг, келинингизнинг ниятлари бор, ўшани айтиш учун олдингизга бормоқчи эдим.

— Бемалол айтаверинг, менга боғлиқ бўлса, жоним-танам билан.

— Биласизми, кишилар фарзанд кўришса, яхши ниятлар қилишади. Чақалоқ кеча дунёга келди, уйдагилар эса ҳозирданоқ не-не орзулар оғушида. Ойимлар Зулфия опангдан қизимизга ўша кишининг табаррук номларини қўйишга розилик сўраб, фотиҳа олиб келгин, дедилар. У катта бўлса, шоира бўладими-йўқми, буни Худо билади. Лекин ақли-хушли бўлсин, жуда бўлмаганда, у кишидаги бир-икки хислат юқса деган ниятдалар. Орзуга айб йўқ.

Опамизнинг кўзлари пирпираб кетди, ўзлари ажиб бир ҳолатга тушдилар.

— Жуда хурсандман, ука, набирангизга менинг номимни сўрашибди, бу — мен учун катта гап, сўзларингиздан кўнглим кўтарилди, ҳавас қилишибдим, илоё ниятларига етишсин. — Опамиз бир оз тўхтаб, менга тикилиб қолдилар, сўнг сўрадилар: — Ҳақиқатан ҳам кишилар менга ҳавас билан қарашадими?

— Бўлмасам-чи, сиз бутун элимизнинг суюкли фарзандисиз... — яна нималардир демоқчи эдим, у киши гапимни бўлдилар.

— Очиғини айтсам, мақтов сўзларини эшитсам, ғалати ҳолатга тушаман, ўзимни ноқулай сеза бошлайман. Мен билан сиз — опа-укамиз, касбдошимиз — тамом-вассалом. Кунда кўришиб турсак-да, бир-биримизни мақтасак... қандай бўлади? — Опамиз яна бир оз ўйланиб қолдилар, сўнг оҳиста овозда давом этдилар: — Оддийлик йўқолади муносабатларимизда, самимийликнинг ранги ўчади, назаримда. Ниятим шуки, оддий бўлиб юраверайлик, ҳамма қатори, шунисини ёқтираман.

Ўзимча ўйлардим, ҳеч қандай ортиқча гап айтмадим-ку, фақат бор гапни сўзладим. Бу ҳолатда навбатдаги илтимосни қай йўсинда айтаман, хижолатда эдим. Яна опамизнинг ўзлари мени қийин ҳолатдан қутқардилар.

— Мен мингдан-мингга розиман, — дедилар, — уйдагиларингизга сулолангиз яна бир кишига кўпайгани билан чин дилимдан айтилган тилакларимни етказиб қўйинг. Иллю битта гапим бор, уни сизга айтаман, ниятим шуки, ўша қизимизнинг бахти кемтик бўлмасин, бутун бўлсин.

Шу сўзларни эшитгач, мендаги ҳолат ўзгариб кетди. У кишининг нима демоқчи бўлганларини англагандек бўлдим, вужудимда енгил бир титроқ йўрғалаб ўтди. Юз ҳолатларига назар ташладим, ним кулиб турибдилар, лекин айни пайтда юракда не ғалаёнлар бўлаётганлиги ёлғиз Худога маълум. Эҳ, бир кам дунё, дедим ичимда.

— Қизик, — дедим суҳбатни давом эттириш ниятида, — уларнинг яна битта "топшириқ"лари бор, лекин кўнглингизга олмайсиз. Биласизми, кишиларда ихлос деган тунча бор. Кимки бирор кимсани қаттиқ ҳурмат қилса, ният қиладики, менинг фарзандларим ҳам шундай бўлсин, деб. Сизга уларнинг шу ихлосидан бўлса керак, битта эски кўйлагингизни сўрашяпти, ният қилиб кийдиришармиш чақалоққа.

Зулфия опа кулдилар.

— Бу мен учун жуда катта шараф, шундай ихлосга сазовор бўлганлигимдан мамнунман. Албатта бўлади бу иш, илло, мени шоширмайсиз, кўришим керак, шу муносабатга яраша бўлмоғи лозим ўша кўйлак...

Орадан чамаси бир ҳафта-ўн кун ўтди. Бир пайт "Саодат" журналининг ходималаридан бири қоғозга ўроғлик бир нима кўтариб келди ва "Зулфия опамиз бериб юбордилар", деб ташлаб кетди. Очиб қарасам, қора атласдан тикилган кўйлак. Хурсанд бўлиб кетдим, айти пайтда мени ҳаяжон босди. Эндиликда оиламиз учун ардоқли бўлган шу кўйлакни қачон кийган эканлар, биз у кишининг бу яқин йиллар мобайнида қора атлас кўйлақда кўрмаган эдик-ку, деган хаёллар ўтди кўнглимдан. Телефон гўшагини кўтардим, у кишига миннатдорчилик билдириш мақсадида керакли рақамларни тера бошладим. Бирдан ички бир нидо тўхта, бундай пайтларда кўнглидаги сўзлар телефон орқали айтилмайди, меҳр кўзда деганлар, икки қадам наридалар, бор, дилингни ёр, деди. Шундай қилдим.

— Тоза эскисини танлабдилар, деб ўйлаяпсизми? — дедилар киришим билан.

— Йўқ, аксинча, қанча кўҳна бўлса, унинг савоби шунча кўп бўлар эмиш...

— Қаранг, ука, кўп ўйладим, шу ишга ўта жиддий муносабатда бўлдим. Бисотимни бир кун титдим. Ҳеч кўнглимга ёққан кўйлакни тополмадим. Билмадим, ёшим ўтиб бораётгани учунми, кийим-кечакка ҳам эътибор бермай кўйганлигимни шунда сездим. Иш билан овора, бир оз эркакшода бўлиб, кўлимга илинганини кийиб, кўчага чиқиб кетаверадиган бўлиб қолибман. Бундай эмас эдим-ку, дейман ўзимча.

Шу десангиз, бир кун сандиқни очдим. Неча замонлардан бери унга кўлим ҳам тегмаган эди. Аёлларга ўхшаб, ундаги нарсаларни бирма-бир кўздан кечирдим. Ўша кўйлак сандиқнинг энг тагида экан. Нигоҳим тушиши

билан энтикиб кетдим. Бунинг сабаби бор, энди сиз бир укамдек бўлиб қолгансиз, айтиб берсам бўлади.

Урушдан аввалги йиллар эди ўшанда. Бир куни биз Ҳамид акангиз билан дўкон айландик. Дўконларнинг бирида акангизнинг кўзи шу атласга тушиб қолди. Бунга унчалик зарурат йўқ, деганимга қарамай, олиб бердилар. Шу кўйлакни анча вақт кийиб юрдим. Уша мудҳиш фожиа туфайли Ҳамид акангиздан айрилиб қолганимдан сўнг, уни бир марта ҳам киймадим, ҳаётимнинг энг бахтли онларини эслатиб турсин, деган ниятда асраб қўйдим. Билдингизми, у мен учун жуда-жуда ардоқли, Ҳамид акангизнинг менга совғаси, унда ҳали ҳам унинг бармоқ излари бўлса, ажаб эмас. Ўзи сандиқ титишни жиним ёқтирмайди, онда-сонда, ундаги нарсаларни бир шамоллатиб қўяй деган ниятда очмасам, бўлмаса ётаверади. Ва ҳар сафар шу кўйлакка кўзим тушганда ўша, қайтарилмас бахтли дамларни барча тафсилотлари билан эслайман. Шу боис бу кўйлак кимгадир бир эски латтадир, лекин мен учун бениҳоя азиз, Ҳамид акангиздан эсдалик, ноёб ёдгорлик. Биласизми, балки шоиртабиатлигим тутиб кетар, баъзан унда мен учун азиз кишининг нафасини туйгандек бўламан. Бу ҳолимдан устимдан ўзим куламан, шу десангиз ҳаёл олиб қочади баъзан, қани энди у тутқич берса...

Зулфия опамиз жимиб қолдилар. Ким билади, у ҳозир ўша бахтли, дунёга сифмас туйғулари билан кўкнинг қайси қаватида парвоз қилаётганийкин. У кишининг ҳолатига бир оз бўлса-да, тушунганим боис ҳалақит бермаслик ниятида жимгина тикилиб ўтирдим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмадим. У киши менга қарадилар, сўнг майин жилмайиб:

— Юрагимни ёрдим, эҳтимол кулаётган бўлсангиз керак, майли... Худди ёш жувонлардек фикр юритаётир, деган ҳаёлларга ҳам борган бўлсангиз керак. Қандай қилай, мен ҳам одамман, баъзан тинчлик бермаётган ўйларимни тириқ жон сифатида ким биландир баҳам кўргим келади, уларни дуч келган кишига айтиб бўлмайди-ку, шундай эмасми? Қаранг, сизга ёрилдим, яқин кишим деб. Ҳа, майли, ўтган ишлар ўтиб кетди, улардан хотиралар қолди, холос. Ёш ўтиб боравергач, киши кўпроқ хотиралар билан яшаркан. Инсон табиати ўзи шундоқ. Биласизми, сиз мени хурсанд этдингиз, дунёда менга ихлос қўйган яна бир киши борлигини ҳис этдим. Ўша нева-

рангиз омон бўлсин, ота-онасига, сизларга кўпдан-кўп шодликлар келтирсин...

Ҳозир Зулфия неварам ўн етти ёшда. Ҳар сафар бағримга босганимда, худо раҳмат қилгур — биз учун вафо ва садоқат рамзи бўлмиш ҳассос шоира, жамоат арбоби, моҳир муҳаррир Зулфия опаимиз Исроиловани эслайман, майли, дейман, неварам шоира бўлмасин, аммо комил инсон бўлиб етишса бас, деб ният қиламан.

СЕВГИ ВА САДОҚАТ ДОСТОНИ

Ўша куни жала қўйди. Уйига етиб келгунча устидаги либосларидан ивимагани қолмади. У ниҳоятда ҳолсизланганди. Келди-ю, ўзини ўринга ташлади. Бирдан ҳарорати кўтарилиб кетди. Ўлчаб кўришганди — 40 дан ошиб кетибди. Ҳаммаёғи қақшаб оғирди. Дам-бадам тўлғаниб, бетоқатланарди.

Хотинидаги бу аҳволни кўрган Ойбек ўзини йўқотар даражада довдираб қолди. Унинг учун дунё зимистон. Доктор келди, беморни кўздан кечирди, баъзи бир муолажаларни қилди. Лекин ҳарорат тушмасди. Шу куни Ойбек туни билан ухламади, то тонг отгунча йиғлаб чиқди. Юраги узилиб тушаётгандек ҳис қиларди ўзини. Бугунлай оромини йўқотганди. Шифокорлар келиб-кегиб турди, муолажалар давом этаверди, лекин дард ҳадеганда чекинмасди. Беморнинг ўрнидан туришига ижозат беришмасди. Ойбекнинг тарки дунёси қоронғу. Унинг кўнгли тинчимасди. Шашти паст. Шайтон ҳар хил хаёлларга етакларди.

У одатда ишдан қайтгач, хотини ётган каравот ёнига қўйилган ўриндиққа келиб ўтирарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Меҳр тўла кўзларини тикканича хотинидан ҳолаҳвол сўради. Зарифанинг қўлларини қўлларига олди-да, аста силади, сўнг хаёл суриб қолди.

— Зарифа, эсингдами, — деди Ойбек, — Бобурнинг ўғли Ҳумоюн қаттиқ хасталигида подшоҳ ўғли атрофидан уч марта айланган ва тангрига ялинган: "Ўғлимнинг хасталигини менга бер! Унга саломатлик ато қил!" деган. Мен ҳам шу топда хасталигингни ўзим олиб, сенинг соғ бўлишингни ихлос ила тиладим. Кўнглимдаги муддао ёлғиз шу!

— Йўқ, йўқ, зинҳор, бу тилақдан воз кечинг! — Зарифа қаттиқ ҳаяжонланиб кетди. Унинг вужуди қалтирарди. Бунчалик беҳаловат бўлаётганининг сабаби бор эди. Бобур чин ихлос билан ўша ниятни қилгач, ўғли дарддан

фориф бўлган, ўзи эса қаттиқ хасталаниб, шу билан ўрнидан турмаган. Зарифанинг хаёлида шу воқеа гавдаланди, ўзини йўқотар даражада тоқатсизланаётганининг боиси шунда эди. — Ўтинаман, ранжитманг мени! — дерди энтикиб. Унинг ўпкаси тўлиб ортиқ гапиролмай қолди. Бир оз ўзини босиб олгач, давом этди: — Соғман, сизга берадиган хасталигим йўқ!

Ойбекнинг ўша, ҳеч кимникига ўхшамаган ўтдек чақнаб турган кўзларида меҳр лиммо-лим эди. Эҳтимол, шу меҳр беморга дармон бўлгандир, турли дори-дармонларнинг кучи етмаган мўъжиза шу тенгсиз меҳр туфайли юз берган бўлса ажаб эмас...

Юқорида келтирилган воқеа Ойбек билан Зарифа опа ўрталаридаги умр бўйи ўчмас ва сўнмас меҳр-муҳаббатни кўрсатадиган бир лавҳадир, холос...

Урушдан аввалги йилларда Ишчилар шаҳарчасидаги "Таштрам" қурган уйларда истиқомат қилардик. Биздан икки хонадон наридаги уйда Зулфия хола оналари ва сингиллари билан яшашарди. Баъзан катталар "ана, Ойбек келяпти" деб ҳайрат ва ҳавас билан қарашарди. У пайтларда мен ёш бўлганлигим учун Ойбек ким, Зулфия хола у кишига ким бўлади — буларни билмасдим. Кейин, орадан 30—40 йиллар чамаси ўтгандан сўнг англасам, Зулфия хола Зарифахонимнинг опалари, шу уйдаги кекса аёл-оналари, қолган катта-кичик қизлар эса у кишининг сингиллари бўлган экан. Баъзан шу хонадонга Ойбекнинг ўғли Омон ҳам келарди. Билишимча, биз деярли тенгдош эдик.

Орадан йиллар ўтди. Бетоб бўлиб шифохонага тушиб қолдим. Буни қарангки, Зарифа опа ҳам шу ерда эканлар. Дардлари анча оғир эди. 15—20 кунда келиб сув олдиран эканлар.

Зарифа опа ҳозирги пайтда Ойбекнинг уй-музейини ташкил этишдек хайрли иш билан банд эканликларини айтдилар.

— Музейга қўйиладиган нарсаларнинг рўйхатини туз-япман, — дедилар. — Улар мингга яқинлашиб қолди. Ойбек билан боғлиқ, унинг қўли теккан, фойдаланган ҳар бир нарсани мен муқаддас билиб, авайлаб асраганман. Кўзим очиқлигида шу ишни охирига етказиб олсам, деган ниятдаман. Ҳозир мен учун энг муҳим иш шу. Айни пайтда хотираларимни қоралаяпман. Унинг менга ёзган барча хатларини сақлаб қўйганман, ҳатто фарзанд кўриб, туғруқхонада ётган пайтимда ёзган мак-

тубларини ҳам. Ҳайрон бўлаяпсизми, — сўрадилар Зарифа опа мендаги ҳолатни пайқаб, унинг нафаси уфуриб турибди ўша мен учун бениҳоя азиз ва қадрдон бўлган қоғозларда. У билан боғлиқ ҳар бир нарса мен учун бирламчи аҳамиятга эга.

Зарифа опа сўзлаган сари менинг ҳайратим ошарди. Ҳам ҳаяжон, ҳам ҳавас билан энтикиб-тинглардим. Профессор дўстимиз Наим Каримов Ойбек билан Зарифа опанинг биргаликда кечирган ҳаётларини севги ва садоқат достони деганида, минг бор ҳақ эди. У бутун умри мобайнида чексиз меҳри ила Ойбек хонадонини мунаввар этди. Ўз ақл-заковати ва нафоҳати билан улуғ адибимиз илҳомига қанот бўлди.

Суҳбатлар орасида ўша — Ишчилар шаҳарчасидаги уйни эсладик. У киши ойимлар билан кўп бор суҳбатда бўлган эканлар. Кула-кула менга у кишининг ўша пайтдаги ҳолатларини тасвишлаб берардилар. Буни қаранг, худди шундай пайтларнинг бирида ойимлар мени кўргани келиб қолдилар. Зарифа опани бағриларидан чиқаргилари келмасди. Ўша куни иккалалари тоза мириқиб суҳбатлашдилар.

... Қизларимдан бирини узатаётган эдик. Пешинда ош беряпмиз. Дарвоза олдида дўстларим билан турибман. Қай кўз билан кўрайки, Зарифа опа ўғли Омонни қўлтиқлаган ҳолда келяптилар. Бошим осмонга етди. Уларни уйга бошлаётган эдим, Зарифа опа:

— Ойингиз қаердалар? — деб сўраб қолдилар.

— Бундай пайтда қаерда бўлишлари мумкин, тавонхонадалар-да, — деб жавоб бердим.

— Майли, Омон уйга кираверсин, мени тавонхонага бошланг, ошни ҳам ўша ерда ойингиз билан баҳам кўрамиз, баҳонада бир оз суҳбатлашамиз.

Мен қотиб қолдим, фақат "бутун Тошкент зиёлилари шу ерда, қандай бўлади" дердим, холос.

— Агар менинг кўнглимга қарасангиз, шундай қиласиз, бу тўй — бир баҳона, аслида ойингизни кўргани келганман, — деб туриб олдилар.

На илож... Ўша учрашувни ойимлар, орадан қанча йиллар ўтиб кетганига қарамай, ҳамон ҳаяжон билан эслайдилар, фахр билан таниш-билишларга ҳикоя қилиб берадилар...

Шўро даврининг шафқатсизликларидан бири шу бўлдики, "Навойи"дек ўлмас асарни яратган буюк адибга ҳужум уюштирилди. Ҳассос ижодкор эмасми, бу каби

юзсизликни, қўполликни, адолатсизликни кўтара олмади. Воқеанинг бу ёғини энди Зарифа опанинг ёдномаси ёрдамида ўзидан эшитинг.

"Ойбек сўзлаш қобилиятини йўқотди... Болага сўз ўргатгандек мен уни сўзлашга машқ қилдира бошладим. У 46 ёшда эди, эндигина. Унинг ўнг қўлидаги икки бармоғи ишламай қолди... Чап қўл билан ёзиш, табиий, осон эмас. Шунинг учун ҳам энди унга ёрдам бера бошлайман.

Мен институтдан келгач, Ойбек гапиради, мен ёзаман. Ўша кезларда менинг ишдан келишимни ошиқиб кутарди. "Овқатлан, чой ич, ёзамиз. Миямда ҳаммаси тайёр, тахланган, тезроқ айтиб берсам", — дер эди у шошиб. Мен икки-уч соат давомида ёзаман. Кейин "Бас, Ойбек, чарчадингиз!" дейман. "Йўқ, чарчамадим, яна жиндай сабр қил", дейди у.

Унинг қон босими ошиб кетади, боши оғрийди. Докторларнинг тайинлаган дорилари қор этмайди. Шунда Ойбек табибга ҳам кўринади. У парhez буюради. Унинг тавсияси билан ҳар куни бир дона каптардан қайнатма шўрва тайёрлаймиз. Лочира қиламиз. Ойбек чидади. Мен бозордан ҳар куни каптар таший бошладим.

Докторлар ҳам, табиблар ҳам Ойбекка ҳўл мевани кўпроқ ейишни буюрганлар. Мен ишга кетишдан олдин, саҳарлаб Эски шаҳар бозорига тушаман... Тоғора ва челақларни тўлатиб хил-хил узум, анжир ва шафтоли оламан. Уйга келтириб — кўнглим тинч — ишхонага жўнайман...

Мен Ойбекнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб борган бўлсам-да, унинг ижодий ишига халақит бермасликни ўзимга мақсад этиб олган эдим. Ойбек бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли ажойиб инсон эди.

Ойбек 17 йил давомида оғир хасталик билан мардона курашди. Мен унинг кундалиқ кайфиятини, тилагини, умидини кўриб бордим, бирга ҳис қилдим, бирга қадам босдим.

1968 йил 1 июлда Ойбек вафот этди. Мен ҳаётимнинг бирдан-бир маъноси бўлган улуғ инсондан жудо бўлдим... Ойбекнинг сўнгги нафас олишлари ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа кўз олдимдан ўтади...

У ўлмаган ва асло ўлмайди!

Ойбек ила кечмиш ҳаётимни эсласам, худди қайтадан яшаётгандай бўламан. Ҳам ширин ҳиссиётларга, ҳам айрилиқ ва ҳижрон ҳасратларига тўлиб кетади, кўксим...

Менинг ҳаётимнинг бирдан-бир маъноси ва безаги — Ойбек, қани энди у беш дақиқа олдимга келса... Мен беш йил умримдан воз кечган бўлардим... Соғинаман..."

Зарифа Саидносирова — ўзбек аёлларидан етишиб чиққан биринчи кимёгар, техникумлар учун биринчи бор ёзилган "Анорганик кимё" дарслигининг муаллифи, комфирқа яловбардорларидан фотиҳа олган ғанимлар ҳужуми туфайли тилдан маҳрум бўлиб, қўли ёзолмай қолганда Ойбекка ҳам тил бўлиб, ҳам қўл бўлиб, хонадонига бахт ва файз берган, улуғ ижодкорга бир кам қирқ йил ишончли суянчиқ, маънавий ҳамда руҳий мададкор бўлиб келган оқила, фидойи аёл.

Ойбекнинг вафотидан кейин Зарифа опа адибнинг меросини тўплаб, тўла нашр этиш ва ёзувчининг уй-музейини барпо этиш ишига раҳнамолик қилди. Ойбекнинг йигирма жилдлик асарларини нашрга тайёрлашдаги хизматлари учун Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

ШАЙХЗОДА ҚАЙТА ТУҒИЛГАН КУН

Улуғ шоир ва бетакрор аллома Мақсуд Шайхзода ҳаётининг унутилмас бир парчасига айланиб қолган бу воқеани кимдир билар, кимдир билмас. Лекин ҳурликнинг тоза ҳавосидан эркин нафас олаётган бутунги кунда ўша воқеани бир эслаб қўйсақ, савоб бўлар. Чунки ўтган кунларнинг аламлари, чексиз азоблари ҳали халқимиз қалбидан ўчгани йўқ. Ва ўйлайманки, қизил империя замонида миллатимизнинг улкан зиёлилари бошидан кечган бундай ситамлар, тазйиқлар ҳар бир ватандошимиз учун сабоқ бўлғусидир. Шунингдек, озодликнинг қадр-қиммати нечоғлиқ улуғлигини ҳамда бутунги қуёшли кунларимизни қанча ардоқласак, эъозласак шунча камлигини ҳис қилиб яшамоғимиз керак.

... "Халқ душманлари" деб ҳисобланган аллома ва адибларимиз бирин-кетин тутқунликдан қайтиб кела бошладилар. Улар орасида Ҳамид Сулаймон ва Мақсуд Шайхзода каби юртимиз фахри, кўрки бўлмиш зиёлиларимиз ҳам бор эди. Ўша пайтларда биз — ёш қаламкашлар уларнинг ҳар бирига зимдан ҳавас билан қарардик. Лекин қанча вақт ўтди ҳамки, уларнинг бирортаси ҳам ишга жойлаша олмади. Билим ва тажрибада, салоҳиятда ишлаб юрганларнинг ўнтасига тенг келадиган бу алломаларни бағ-

рига оладиган мард раҳбар топилмасди. Ҳамма ўзидан чўчирди, тепадан гап тегиб қолмасмикан, деган ўйда ҳадиксирарди. Шайх аканинг шеър ёки мақолалари бирор нашрда чоп этилмасди. Ҳаммани ўша лаънати гумонсираш ва қўрқув бамисоли тегирмон тошидек босиб турарди.

Тавба, дердик ўзаро хуфёна суҳбатларда, росмана жиноят қилиб қамалган киши муддатини ўтаб чиқса, дарров ишга жойлаштириш лозим, токи у бекорчиликдан янги жиноятга қўл урмасин, деган аниқ кўрсатма бор. Бундай алломаларга қолганда эса, ҳамма ўзини четга олади. Нега энди бундай адолатсизлик рўй берапти? Ажойиб шеър, дoston ва драматик асарлари билан ёл оғзига тушган Мақсуд Шайхзодадек кишининг халқ душмани экани тўғрисида тўқилган чўпчакка ҳеч кимса ишонмасди. У кишига ғойибона ҳурматимизнинг боиси ҳам шунда эди.

Бир куни Шайх ака таҳририятимизга келди. Муҳарриримиз Зиёд ака уни қўлтиқлаганича хонасига бошлаб кетди. Орадан чамаси бир ҳафта ўтгач, ўша куни мен навбатчи эдим, мусаҳҳихлар олиб келган саҳифада ҳажм жиҳатдан каттагина таҳлилий мақолага кўзим тушди. Ўқидим. Шу қадар самимий ёзилган эдики, дарров муаллифи ким экан, деган хаёлга бордим. Адабиёт бўлимидагиларни танийман, мақоланинг ёзилиш услуби уларники эмас.

Ўша пайтларда вилоятнинг турли томонларидан ҳар хил касб эгаларидан даста-даста шеърлар келарди. Табиийки, уларнинг аксариятини газетада эълон қилиб бўлмасди. Муаллифларига қуруқ жавобдан кўра, шеърга тиши ўтадиган адабиётчининг маслаҳати маъқулроқ, деган ниятда 15—20 нафар ўшанақа ҳаваскор шоирларнинг шеърлари танлаб олиниб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб бериларди. Лекин бундай мақола тагига унинг муаллифи исми шарифи берилмасди, мақола таҳририят номидан берилаётир, деб ҳисобланарди.

Тунда ўша саҳифани қўл қўйиш учун олиб келишди. Уни кўтариб муҳаррир ҳузурига кирдим, мақола ҳақидаги фикримни айтдим.

— Биласанми, бу мақолани ким ёзганлигини?

— Шунини аниқлагани кирган эдим, бу одатдаги мақолалардан эмас, ҳар бир сўз жуда топиб айтилган.

— Гап бундай, мақолани бизнинг илтимосимизга кўра Шайх ака тайёрлаб берди. У кишини шу вақтгача ҳеч

қаерга ишга олишмаётир, бирорта газета ёки журнал ҳам асарларини чоп этмаётир. Бирор нашрда исми шарифингиз чиқсин, сўнг сизни ишга оламиз, дейишаётганмиш. Ҳозиргача ўйлаб, иккиланиб турибман, шу мақоланинг тагига муаллифини кўрсатсакмикан, — дея муҳарриримиз стол устидаги саҳифага тикилганча хаёл суриб қолди. Сўнг менга юзланди:

— Бундай ҳолларда кимдир таваккал қилиши керак, борди-ю, бу ишни аввал бошқа одам бошласин, деб кутадиган бўлсак, жумбоқ ечилмай шу ҳолда қолаверади. Шайх акадек одам ишсиз юраверади. Ахир унинг оиласи бор, қолаверса, эркак киши. Кел, нима бўлса бўлди, — деди-да, газета саҳифасидаги ҳалиги мақола тагига ўз қўли билан "Мақсуд Шайхзода" деб ёзиб қўйди. Телефон дастасини кўтариб, масъул котибга шу ҳақда тайинлади, охиригача ўзинг кузат, дея топшириқ берди.

Эртасига бир оз ҳаяллаб ишга келдим. Қарасам, ҳамма таҳририятдаги энг катта хонага тўпланган. Кирсам, Шайх ака ўртада ўтирибди, ўша — ҳаммамизга таниш кўзойнакда, самимий ҳаяжон билан гапиряпти. Чехрасидан нур ёғилиб турибди.

— Азизларим, — дедилар у киши ҳаммамизга бирмабир боқиб, — мен шунчаки миннатдорчилик айтгани келганим йўқ, бундан юксакроқ, беҳад чўнг мендаги ният. Билсангиз, бугун иккинчи бор туғилган куним. Ҳайрон бўлманг, бугун анча йиллардан сўнг матбуотда "Мақсуд Шайхзода" деган исм яна пайдо бўлди. Мен руҳан қайта тирилдим ва эндиликда ҳар йили шу кунни ўзимча нишонлайман. Кимнингдир мақоласи газетада чиқиши сизлар учун, эҳтимол, оддий ҳодисадир. Лекин, бу сафаргиси мен учун чўнг, жуда чўнг ҳодиса. Анчадан бери унутилган кимсага жон ато этган шу "Тошкент ҳақиқати" борди-ю, бир оддий суратга тагсўз ёзиб беринг деса, буни ўзим учун буюк шараф деб билгайман.

Шайх акадаги ҳаяжон бизга ҳам кўчди. Унинг сўзлари ҳаммамизга кучли таъсир қилди, у кишининг улуғворлиги, айни пайтда хокисорлиги бутун борлиги ила кўз олдимизда намоён бўлди. Кейинчалик муҳарриримиз "Ўқитувчилар газетаси" раҳбарлари билан гаплашди. Хуллас, аллома ўша газетада иш бошлади. Ким бўлиб, қандай вазифада, деб сўрарсиз. Айтсам ишонмайсиз. "Жалолиддин Мангуберди"дай ўлмас драма, юзлаб ўтли сатрлар битган инсон оддий мусаҳҳиҳ бўлиб иш бошлади.

Раҳматли Шайх ака шунисига ҳам хурсанд эди. Кейинчалик салоҳиятига яраша ўз йўлини топиб кетишига шубҳа йўқ эди. У киши бизнинг таҳририятга ҳам тез-тез келиб турарди. Эндиликда шеър ва мақолалари барча нашрларда чоп этила бошланди.

Сиз бир неча дақиқага унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Кўнгилдан нималар кечмайди, дейсиз. Бу каби камситиш, таҳқирлашларга чидаш учун кишида қандай юрак, қанчалар бардош бўлмоғи даркор!

Мустабид тузум даврини, вақти-вақти билан миллатимиз гулларини хор-зор қилган, йўқотиб юборган тузумни қўмсаётганлар юқоридаги воқеадан тегишли хулоса чиқариб олсалар, яхши бўларди. Фақатгина раҳматлик Мақсуд Шайхзода эмас, бошқа қанчадан-қанча алломаларимизнинг нисбатан кам умр кўрганлари улар бошига тушган аламли мусибатларнинг оқибати эканлигини бугунги кунда ким инкор эта олади? Биз улар қалбидаги ғам-андуҳларни лоақал тасаввур ҳам қилолмасак керак.

МАКТАБ ЯРАТГАН АЛЛОМА

Ўзбекнинг кўкси осмон бўлса арзийди. Зеро, жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк ҳамюртимиз Ибн Синонинг тенги йўқ асари "Тиб қонунлари" XII асрдаёқ араб тилидан лотин тилига таржима қилина бошланди. Бу Шарқ маданиятининг Оврупога кириб келишининг бошланиши эди. Кейинчалик эса, шу маданият Оврупода уйғониш даврининг етилишига катта туртки бўлди. XIII асрдан бошлаб Оврупо университетларида медицина фани "Тиб қонунлари" асари бўйича ўқитила бошланди. XVII асрнинг иккинчи ярмигача медицина факультетлари дастурларининг ярмини Ибн Синонинг ўлмас асари ташкил этди. XII асрда яшаган олим Низомий Арузий Самарқандий "Агар Букрот (Гиппократ) ва Жолинус (Гален) тирилик келсалар, бу китоб олдида сажда қилишлари лозим бўларди", деб ёзганида юз бор ҳақ эди. "Тиб қонунлари" 500 йил мобайнида асосий қўлланма ва дарслик сифатида ўз қийматини сақлаб қолди. Китоб босиш ихтиро этилгач, дастлабки нашр қилинганлари орасида "Тиб қонунлари" ҳам бор эди. Ҳаммаси бўлиб лотин тилида у қирқ мартадан зиёдроқ тўла ҳолда нашр қилинди. Шунинг ўзи мазкур асарга бўлган талаб ўша пайтларда нақадар катта эканлигини ҳар қандай сўзларга қараганда ҳам яққолроқ кўрса-

тади. Кейинчалик унинг асосий қисмлари немис, француз, инглиз ва бошқа тилларга ҳам таржима этилади.

Бизда яқин вақтларгача ўзбеклар деярли ёппасига саводсиз халқ эди деган тушунчани онгимизга сингдиришга шу йўл орқали ўз тарихи билан фахрланиш туйғусини йўқотишга уринилди. Тўғри, ўтмишда қанчалаб улуғ алломаларимиз борлигини эшитардик. Лекин уларнинг буюклиги нималардан иборат эканлигини аниқ ва тўла тасаввур қила олмас эдик. Чунки уларнинг яратган бебаҳо дурдоналари ўз тилимизда йўқ эди, бу бебаҳо асарларни ўқиш имкониятидан маҳрум эдик. Ўз даври фан тараққиётининг энг юқори чўққиси бўлган Розий, Ибн Сино ва Беруний меросини элига қайтариш халқимиз олдида турган энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди. Ана шу саодатли ишларга бел боғлаган кишиларнинг сардори замонамиз қомусчи олими Убайдулла Каримов бўлди. У қирқ йилдан ортиқ умрини мана шу савоб ишга сарфлади. Бутун Оврупо 600—700 йил аввал ўқиб, амал қилган ўтмишдаги ҳамюртларимизнинг яратган илмий меросини эндиликда шу заҳматкаш инсон туфайли Туронзаминнинг ҳозирги авлодлари ҳам ўқиб, ўрганмоқдалар...

Убайдулла Ўрта Осиё политехника институтининг химия-технология факультетини тугатган 1941-йили фашистлар Германияси билан уруш бошланди. Бошқа тенгдошлари қатори у ҳам фронтга отланди. Фронтдан яраланиб қайтиб келгач, Тошкент университетининг Шарқ факультетига ўқишга киради. Унда бой ўтмишимизга қизиқиш ниҳоятда кучли эди. 1949 йили уни аъло баҳолар билан тамомлагач, Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб хизмат қила бошлайди. Араб ва форс тилларини пухта эгаллаб олган ёш олим жавоҳирлар тўла хазинага кириб қолганди. У кун бўйи институтнинг қўлёзмалар фондида қолиб кетарди. Асрлар қаърига яширинган маданий бойликларимизни зўр қизиқиш ва катта ҳаяжон ила ўрганарди. Унинг учун бутунлай янги бир олам очилганди. Шу пайтгача фан оламида номаълум бўлган бир қўлёзмани топади. Бу IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган хуросонлик йирик адиб ва кимё олими Абу Бакр ар-Розийнинг "Сирлар сири" китобининг қўлёзмаси эди.

Ёш олим борлиқни унутди. Нимасини айтасиз, ҳозирги замон олимларидан ҳеч бири хабардор бўлмаган, ҳалигача фанга номаълум асар — тенги йўқ бойлик, тенгсиз

бир мўъжиза унинг қўлида. Қандай қилиб тинч ухлай олсин, қандай қилиб қулоққа ўзга сўзлар кирсин... Ўқиган сари "Сирлар" тадқиқотчини ўз мўъжизалари билан лол қолдираётганди. Қизиқ, шарқ фани билимдони ҳисобланмиш немис олими Юлиус Руска Абу Бакр ар-Розий "Сирлар сири" китоби ва "Сирлар" китоби номли икки асар ёзмаган, иккиси ҳам бир китоб, фақат номи икки хил аталади, аслида эса бири иккинчисини такрорлайди, деб уқтириб келаётганди шу пайтгача. Бу фикрлар унинг илмий ишларида тарғиб қилинган ва жаҳон кимё фани тарихида ҳозиргача охириги сўз, охириги ҳулоса ҳисобланиб келинаётган эди. Йўқ, бу хато фикр. Ҳар икки асар тамомила мустақил китоблардир, қўлёзмаларни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиб чиққач, ёш олим ана шундай ҳулосага келди. Бу ҳақда илмий мақола ёзиб, шу соҳанинг устуниман, деб юрганларга кўрсатди. Олган жавоби эса шундай бўлди: "Ким қўйибди сенга бундай ишлар билан шуғуллинишни, нима учун бу соҳага бурнингни тикияпсан, Руска қаёқда-ю, сен қаёқда, шуни ўйлаб кўрдингми?!" Тўғриси, бундай жавоб эшитиш унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Гап ғайирликдагина эмас эди. Тарихий ҳақиқатни тиклашни, ўтмиш алломаларимиз меросини юзага чиқаришни ёқтиришмасди ўша замонларда. Юмшоқ қилиб айтишса, ўтмишга сажда қилиш, ўтмишни идеаллаштириш, деб баҳо беришарди. Назокатга ҳушлари йўқ пайтида эса тўғридан-тўғри миллатчи тамғаси босиларди-қўйиларди. Убайдулла Каримовдаги ҳаяжон, кўтаринки руҳ бир зумда сўнгандек бўлди. Бамисоли ловуллаб турган олов устига бир челақ сув ағдарилгандек. Жанг кўрган йигит эмасми, чекинган кишини номард санайди. Ўйлаб-ўйлаб мақола нусхаларини Москва ва Ленинградга юборди. Натижаси эса ҳеч қутилмагандек бўлиб чиқди. Ўзбекистон Шарқшунослик институти ҳамда мақола муаллифи номига шўро арабшуносларининг пири деб тан олинган, кўпгина хорижий академияларнинг фахрий аъзоси ҳисобланмиш академик И. Крачковскийдан хат келди. Унда ёш ўзбек олимнинг илмий иши чинакамига фандаги кашфиёт, деб баҳоланганди. "Мақола, — деб ёзганди академик, — фанимизнинг ҳозирги барча талаблари даражасида ёзилган бўлиб, бениҳоя муҳим аҳамиятга эга... Институт ва фанимизни буюк мероснинг топилиши билан табриклаш мумкин. Мавзу устидаги илмий ишларни давом эттириш керак. Бунинг учун муаллифда барча имкониятлар мавжуд".

Бу воқеа ўша пайтда Убайдулла Каримовнинг ўзи ишлаётган даргоҳ жамоасига, қолаверса, Ўзбекистон фани намояндаларига келтирган биринчи илмий совғаси, дастлабки шуҳрати эди.

Шунча гаплардан кейин қандай қилиб ишни ярим йўлда ташлаб кетиб бўлади?! Тадқиқотчи онадан янги туғилгандек бўлиб, яна ўша аввалги иштиёқ, завқ-шавқ билан ишини давом эттирди. Аммо ярқ этган талантлар ҳамма ерда ҳам нур сочиш учун имкон топавермасди. Булутлар ҳаммиша улар йўлига тўғаноқ бўлишга уринарди. Ўша "ким қўйибди сенга бундай ишлар билан шуғулланишни" деганларнинг ҳали ҳам айтгани-айтган, дегани-деган эди. Шу боис диссертация ёзиб тугаллангач, Убайдулла Каримов уни ёқлагани Ленинградга кетди ва у ердан филология фанлари номзоди деган илмий даража билан қайтиб келди. Кейинчалик Убайдулла Каримов ар-Розийнинг номаълум асари "Сирлар сири китоби" номли монографиясини рус тилида чоп эттирди. Унда Розийнинг кимёга оид мазкур рисоласини чуқур илмий таҳлил этиб, изоҳлаб берди. Мазкур тадқиқот шарқшунос мутахассислар ўртасида катта шуҳрат қозонди, шарқ фани, тарихини ўрганишга қўшилган бебаҳо ҳисса, деб баҳоланди. Фан аҳли намояндалари докторлик илмий даражасига арзийдиган иш, дейишганида бу гаплар асоссиз эмас эди.

— Убайдулла Каримов — покиза ва ҳалол, ўта заҳматкаш инсон эди, — дейди мамлакатимизнинг машҳур шарқшунос олими, филология фанлари доктори, профессор, Фирдавсий номли халқаро мукофот совриндори Шоислом Шомухамедов. — У дабдабаларни ёқтирмасди, турмушнинг икир-чикир ташвишлари билан иши йўқ эди. Ўша Розий ҳақидаги ишининг ўзи фан доктори илмий даражасини олишга лойиқ деб ҳисобланганди, ўшанда. Чунки у жаҳон кимё илмий иши тарихида том маънодаги кашфиёт эди. Ўз соҳасида шу пайтгача ҳеч ким айтмаган гапни — янги гапни айтди. Ва у ўша пайтдаёқ ўзининг юксак баҳосини олганди. Ленинград шарқшуносларининг йиғилишида "У. И. Каримовнинг иши дунё арабшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади", деб таъкидлаб ўтилди.

Кейинчалик унга дўстлари Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" бўйича амалга оширган бениҳоя кенг кўламли ишларини фан докторлиги илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилишни тавсия этишди. Ишнинг салмоғи бўйича

шундай хулосага келиш учун барча асослар бор эди. Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги муносабати билан Жаҳон Тинчлик кенгашининг даъватига жавобан Ўзбекистон шарқшунослари 1953—1961 йиллар мобайнида "Тиб қонунлари"нинг барча беш томини араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, илмий изоҳлар билан нашр этдилар. Бу улкан илмий ишда русча таржиманинг 52 босма табоқ, ўзбекча таржимасининг 33 босма табоғи бевосита Убайдулла Каримов қаламига мансуб. Бундан ташқари, эътибор беринг-а, 280 босма табоқни ташкил этган ана шу беш том асарни муҳаррир сифатида таҳрир қилиб чиқди. 1980—1982 йиллари мазкур ўлмас асарнинг иккинчи ва қайта ишланиб, тўлдирилган нашри ўзбек ва рус тилларида янада кенгроқ илмий изоҳлар билан нашр этилди. Бу иш ҳам Убайдулла Каримовнинг раҳбарлиги ва бевосита иштироки билан амалга оширилди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш керакки, бу чинакамига илмий жасорат эди. Бу қадар кенг қўламли иш ҳали бирор олимга nasib этмаганди. Лекин Убайдулла акадаги ўша ҳалоллик, ҳамиyat, ўзига нисбатан юксак талабчанлик унга мазкур ишларни докторлик илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилишга йўл бермади. "Мен бунинг учун алоҳида иш қилишим керак, фанда бутунлай янги гап айтишим керак", деб туриб олди. Шу ишларни ҳимояга қўйганда, ўша пайтда ҳеч ким қулоқ қоқмай розилик берган бўлур эди. Лекин у бунга кўнмади. Мана, бизнинг Убайдулла ака қандай одам эди!

Машҳур шарқшунос олим ҳақ гапни айтди. Ўзининг арзимас ишини кўкка кўтариб, мақтаб, турли кишиларни ўртага қўйиб, бирор илмий даража олиш илинжида илмий кенгашларни қайта ва қайта безовта қилганларнинг қанчасини кўрдик ва кўраяпмиз...

"Тиб қонунлари"нинг ўзбек ва рус тилларида тўла равишда босилиб чиқиши (айтиш керакки, ҳозирги замон тилларида бу иш биринчи бор Ўзбекистонда амалга оширилди) фаннинг турли соҳаларидаги мутахассислар томонидан Ибн Сино меросини чуқур ўрганишга кенг йўл очди. Ўтмишдаги улуғ бобомизнинг фақат Шарқда эмас, балки айни пайтда, Фарбда ҳам табобат илмининг ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасига бағишланган қатор монографиялар ҳамда кўпгина мақолалар юзага келди. Айни пайтда Ибн Сино меросини турли касалликларни даволашда унутиб юборилган усуллари қайта тиклашда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Шундан сўнг аллома ўз нигоҳини бундан минг йил аввал яшаб, ижод этган, жаҳон фани тараққиётига тенгсиз улуш қўшган, туронзамин шаънини дунёга таратган яна бир бошқа буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг илмий меросини ўрганишга қаратди. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Беруний 150 дан ортиқ асар яратган. Улардан бизгача етиб келганлари 30 га яқин. У астрономия, математика, физика, минерология, геодезия ва география фанлари соҳасида буюк кашфиётлар қилган. Афсуски, алломанинг ҳозирги авлодлари унинг меросидан тўла баҳраманд эмас эдилар. Чунки асарларининг айримлари ҳамон қўлёзма ҳолида сақланиб келинаётганди.

— Берунийнинг мана шундай нашр этилмаган асарлари ичида энг муҳими ва ҳажм жиҳатидан каттаси, олим ўз умрининг охириги йилларида ёзган асари "Китоб ас-Сайдана фит-тиб" ("Табобатда доришунослик") номли китобидир, — деган эди ўшанда Убайдулла Каримов. — Ўқиб, ўрганганимдан кейин докторлик мавзусига худди шу асарни олишни лозим кўрдим.

Яна тунлар кетидан тунлар бедор ўтадиган бўлиб қолди. Илмий тадқиқот жараёнида жуда кўп жумбоқларни ечишга тўғри келди. Мазкур асарнинг ягона қўлёзма нусхаси 1927 йилда Туркиянинг Бурса шаҳридаги кутубхоналардан бирида топилганди.

Мазкур асар билан танишиб чиққач, синчков тадқиқотчи қутилмаган жумбоқларга дуч келди. Қўлёзманинг беш жойидан бир неча варақлари йўқолган, бунинг устига асарни кўчирган котиблар юзлаб атамаларни бузиб ёзишганди. Манаман деган чет эллик олимлар қўлёзма билан танишиб чиққач, ана шу қусурлари туфайли китобни таржима қилиб, илмий изоҳлаб бўлмайдди, деган тўхтамга келишганди. Бошқача айтганда, китобни тиклашнинг иложи йўқ, дейишди. Чуқур назарий билим, улкан тажрибага эга бўлган, рус, форс, араб тилларини пухта эгаллаган, юнонча, немисча, инглизча ёзишмаларни луғатлар ёрдамида тушунадиган бизнинг Убайдулла ака шу мураккаб жумбоқни ҳам ечмоққа бел боғлади. "Ас-Сайдана"да мингдан ортиқ ўсимлик ва маъдандан тайёрланадиган дориворларнинг тавсифи ва уларнинг араб, юнон, сурёний, ҳинд, форс, хоразмий, суғд, турк ва бошқа тиллардаги номлари келтирилади. Мазкур тилларни билмасдан туриб, бунинг устига кимёгар бўлмасдан ту-

риб, бу ишга қўл уриб бўлмасди. Аввал асардаги кемтик жойларни тўлдириш ҳамда қусурларни тузатиш лозим эди. Шу мақсадни амалга оширишда бирдан-бир манба унинг XIII асрда Абу Бакр Косоний томонидан форс тилига қилинган таржимаси бўлиб, аллома шу икки қўлёзма — арабча, асли ва форсча таржимасининг нусхаларига таяниб ишни давом эттирди. Айни пайтда шарқ табобати ва доришунослигига оид бошқа қатор муҳим манбалардан ҳам фойдаланди.

— Меҳнати катта эди-ю, аммо унинг унуми жуда сушт эди, — деб эслаганди бир суҳбатимизда Убайдулла ака. — Сабаби, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг юқорида эслатиб ўтилган тилларда биргина атамани, яъни бир сўзни аниқлаш учун ҳафта, баъзан ўн кунлаб вақтим кетарди. Яширмайман, баъзан кўнглимга ғулғула тушарди: урушда олган жароҳатим тез-тез ўзини эслатиб турадиган бўлиб қолди. Бунинг устига десангиз, умр ўтиб бораяпти, ёш кетаяпти. Улгурармиканман, деган хаёл безовта қиларди мени.

Ҳа, алломанинг гапида жон бор. Ахир айтишга осон, хорижий олимлардан бирортаси ҳам удалай олмаган ишни Убайдулла ака 8 йилда амалга оширди. Етмиш тобоқ босма ҳажмидаги иш Беруний асарларининг тўртинчи томи сифатида рус тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Айтиш мумкинки, Убайдулла аканинг чеккан заҳмати эвазига буюк бобокалонимизнинг бу асари бизнинг давримизда иккинчи бор дунёга келди. Қўлёзмага битилган илмий шарҳнинг ўзини бир жиддий иш деб ҳисобласа бўлади. Халқимизнинг бой маданий ва илмий меросини бутун дунёга бўй-басти билан кўрсатиш йўлида, қадриятларимизни тиклаш борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси У. Каримов яна тунларни бедор ўтказадиган бўлиб қолди. "Сайдана"нинг ўзбек тилига таржимаси устидаги ишини чидам ва сабот билан давом эттирди.

— Иш поёнига етай деб қолдимиз? — сўрагандим ундан вафотидан бир йил аввал.

— Саксон фоизи тайёр, саломатликни берса халқимга ўз қўлим билан топширсам, деган ниятдаман.

— Ҳазилакам иш қилмагансиз. Айтинг-чи, кўнгилда армон борми?

— Инсон бўлади-ку, унда армон бўлмайдимиз? Халқимизнинг илмий мероси шу қадар бойки, эндигина унга йўлак очилаяпти. Қани, Яратганнинг ўзи умр берса, аср-

лар қаърига яширинган жавоҳирларни топиб, тартибга келтириб, эндиликда ўзлигини таний бошлаган халқимга тортиқ қилсам. Туронзамин кишилари ким эканлигини, уларнинг илдизларини тўлароқ кўрсатсам. Мидлий ғурурни камол топтиришда, бинобарин ватанпарварлик руҳини илдиз олдиришда мен айтган масалалар аҳамияти бениҳоя катта. Айтадилар-ку, гар саломатликни берса, муддао кам-кам бўлур, деб. Бошқалар қатори умид билан яшаяпман.

1993 йилда республика жамоатчилиги Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил топганлигининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Шу санага бағишлаб ўтказилган тантаналарда Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. У йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари остида Убайдулла Каримовга аталган мукофотни топширар экан, шундай деди: "Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида катта хизмат кўрсатган, илмий меросни ўрганишда алоҳида мактаб яратган зўр олим Убайдулла Каримов Заҳириддин Бобур номидаги медаль билан мукофотланади. Бу кишига... мукофотни топшириб, муборакбод этишга рухсат бергайсиз". Залда гулдурас қарсақлар янгради. Меҳнатинг элга манзур бўлса, тан олинса, муносиб баҳо берилса, бундан ортиқроқ бахт борми, киши учун?! Чеккан заҳматлар, бедор ўтказилган тунлар бесамара қолмади. Илм аҳли учун, ижод аҳли учун Худодан бундан ортиқ яна нима сўраш мумкин?! Ислом фани ҳақидаги Халқаро энциклопедияда ҳам ўзбеклардан фақат шу кишининг номи тилга олиниб, илмий ишларига юксак баҳо берилганлиги бежиз эмас. Бошқача қилиб айтганда, аллома-мизни жаҳон арабшунослиги фани етук олим, билимдон мутахассис сифатида аллақачон тан олган.

Мактаб яратган устод! Бу муборак ном ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, илму фанда ҳам ҳақиқий олим бўлиш учун кишига Яратганнинг ўзи назар қилган бўлиши керак. Элидагина эмас, балки кўпгина хорижий юртлар илм аҳллари, айниқса, шарқшунослари орасида ҳам катта эътибор топган, танилган, тан олинган юртдошимизнинг келгусида ниятлари катта эди. Афсус...

Убайдулла Каримовнинг қизлари Сурайёхон ҳам эндиликда ота изидан бормоқда. Худди отасидек аввал кимёгар бўлди, ҳатто фан номзоди илмий даражасини ҳам олди. Отанинг таъсир кучи зўрлигиданми ё ўтмишнинг сирли

мўъжизаларига қизиқиш кучли бўлганиданми, у ҳозирги пайтда Шарқшунослик институтида ишламоқда. Кўнгилга шу нарса таскин берадики, алломанинг юртимиз учун бениҳоя зарур илмий ишларини қизлари Сурайёхон давом эттириб, ўша "Сайдана" устида чидам ва қунт билан ишламоқда. Шарқ таъобатида доришуносликка бағишланган бу тенгсиз хазина яқин йиллар ичида китоб ҳолида босилиб чиқиб, халқимиз маънавий мулкига айланса ажаб эмас.

МЕҲРДАН БАХТ ТАХТИНИ ЯРАТГАН

"Аллоҳ олийҳимматни яхши кўради ва яхши хулқларни ёқтиради".
"Аллоҳ ночор, қийналган одамга яхшилик қилганни яхши кўради".
"Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир".
"Яхшилик чиримайди".

(Ҳадислардан.)

Қизиқ, хоразмликлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, "Бектош ака бизники", дейишади. Андижонликлар эса "йўқ, у киши — бизники", деб туриб олишади. Самарқандликларга-ку, гап йўқ: "Ўша даврда раҳматлик Шароф Рашидовдан сўнг биз учун энг ардоқли киши Бектош ака бўлган", дейишади улар.

Худо юқтираман деса шундай бўларкан. Лекин айтиш керакки, сендан ҳаракат — мендан баракат, деган гап ҳам бор. Ҳар кимнинг феълидан буюради. Бу кишининг қандайдир сеҳри бор. Бир суҳбатлашган киши яна уч-рашсам, дея ният қилади. Нимаси биландир одамларни ўзига оҳанрабодай тортади. Ундаги самимийлик, очиқ чеҳралик, камтар-камсукумлиқ, кўнгли чўкканлар дардига малҳам бўлмоққа ҳаминша ҳозир у нозирлик, ўша биз боя айтган сеҳрнинг қирралари бўлса ажаб эмас. Эркак кишининг жамоли тилдир, деб бежиз айтмаганлар. Дилкашлигининг ўзи бир дунё, киши руҳига ҳузур бахш этади.

Унинг болалиги оғир ўтди. Онадан ҳам, отадан ҳам эрта ажралди. Ҳаёт чиғириклари уни обдан пишитди. У атрофдаги воқеаларга, одамларга, тенгқурларига нисбатан теранроқ қарарди, хулосалари ҳам, тутадиган йўл-йўриқлари ҳам ўзгачароқ бўларди. Ўқиш, билим олиш, мактабда ўқитувчилик, сўнгра қатор туманларда биринчи раҳбар бўлиш каби ҳаёт пиллапояларини у бирин-кетин босиб ўтди.

...1965 йил февраль ойининг бошларида "Хоразм ҳақиқати"нинг ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан унинг муҳаррири раҳматлик Эгам Раҳимнинг тақлифига биноан Р. Соҳибоев (раҳматлик ўша пайтда республика Олий Совети Президиумининг котиби эди), М. Қориев ("Совет Ўзбекистони" — ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасининг муҳаррири эди) ва камина (ўша пайтда "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳаррирининг ўринбосари эдим) Урганчга бордик. Тантаналар кутилганидан ҳам аъло даражада ўтди. Барча тадбирларда ишбоши Бектош Раҳимов. Ундаги қайноқ юрак ҳарорати ҳаммага кўчгандек. Хўжаликларда, корхоналарда бўлдик, зиёлилар, ижодкорлар билан учрашдик. Ҳамманинг оғзида Бектош ака. "Бахтимиз шундаки, — дерди улар, — қадриятларимиз баҳосини биладиган, уларни улуғловчи киши вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб келди". Кишилар кўнгли чоғ, руҳи ниҳоятда баланд эди. Қизиқ, бу кишининг Хоразмга келганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, лекин одамлар қалбидан бу қадар чуқур жой олганлиги ўшанда бизни ҳайратга солганди. У Хоразмда ўзидан ўчмас из, яхши ном қолдирди. Хоразмликларнинг "Бектош ака — бизники", дейишларининг боиси ҳам худди шунда бўлса ажаб эмас.

Орадан йиллар ўтди. У Андижондек улкан вилоятга раҳбар этиб сайланди. Ўшанда орадан икки-уч йил ўтгач, касбдошлар билан Андижонда бўлдик. Юз бераётган катта ўзгаришларни кўриб, бошқалар қатори биз ҳам ҳаяжонландик. Вилоят иқтисоди юксалаётганди, маданий соҳалардаги ўзгаришлар кўзга яққол ташланиб турарди. Айниқса, ободонлаштириш, янги боғ-роғлар бунёд этиш борасидаги ишларнинг кўлами чўнг эди. Ҳатто, қақроқ қирларга сув чиқарилиб, уларда замонавий "Боғишамол"лар барпо қилинди. "Бектош ака билан ишлашнинг ўзига хос гашти бор, кишида қандайдир руҳ пайдо қилади", дейишарди андижонликлар. У кишилар билан бирга бўларди ҳамиша. Одамлар хурсандчилигини ҳам, ташвишларини ҳам бамисоли туғишган оғадек баҳам кўрарди. Ўзидан кечиб, бор куч ва иқтидорини сарфларди шу диёр учун. Не бахтки, Андижонда ҳам у ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдирди. Бу шундай илоҳий бахтки, ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди. Унинг яхши ният билан сепган эзгулик уруғлари ҳамма ерда ўз мевасини берарди.

Ҳар ким эл орасида феъл-атворига яраша баҳо олади. Андижонликларнинг у кишига кўрсатган оқибатини қаранг:

шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан бирини Бектош Раҳимов номи билан аташди. Гарчи барҳаёт кишилар номи билан бирор жойни аташ бизда удум бўлмаса-да, андижонликлар Бектош оға учун, истисно тариқасида, шундай қилишди. Буни уларнинг ўзига хос миннатдорчилиги рамзи деб тушунмоқ керак. У андижонликлар қалбида ана шундай меҳр деб аталмиш ноёб қаср қуриб қолдирди.

Яратиш ва бунёдкорлик ишлари билан беҳаловат йиллар ўтиб борарди. Ўшанда Бектош ака Самарқанддек азим диёрда биринчи раҳбар эди. Унда пайдо бўлаётган янгидан-янги ғоялар, тадбирлар режасига, унинг ижодкорлигига, куч-ғайратига лол эди одамлар. Янги ишлар, хайрли тадбирларга йўналтирарди кишиларни. Ҳаёт ўзи шундай, унинг ёзилмаган қонунлари бор: агар сен одамлар кўнглини топсанг, дилига етиб борсанг, меҳрини қозонсанг, улар учун лозим бўлган пайтда кўкрагингни тутиб берсанг, мардлик кўрсатсанг — улар ҳам сен учун ўтга ҳам, сувга ҳам киришга тайёр, ҳатто тоғларни ҳам талқон этмоққа қодир куч топа олади. Бектош ака шундай худо берган илоҳий хислатларга эга. У азим Самарқанднинг халқимиз тарихида тутган ўрнини яхши билгани боис тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлашдек савоб ишларга кўп вақтини берди. Олимлар, мутахассислар, кексалар билан маслаҳатлашди, қандай қилсинки, ўша эндиликда биз учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолган, улуг аждодларимиз саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган, то шу кунгача жаҳонни ҳайратга солаётган ўша тенги йўқ обидалар яна қад ростласин, асли чиройини очсин, миллат шани, шавкати йўлида, шу юртни улуглашдек муқаддас ишга хизмат қилсин. Ахир бу тупроқда Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий, Хўжа Аҳрор Валийнинг қутлуг қадам излари бор. Самарқандликлар билан гурунглашиб қолсангиз, фахр ва ифтихорга тўлган ҳолда бири олиб, бири қўйиб гапира кетадилар:

— Регистон майдонининг асл саҳни 2—2,5 метр тупроқ остида қолиб кетган экан. Бектош ака оқсоқолларни, фалоларни тўплаб, бор гапни айтди. Халқ шу қадар берилиб ишладики, бунақаси бўлмаган. Ўша кишининг даврида Регистон майдони деярли асли ҳолига қайтди, — дейди бири.

— Шоир-бахшилар хиёбонини айтмайсизми... Бу эзгу иш ҳам маънавий қадриятларни ҳамisha улуглаган ўша кишининг даврида амалга оширилган, — таъкидлайди иккинчиси.

— Бу ва бошқа қатор савобли ишларни Бектош ака ҳаётлиги давридаёқ ўзига ўрнатган ўчмас ҳайкаллар деб аташ ҳам мумкин, — дейди учинчи суҳбатдош.

Мевали дарахтга ҳамиша тош тегеди, деган гап ҳақ экан. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида республикамизда "қизил империя" томонидан бошланган қатағон Бектош Раҳимовни ҳам четлаб ўтмади. Шунча йиллар садоқат билан чеккан заҳматлари ҳам, юксак унвони ҳам, кўша-кўша орден ва медаллар соҳиби эканлиги ҳам заррача инобатга олинмади. Юртимизга Московдан юборилган "десантчилар" ўлканинг ўт-ўланларини эмас, балки аввало асл гулларини сўлдирмоқчи бўлишди. Номини улус оғзига тушганларни таҳқирлаш орқали миллат ғурурини поймол қилмоқ эди уларнинг нияти. Дўқ-пўписалар ҳам, туҳмат ва зуғумлар ҳам элнинг жанг кўрган ўғлонини Бектош Раҳимовнинг қаддини бука олмади. Унинг битта "айби" бор эди — шу туғилиб ўсган юртини, ўзини тарбиялаб, вояга етказган халқини жони дилидан яхши кўрарди. Бутун борлигини, ҳаётини улус манфаатлари йўлига бахшида этганди. Шукрлар бўлсинким, адолат қарор топди. Юртнинг манман деган бошқа жабрдийдалари қатори у ҳам тўла оқланди. Бу ишда Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг адолат йўлидаги алоҳида жасорати, зўр қатъиятлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

...Бектош Раҳимов меҳнат ва уруш фахрийлари ташкилотлари республика кенгашига раис бўлиб сайланган кунни яхши эслайман.

— Жуда топиб танлашибди, бу жой худди шундай қалби қайноқ, кўнгли меҳрга лиммо-лим кишининг ўрни, — деди кўпни кўрган оқсоқоллардан бири.

— Жонсарақлигини айтмайсизми, ўзиям тинчимайди, атрофдагиларга ҳам тинчлик бермайди. Ташкилотимиз яшарадиган бўлди, — деди иккинчиси.

Худди шундай бўлди ўша пайтда. Бажарилаётган ишларда, амалга оширилаётган тадбирларда қарияларнинг руҳий ҳолати ҳар тарафлама ҳисобга олинди. Сир эмаски, ҳозирги фахрийларнинг кўпчилиги ўз вақтида элни оғзига қаратган, юрганда оёғидан ўт чақнаган, ҳамманинг эътиборида, тўй-маъракаларнинг тўрида бўлган. Нима ҳам дердик, у даврлар оқар сувдек оқди-кетди. Баъзилари эътибордан бир оз четда қолди. Улар қорнига эмас, балки қадрига йиғлайди, ким эдим у — эндиликда кимман,

деб. Ана шу ўтиш даври — фаол иш давридан сокинлик ва осудалик даврига ўтиш, кўникиш жараёни айрим кимсаларда ниҳоятда мураккаб, айтиш мумкинки, оғирлик билан кечади. Моддий таъминот етарли, бу жиҳатдан кўнгли тўқ, ҳукуматга раҳмат. Лекин маънавий томонга келганда баъзан...

Бектош Раҳимов масаланинг худди ана шу нозик томонига эътиборни қаратди. Фахрийларнинг яхши-ёмон кунларидан бохабар бўлиб турди. Бугун қайсидир бемордан хабар олади, эртасига кимнингдир уйига бориб ҳол-аҳвол сўраб келади. Кўпроқ уларни кенгашга чақиртирди, навбатдаги жумбоқларни ҳал этиш учун маслаҳат солди, баъзиларга енгилроқ бўлса ҳам бирор юмушни бажаришни илтимос қилди. Кексайганда одам худди ёш боладай бўлиб қолади, дейишгани хўқ гап. Кечагина "Бизники бўлди, ишлаб бўлдик", деб қў. ини ювиб, қўлтиққа урганлар кенгаш томонидан амалга оширилаётган тадбирларни кўргач, ўзларига нисбатан бўлаётган эътиборни ҳис этгач, қайтадан ғайратга кириб кетдилар. Ҳар куни ўнлаб одамлар Бектош Раҳимовнинг хонасига кириб келардилар.

— Шу бир фикр менга тинчлик бермаётир, бу ерга мени етаклаб келган ҳам ўша. Сиз нима дейсиз агар...

Бектош аканинг кўзлари чақнаб кетади ва суҳбатдошини эътибор билан тинглайди.

— Мана бу ишингизга қойил, — дейди ўрнидан туриб. — Яхши ўйлабсиз, жуда муҳим гап бу. Албатта режамизга киритиб қўямиз.

Қариянинг боши осмонда. Нега осмонда бўлмасин, ахир ҳали ҳам уни тинглайдиганлар бор, таклиф-мулоҳазаларини эътиборга олишяпти. Демак, ҳали у одамларга керак.

Муҳими шу, киши ўзини одамларга кераклигини ҳис этиш. Шу туйғу бор экан — киши қарилikka сўз бермайди.

Оқсоқолимиз Бектош акага келсак, ҳозир ҳам худди ёшлардек серҳаракат, серғайрат. Республика "Асал" уюшмасида хизмат қилмоқда. Етмишни аллақачон ортда қолдириб кетганлигига ҳеч ким ишонмас.

Юртбошимиз Ислон Каримовнинг ибратомуз бир гапи бор: "Ҳаёт чархпалаги тинмай айланаверади: умр кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Чархпалак тепасидагилар вақти келиб пастга тушади. Шунда кўча-қўйда учраганлар ҳол-аҳвол сўраса: сенга раҳмат, юрт учун, эл учун қўлингдан"

келган ҳамма ишларни қилдинг, барака топ, деса бўлгани, инсон учун бундан олий мукофот бўлмайди".

Жуда топиб айтилган. Шу олий мукофот насиб этсин ҳар бир инсонга. Назаримда Бектош ака шундай мукофотга сазовор бўлганлардан. Истаган вилоятдагилардан сўранг, улар нима дер эканлар. Имоним комилки, ҳамма ерда жавоб бир хил мазмунда бўлади: Бектош Раҳимов юксак инсонийлик рамзи, унинг тақдирига ҳавас қилса арзийди. Унинг бутун ҳаёт йўли юрти учун қандай садоқат билан хизмат қилишдан сабоқ берувчи ажойиб китобдир.

Ҳар ким экканини ўради. Эл дуосини олганларнинг умри узоқ бўлади, дейишган экан машойихлар: Қадрдонимиз Бектош ака меҳрдан бахт тахтини яратган инсон. Бу тахтни қўлда ясаб бўлмайди. Кўнгилнинг беқиёс илоҳий ҳосиласидир у. Савоб ишларга умрини бахшида этганлар эса қаримайди ҳам, ҳоримайди ҳам.

УСТОЗ

1960 йилнинг ёз ойлари.

Бу сафарги бюро йиғилишида партиёга янги аъзо қабул қилиш масаласи муҳокама этилаётган эди. Одатдагидек номзоднинг аризаси, унга берилган тавсияномалар ўқиб эшиттирилди, у эса ўз таржимаи ҳолини гапириб берди. Сўнгра савол-жавобларга ўтилди.

— Сўзга чиқишни хоҳловчилар борми? — сўради партиа бюросининг секретари Асқар ака Шермухамедов. Орага бир оз жимлик чўкди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Гап шундаки, ариза берган ходим газета етакчи бўлимларидан бирининг мудирини, унга тавсияномалар ёзиб берганлар орасида шу газета муҳаррири ҳамда партиа бюросининг секретари ҳам бор эди. Четдан қараганда масала аллақачон ижобий ҳал этилган, ҳозирги йиғилиш эса ўзаро келишиб олинган фикрни шунчаки расмийлаштириш учун чақирилганга ўхшаб кўринарди. Баъзилар худди шундай деган қарорга ҳам келиб қўйишганди.

— Қизиқ, наҳотки ҳеч кимда айтадиган сўз бўлмаса, — секретарь савол назари билан шу ерда ҳозир бўлганларга яна бир-бир нигоҳ ташлади. Шу пайт газета бўлим мудирларининг орасида энг ёши, ҳали яқиндагина касаба уюшмаси маҳаллий кўмитасининг раислигига сайланган йигит сўзлаш учун рухсат сўради.

— Яширмайман, сўзимни нимадан бошлашни билмай турибман. Лекин ягона илтимосим шуки, мени тўғри тушунинглар.

Гап бундай, дорилфунунни битириб, тўрт-беш ёш му-тахассис шу газетага келдик. Бахтимиз бор экан, жамоа умуман яхши, ходимлар бир-бирига самимий. Бунда ал-батта муҳаррирнинг роли катта. Биз, ёшлар унинг эътибо-рини доимо сезиб, ҳис этиб турибмиз. Ишга ва кишиларга муносабатда, масалаларни ҳал этишда унинг одилона йўл тутиши, меҳнатқашлиги, майда-чуйда масалаларга ҳам бефарқ қарамаслиги бизда у кишига нисбатан ҳурмат уйғот-ганди. Муҳаррир бўлгани учунгина эмас, балки яхши одам бўлгани учун биз у кишини севиб қолдик, эътиқод қўйдик, баъзида беихтиёр унга тақлид қила бошладик.

Ҳозир эса мен тушунолмай қолдим, шу кунгача, ҳур-матли муҳарриримиз, сизнинг тўғрингизда мендаги та-саввур ҳозир, шу жойнинг ўзида остин-устун бўлиб кет-ди. Биз сизни ниҳоятда ҳушёр, сезгир, одам танлайдиган раҳбар, деб билган эдик, сиз эса келиб-келиб шу кишига тавсиянома ёзиб берибсиз. Наҳотки бу ходимнинг қан-дай инсон эканлигини билмасангиз? Эҳтимол, муҳаррир бўлганингиз учун сиз билан етти букилиб гаплашса ке-рак, лекин бошқа бирон кимсани одам ўрнида кўрмай-ди, ҳаммани оёқ учида кўрсатади, носамимий, сендан угина, мендан бугина, деган ақида асосига қурган у ки-шилар билан муносабатини. Сизга ҳам тушунолмай қол-дим, ўртоқ секретарь, муҳаррир юзакироқ билса бу ки-шини, ахир сиз яхши биласиз-ку.

Ёш бўлим мудури ўзи айтган гапларини исботловчи аниқ далилларни бирма-бир санаб ўтгач, мен бундай ки-шиларнинг сафимизда бўлишига бутунлай қаршиман, деди-да жойига ўтирди.

Ўртага кўнгилсиз сукунат чўкди. Қанча вақтга чўзил-ганини билмайман, лекин ҳамма ўйга толди.

— Менга сўз беринг, — сукунатни газетанинг ўша пайтдаги масъул котиби Султон Орипов бузди.

— Мен ҳозир бу ерда сўзлаган ўртоқнинг фикр-муло-ҳазаларини тўла равишда қўлаб-қувватлайман. Сафимиз-га ким ариза берса, ўша кишини эмас, балки одамлар ичидаги энг сарасини танлаб олишимиз даркор. Ариза берган ходимимиз эса ҳали бунга лойиқ эмас.

Шундан сўнг нотик ўз фикрини исботловчи бир қан-ча аниқ мисолларни келтирди.

Ғалати ҳолат юз берганди. Ариза берган одам, боя айтганимиздек, таҳририятнинг етакчи бўлим мудирларидан бири. Бюро аъзолари беш кишидан иборат. Шулардан икки киши — муҳаррир ва бошланғич партия ташкилоти бюросининг секретари тавсиянома берувчилар, ҳозирча икки киши — бири бўлим мудир, касаба уюшмаси маҳаллий комитетининг раиси, иккинчиси эса газета масъул котиби бу фикрга қарши бўлиб турибди.

Муҳаррир чаккасини ўнг қўлига тираганча хаёл суриб ўтирибди. Секретарь ҳам ҳаяжонини яширолмаётир. Ариза берган бўлим мудир эса нималар бўлаётганига тушунолмамай ҳайрон. Ҳамон жимжитлик, ҳамон сукунат.

Шу пайт кимдир столга панжасини зарб билан урди. Ҳамма унга қаради. Бу газета муҳаррири эди. У ўрnidан туриб қандайдир билинар-билинемас титроқ овозда, лекин кесиб-кесиб гапира бошлади:

— Асқар ака, — деб секретарга мурожаат этди у, — ушбу сўзларимни мажлис баённомасига расмий равишда ёзиб қўйишингизни сўрайман: менинг берган тавсияномам ҳозирги дақиқадан бошлаб ўз кучини йўқотди, деб ҳисоблансин. Ўйлаб, ҳамма сўзларни адолат тарозисига солиб, шундай қатъий фикрга келдим. Ҳақиқатан ҳам тавсиянома ёзаётганимда масалага чуқур ёндошмаганман, унда бир томонлама — ариза берувчининг ишчанлик томонларинигина ҳисобга олибман. Сизлар эса, — бизларга мурожаат этди у, — яхши сабоқ бердингиз. Бошқа айтадиган гапим йўқ.

Шундан сўнг Асқар ака Шермуҳамедов сўзлади. У ҳам ўз тавсияномасини қайтариб олажагини айтди. Шундай қилиб, кун тартибидаги масала кўриб чиқилди — бўлим мудирига рад жавоби берилди...

Юқорида тасвирланган воқеага ҳам қирқ йилча бўлди. Газета — "Тошкент ҳақиқати", муҳаррир — Зиёд Исмолович Есенбоев, ёш бўлим мудир — камина эди. Киши ҳаётида не-не воқеа ва ҳодисаларга дуч келмайди, дейсиз. Юзлаб, минглаб воқеалар ичидан юқоридаги лавҳани мен атайлаб келтирдим. Чунки унда иштирок этувчиларнинг қиёфаси масалани муҳокама этиш жараёнида ниҳоятда яққол кўринган. Масала шахсий нафсоният ва ҳақиқат ўртасидаги курашда эди. Муҳарриримизнинг мардлиги, етуклиги шунда эдики, у ўз нафсониятини енгишга ирода ва куч топа олди. Ким гапираётганидан қатъий назар, тўғри гапга, ҳақ сўзга тан берди. Шундан кейин унинг обрўси жамоа ўртасида жуда ошиб кетди,

бизнинг эса унга бўлган меҳримиз янада товланди. Яшириб нима қиламиз, бундай нозик вазиятда мардлик кўрсатадиган раҳбарларимиз ҳали ҳануз, афсуски, жуда кам топилади. Вазият тақозоси билан тан беришдан ўзга чора қолмагач, муроса қилувчи, лекин кекчи, орани очиқ қилиб, ҳисоб-китоб қилиш учун пайт пойлайдиган раҳбарлар ҳозир ҳам кам эмас.

Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин ўртамиздаги муносабатларнинг дарз кетишига эмас, балки янада мустаҳкамланишига хизмат қилган ўша воқеани ҳамон ҳаяжонсиз эслай олмайман. Кейинчалик ўзим ҳам раҳбар бўлиб ишладим, узоқ йиллар — қарийб 25 йил вилоят ва республика газеталарига бош муҳаррирлик қилдим. Шу йиллар мобайнида ўзимга ўзим кўп бор шундай савол бердим: мана мен ҳам муҳаррирман, борди-ю, ходимлардан кимдир бирон масалада менга тик қараб, сиз ноҳақсиз, фикрингизга қўшилмайман, деб дангал айтса, мен унга қандай жавоб берардим, ўзимни қандай тутардим, ўша ходимга нисбатан кейинги муносабатларим қай тарзда кечарди? Нима қиламан яшириб, ҳамон узил-кесил жавоб бера олмайман. Хўжақўрсин учун агар тўғри бўлса, тўғри, деб айтамиз-да, дейиш — бу шунчаки жавоб. Бошқа раҳбар ўртоқларимга ҳам шу вазиятни бир неча бор айтганман, қандай йўл тутардингиз, деб сўраганман. Танглик билан тан олинадиган бўлса, жавоблар ланж ва мужмал. Мана шундай пайтда Зиёд аканинг салобатли қиёфаси, унинг раҳбар сифатидаги, одам сифатидаги сиймоси бутун борлиғи билан қайта ва қайта намоён бўлади.

Кўполроқ қилиб айтганда, ўша пайтда мен ёки бирор бошқа кимса шундай жавоб олиши ҳам мумкин эди: сен зумраша газетага кечагина келгансан, ҳали бирор нарса ни қойил қилиб қўйган жойинг йўқ, шундай бўлгач, катталарга ақл ўргатишни сенга ким қўйибди, кўрпанга қараб оёқ узатсанг-чи?! Юмшоқроқ қилиб айтганда, бошқачароқ жавоб олиши ҳам мумкин эди: ишда ариза берган ўртоқ сендан устун, тажрибаси ҳам кўп, катталар бир фикрга келган экан, демак, ҳамма нарса ҳисоб-китоб қилинган, сен айтган камчиликларни, мана, ўзи эшитди, тузатиб юборса бўлади, бунга мана биз қафилмиз.

Қарабсизки, шу билан гап тамом-вассалом. Лекин юракда дард қоларди, ишончга, имонга, эътиқодга дарз кетарди. Бу қандайдир оддий, тарозида ўлчаб бўлмайдиган адолат, ҳақиқат, маънавият, беғаразлик, ошкора тан-

қидга тан беришлик (у ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам) имтиҳони эди. Умр бўйи шу сабоқдан баҳраманд бўлиб келяман.

— Бошларингга қилич келса ҳам тўғриси айтларинг, айёрлик қилмаларинг, самимий бўлларинг, касбингга, дўстингга хиёнат қилмаларинг. Тўғри бўлсаларинг, қоқилмайсизлар, ўсасанлар, туп қўйиб, палак ёзасанлар, — устоз ёшлар билан мулоқотда кўпинча шундай деб таъкидларди, сўздагина эмас, амалда ҳам буни бизга намуна қилиб кўрсатарди. Керак бўлса у соатлаб ўтирар, қўлёзмаларни эринмай ўқир, таҳрир қиларди. Кимнинг қандай ижодий режалари бор, ким нима ҳақда ўйляпти, яшаш шароити қандай, оиласида кимлар бор, кимлар ишлайди, қарамоғида неча жон бор — ҳамма-ҳаммасидан хабардор, ҳисобга олиб юрарди. Қалам ҳақи тақсимотида шулар ҳам ҳисобга олинарди.

Ўрни келганда, ўта қаттиққўллик қиларди, лекин асосиз бирор кимсанинг бурнини қонатганлигини билмаймиз, кези келганда эса чин мураббийларга хос меҳрибонлик ва эътибор кўрсатарди. Қизиқ, у қаттиқ койирди ҳам, лозим бўлса маъмурий чора ҳам кўрарди. Лекин уларнинг заҳри бўлмасди, тикони йўқ эди. Айб қилган, хатога йўл қўйганлар кўрилган чорадан, эшитган гапларидан норози бўлиб юришмасди.

Кувлик нима, фирромлик нима — билмайди у, кўнгли ёш болаларникидек оқ. Шу сабабли бўлса керак, баъзан биров нима деса, ишониб ҳам қоларди, айримлар эса унинг ана шу хислатидан фойдаланишарди.

Табиат устозга етук инсонийлик фазилати билан бирга катта ташкилотчилик қобилиятини ҳам ато этган. "Тошкент ҳақиқати" газетаси ташкил этилганда унинг биринчи муҳаррири Зиёд ака бўлди.

Кўп ўтмай, "Тошкент ҳақиқати" одамлар оғзига тушди, республикамиздаги энг яхши, ўқимишли газеталардан бирига айланди...

1961 йили Зиёд ака "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Хайрлашув куни ҳали-ҳали эсимда. Барча ходимлар мажлислар залига тўпланган, бошқа ижодий ташкилотлардан ҳам вакиллар келишган. Яхши гаплар айтилди, истаклар билдирилди. Сўзлаш навбати устозга келди. У минбарга чиқди, бир неча дақиқа ўйланиб қолди, энди сўз бошламоқчи эди, беихтиёр лаблари титраб, қўллари

қалтиради. Ҳарчанд уринса ҳам бўлмади, кўзидан ёш чиқиб кетди. Узр сўраб, жойига ўтирди. Бу бизга, бутун жамоа аъзоларига бўлган катта меҳрнинг зўр таъсир кучи, оққўнгиликнинг натижаси эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ўзини тутиб олган Зиёд ака яна минбарга чиқди. Сўзлари ниҳоятда ҳароратли, зеро унга ясамалик бегона бўлиб, нима деяётган бўлса, ҳаммаси чин дилдан эди.

— Сизларнинг меҳр-оқибатларингизни қаерда бўлмай, ким бўлиб ишламай, бир умрга унутмайман, — деган эди у ўша пайтда ва бутун кейинги йиллар мобайнида шу айтган гапларига содиқ қолди. Унинг учун ходимнинг катта-кичиги йўқ эди, шофёрми, мусаҳҳиҳми, машинистками, ижодий ходимми, бўлим мудирими — барбир, ҳаммасига инсон деб қарар ва уларнинг қадрига етарди, ҳурмати яна жойига қўя биларди.

"Қизил Ўзбекистон" газетасида унчалик кўп ишлаган бўлса-да, Зиёд ака ўша ерда ҳам ўзига яраша из қолдирди. Қирқ йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, газета ходимлари ўша йилларни ҳали-ҳали ҳаяжон билан эслаб юришади.

"Ростини айтсам, Зиёд Исломовичдан ҳайиқардик, — деб ёзган эди узоқ йиллар шу газетада муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган раҳматлик Холбек Ёдгоров ўз хотираларидан бирида. — Лекин бу кўрқоқлик аломати эмасди, зинҳор бундай эмасди. Бу талабчан, меҳрибон дўстимизга бўлган иззат-эътиқодимизнинг аломати эди".

Орадан уч йил ўтар-ўтмас, Зиёд Исломович республика Матбуот Давлат қўмитасининг раислиги вазифасига тайинланди. Яна йўқдан бор қилиш, янги ташкилотни барпо этиш, катта ва ишчан жамоани вужудга келтириш ташвишлари...

Шу масъулиятли вазифада у 21 йилдан зиёдроқ вақт ишлади. Туман ва вилоят марказларида янги босмохоналар барпо этиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассислар етиштириш, китоблар чоп этиш ҳамда улар билан савдо ишларини яхшилаш борасида қўлидан келган ҳамма тадбирларни кўрди. Айни пайтда, у кенг кўламда жамоат топпириқларини бажарди. Қаторасига беш бор Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат этиб сайланди, қатор нишонлар ва медаллар билан мукофотланган.

У матбуотда ишлагандан бери жуда кўп публицистик мақолалар, лавҳалар, бош мақолалар ёзди, журналисти-

канинг деярли барча жанрларида ижод этди. Жумлаларнинг қисқалиги, сўзларнинг ўткирлиги, мавзуларнинг долзарблиги, кўтаришган масаланинг моҳияти чуқур очиб берилиши — Зиёд ака ижодининг ўзига хос хусусиятидир. У қатор китоб ва тўпламларнинг муҳаррири, назарий мақолаларнинг муаллифи. "Брюссель виставкаси хотиралари", "Минг орол мамлакатида", "Ўзбекистонда китоб нашрчилик ишлари", "Ассалом, китоб" рисолалари унинг қаламига мансуб...

Одамнинг ёши бир жойга боргач, босиб ўтилган йўлга назар ташлаши, сарҳисоб қилиши, тўғри яшадимми, одамлар розими мендан, ҳаётда қандай из қолдирдим, деб ўз-ўзидан сўраши табиий бир хол. Шундай кезларда устоз шахсий архивини варақлайди. Сон-саноксиз расмлар, турли йилларда келган хатлар, шошилиночномалар. Улар тилсиз бўлса ҳам ҳаётдаги қанчадан-қанча ҳаяжонли воқеаларни, учрашувларни тасаввурда жонлантиради. Бир расмда устознинг атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов билан мулоқот пайти муҳрланиб қолган бўлса, бошқасида чет эллик ҳамкасблар билан чақчақлашилаётган дақиқа.

1939 йилнинг кузида армия хизматида кетган Зиёд Есенбоев она юртига 1946 йилнинг ўрталарида қайтиб келди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ ҳаёт-мамот курашида жон бериб, жон олганларнинг сафларида бўлди. Душмanning биринчи бомбалари, дастлабки снарядлари портлаган ўша мудҳиш кунлардан тортиб то ғалаба тонги отгунча жанговар сафда бўлди. Япония устидан зафар қозонилгандагина у дўстлар бағрига, қариндош-уруғлар кучоғига қайтиб келди.

Табиатан қувноқ, сўзамол мураббий ҳамон ёшларга хос ғайрат билан меҳнат қиляпти.

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг бош муҳаррири Зиёд Исломович Есенбоев ўз хизмат бурчи бўйича ҳам, юрак амри, табиат ато этган ажойиб фазилати билан ҳам жумҳурият журналистларига мураббийлик қиляпти. Кўкси тўла жанговар ва меҳнат орденлари, кўпдан-кўп медаллар. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони, Ўзбекистон Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати унвони — буларнинг ҳаммаси давлатимизга, халқимизга садоқат билан қилган хизматларига берилган муносиб баҳодир.

1998 йили унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Мамлакатимизда фан, таълим, маданиятни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт Истиқлолини мустақамлаш, маънавиятни юксалтиришга қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан юксак тақдирланди — у "Эл-Юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди. Яна бир қувончли томони шундаки бу олий мукофотни Зиёд ака халқимиз йўлбошчиси Ислон Каримов қўлидан олишдек юксак шарафга муяссар бўлди.

Шогирдлари эса ҳамон ошиқади унинг ёнига. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, у бозорда сотилмайди, фармон билан берилмайди, буйруқ билан амалга оширилмайди. Ҳаётда нимаики юз берса, унинг ўзгармас қонуни асосида бўлади. Ҳар кимнинг меҳнатига, феълига яраша — ҳаёт қонуни ана шундай. Қарс икки қўлдан. Ҳар ким экканини олади. Умр бўйи самимийлик, садоқат, мурувват уруғини сепиб келган устоз яхшилик ва одамийлик деб аталмиш беназир бўстон меваларидан баҳраманд бўлмоқда. Унга куч-қувват, ғайрат-шижоат, қувноқлик, жўшқинлик, илҳом бахш этаётган бебаҳо манба ҳам худди шу.

Илойим шундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этсин!

"СЕН БИЛАН ЧЕКСИЗ ФАҲРЛАНАМАН"

50-йилларнинг бошлари. Биз Тошкент университети талабалари эдик. Домлаларимиз аксарияти ўз соҳасининг чуқур билимдонлари, зукко, айна пайтда дилкаш одамлар эди. Улар дарсни шундай берилиб ўтар эдиларки, баъзан биз қаердалигимизни ҳам унутиб, бутун борлигимиз билан ўша даврга — айтилаётган воқеа-ҳодисаларга шўнғиб кетардик.

Шулардан бири нозиктаъб, ўта маданиятли, мушоҳадаси кенг аёл — Фозила Сулаймонова эди. У бизга бамисоли чарақлаган юлдуздек бўлиб туюларди, муомиласи, муносабати ўта самимий бўлгани туфайлими, ҳар ҳолда оҳанрабодек ўзига жалб этарди.

Фозила опанинг дарси бор куни биз учун бамисоли байрам эди. Унинг маърузасини эшитишга келмай қолиш ҳар бир талаба учун катта йўқотиш ҳисобланарди.

Мана, ҳаммамиз жой-жойимизда ўтирибмиз. Эшик очилиб биз интиқлик билан кутаётган, меҳр қўйган

ўқитувчимиз кириб келди. Одатдагидек дарс мавзуси айтилиб, сўнг асосий гапга ўтилди. Кўп ўтмай, Фозила опанимадандир тоқатсизланаётганлиги сезила бошланди. Аслида ҳар бир сўзини ўрнига қўйиб, чертиб-чертиб гапирадиган одам бугун нечундир сўзлари унча қовушмасди. Ҳаммамизнинг кўзимиз унда. Диққатимиз ўзига жамланганлигини сизди шекилли, сўзлашдан тўхтади. Аввалига лаблари титради, сўнг... Бу ёғига бардоши етмади, чамаси, доскага қараб ўгирилиб олди. Энди унинг елкалари ҳам титрай бошлади.

Билдикки, Фозила опамиз йиғлаяпти. Аслида бардошли бўлган инсон ҳозир талабалари олдида йиғлаётган экан, демак, қандайдир ўта кўнгилсиз ҳодиса ёки мусибат юз берган. Биз бирор сўз айтишга ўзимизни ожиз ҳисоблардик. Майли, киши ҳадди сиққан одамнинг олдида кўз ёши тўқади, зора, шу кўз ёшлари билан юракдаги дардалам ҳам чиқиб кетса. Бу ҳолат қанча давом этди — билмадим. Бир вақт, кўз ёшларини артиб бўлгач, Фозила Комиловна бизга юзланди.

— Кечирасизлар мени, — деди у бир оз хижолат бўлиб, — ўзимни тутолмадим. Мен учун даҳшатли воқеа юз берди — Ҳамид акангизни қамаб қўйишди, нималигини билмайман. Фақат шуни айта оламан: қани энди ўзбек деган эл ўғлонининг ҳар тўрттасидан биттаси шу киши каби бўлса, халқ учун шу қадар қайғурса... Бу ёғини кейин ўзингиз тушуниб оларсизлар. Вақт кўрсатади — кимнинг ким эканлигини.

У дераза орқали ташқарига назар солганча жимиб қолди. Энтикиб-энтикиб қўярди, афтидан ноҳақликка нисбатан қалбда юз бераётган исён вулқон каби отилиб чиқиш учун куч билан интиларди.

— Худо урганни — пайғамбар ҳам ҳассаси билан турткилар, деган гап бор халқимизда. Рост гап экан, — опанимадандир ўнг қўлини силтади, — майли, нима дейишса дейишаверишсин, лекин нима учундир сизларга, ҳа, ҳа, фақат сизларга юрагимни очгим келаяпти. Ҳозир оиламиз учун ниҳоятда мушкул дамларда сизлар менга энг яқин одамлар бўлиб туюляпсизлар. Айтаман, сизларга айтаман... Кўнглингизга келмасин, борди-ю, бу гаплар кимларнингдир қулоғига етса (ҳозир уларнинг қулоғи айни диккайган пайт, "шип" этган товушни ҳам илғаб олишиб, иста-

ган оҳангга буришади), Ҳамид акангиз бошига тушган оғир савдо менинг бошимга ҳам тушиши мумкин.

У кеча бўлиб ўтган воқеани баъзан энтикиб, баъзан босиқлик билан гапириб берди.

Уни тор доирадаги йиғилишга таклиф этишибди. Кун тартибидаги масала: "Халқ душмани Ҳамид Сулаймонов хотинининг бундан буён дорилфунунда ишда қолиш-қолмаслиги масаласи".

— Менимча, — депти биттаси, — агар ўша бизга ёт мафкурадаги, миллатчи эри билан масалани расмий равишда очиқ қилса, унда яна ўйлаб кўриш мумкин.

— Яъни, ундан ажралишим керак, шундай демоқчимисиз? — сўрайди Фозила Комиловна.

— Жуда тўғри тушунгансиз, — дейди бошқаси совуқ оҳангда.

— Ахир у киши болаларимнинг отаси-ку, нега бунди ҳисобга олмайсизлар. Фарзандларимга нима дейман, қандай қилиб улар юзига қарайман?

— Масаланинг бу томони сизнинг ишингиз, оилавий иш. Биз қўяётган масала эса давлат аҳамиятига молик бўлган иш. Буларни фарқ қила билиш керак. Наҳотки, шу оддий нарсаларнинг мағзини чақа олмасангиз?!

— Ахир унинг айби нима, элини севганлигимиз, бутун борлигини унга баҳшида этганимиз?

— Ҳали давлат органлари фаолиятига шубҳангиз ҳам борми? Қизиқ.. жуда қизиқ.

— Сизларни билмадим-ку, — дейди шу пайтгача бир чеккада безрайиб турган бир доцент, — менинг фикримча, аксилинқилобчи, буржуа миллатчисига шу пайтгача хотин бўлиб келган кишига ёшларимиз тарбиясини ишониб топшириб бўлмайди. Эр-хотин қўш ҳўкиз, деб бекорга айтмаганлар. Уларнинг фикри, мақсади ҳам бир бўлиши мумкин. Биз қаёқдан биламиз, бу кишининг кўнглида не ният борлигини... Менинг таклифим шундай: бундай оиладан чиққан одам учун совет олийгоҳларининг эшиклари бутунлай берк бўлмоғи даркор...

Шу гапларни айтган одамларнинг баъзилари ҳозир ҳам ҳаёт. Худо олий ҳакам. Қилмишлари виждонларига ҳавола...

Биз гангиб, ўзимизни буткул йўқотиб қўйгандик. Нималар бўляпти, нега шундай бўляпти? Саволлар... саволлар. Ўртага чуқур сукунат тушди. Ҳеч ким миқ этмасди.

— Сизларга ишонаман, уларга ишонмайман, диёнатсиз одамлар, — жимликни Фозила Комиловнанинг ўзи

бузди. Эндиликда у қаддини тик тутиб, ҳар доимдагидек чертиб-чертиб гапирарди. — Сизлар менга гувоҳ бўласизлар, — давом этди у. — Бизни — Ҳамид акангиз билан мени фақат ўлим ажратади, ажалдан бошқасининг кучи етмайди бунга. Сизларнинг олдингизда баралла айтилган бу сўзларни, чунки сизларни ҳаёт ҳали бузмаган, қалбингиз булоқ сувидек мусаффо, ниятингиз пок, дилингиз пок, ўзингиз ҳам поксиз. Билиб қўйинглар, ажалдан бошқасига сўз бермайман.

У бу охириги сўзларини ҳаяжон ва ички бир тўфон билан гапирди. Шу боис овози титраброқ эшитиларди. Биз бутунлай сеҳрланиб қолгандик, қулоқларим остида ўша, шу пайтгача эртақ ва дostonларда ўқиганимиз сўзлар: "Бизни фақат ўлим ажратади", дегани жаранглаб эшитилиб турарди, у деворлардан акс-садо бўлиб қайта ва қайта такрорланаётгандек эди.

— Сингилларим, укаларим — менинг сирдошларим, бор дардимни тўкиб солиб, кайфиятингизни буздим чоғи, мени маъзур тутингиз. Энди бу ёғига дарс ўта олмайман, узр, кечиринглар мени...

Бундан қирқ беш йилдан зиёдроқ аввал юз берган ўша воқеаларни эслаб, ушбу битикларни қоғозга тушираётиб беихтиёр кўкка кўз тикдим, лабларим менинг иродамдан ташқари пичирлай бошлади:

— Эй, қодир Худо! Шундай мукамал, шундай баркамол инсонларни яратганинг учун сенга ҳадсиз-ҳисобсиз ҳамду санолар бўлсин! Чексиз қудратингга тан бермай, тасанно демай иложи йўқ банданинг. Лекин бир томони борки, нечун одамлар олчоқ, нечун улар диёнатга туфлайдилар, ёмонларни нега жазоламайсан, қандай қилиб ёруғ дунёда юради, нега ер ютмайди уларни, нега халқ бошига шунча кулфат, шунча маломатлар ёғилди ўша кезларда?

Фозила Комиловнани Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Тошкент дорилфунуни)дан ишдан бўшатишди. Ҳамид Сулаймонни қамоққа олиб кетишаётганда, у уй остонасида туриб: "Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам болаларни илмли қилгин. Хотиржам бўл. Менда заррача бўлса ҳам гуноҳ йўқ. Буни ўзинг ҳам биласан" деган гапи Фозила опага ҳадис сўзларидек муқаддас эди.

Ўша пайтдаги унинг аҳволини хаёлан бир кўз олдингизга келтиринг: эр — халқ душмани сифатида 25 йилга қамалган, ўзи миллатчининг хотини сифатида севган

ишидан қувилган, оғзига кучи етмаганларнинг бурчак-бурчакда туриб айтаётган таъна-дашномлари юракка игнадек санчиледи. Қизиқ, куни кеча самимий саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрайдиганлар бугун ўзларини четга ола бошладилар, улар орасида атайлаб юз ўгириб кетганлари, ҳазар қилганлари ҳам бўлди. Менинг яқин кишим, деб эътиқод қўйганлари бегоналашиб кетишди. Одамлар ётсирарди. Буларнинг ҳаммаси синган кўнгилни тағин ҳам чил-парчин қиларди.

Бутун рўзғор ташвиши, болалар тақдири шу нозикки-на Фозила опанинг елкасига юк бўлиб тушди. Ноҳақлик тинмай юракни ўртарди чўғ бўлиб, олов бўлиб. Ҳамид Сулаймоннинг отаси халқ душмани, деб отилганди. Қандай қисмат, қандай кўргилик бу! Баъзан тунлари чўчиб уйғонадиган бўлиб қолди Фозила опа.

"Йўқ, бу ҳолда яшаб бўлмайди. Ўзимни қўлга олишим керак. Домла келганларида нима деб жавоб бераман. У киши албатта келади. Гуноҳи йўқ-ку, ахир буни бошқалар билмаса ҳам мен биламан. Болалар учун, домла учун (Фозила опа ҳали ҳам Ҳамид Сулаймонни шундай деб атайди) яшамоқ ва ишламоқ керак. Бизга тикилган ёмон кўзларга қасдма-қасдликка шундай қилишим керак".

Шундай тўхтамга келди у. Яхши кишилар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Улар ёрдамида маданий-оқартув техникумига ишга жойлашди. Кунлар ўтаверди, қора қозон қайнайверди.

Буни қарангки, опанинг мутахассислиги — Оврупо адабиёти тарихи бўйича ўша пайтда Тошкентдек шаҳри азимда бошқа ўқитувчи йўқ экан. Бу орада факультет раҳбарияти ҳам ўзгарди. Фозила Комил қизини яна ўз жойига ишга таклиф этишди.

Шу зайлда беш йил ўтди. Домла оқланиб, яна ўша меҳрибон оила кучоғига қайтди. Қолган умрини улуг бобомиз Алишер Навоийнинг, ўзбек адабиётининг тарихини ўрганишга бахшида этди. Меҳнати билан, кашфиётлари билан номини абадийлаштириб кетди.

Фозила Комил қизи ҳар соҳада доимо домлага эргашарди, унга мос турмуш йўлдошигина эмас, айна пайтда лойиқ шогирд бўлишни ўз бурчи деб биларди. У шарқ халқларининг қадимий тарихи ва маданиятини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Бу юрилмаган сўқмоқ эди. Машаққати ҳам, заҳмати ҳам шунга яраша. Йиллар изланиш ва меҳнат билан ўтаверади. Илмий ишнинг кўла-

ми кенгайиб кетаверди. Борган сари кутилмаган янги-янги фикрлар келарди. Ахир бу мавзуга шу пайтгача бизга ҳеч ким қўл урмаганди-да. Ҳар сафар тарихнинг янги қатламлари очилгач, ундан чуқурроқда яна нима бор экан, деган илинж тинчлик бермасди.

Ишлар бир оз юришмай қолган кезларда Фозила опа домланинг ижодхонасига кирарди, у билан руҳан суҳбатлашиб, маслаҳат оларди. Ҳар сафар қандайдир тетиклик, бардамлик, рўшнолик бахш этарди шу хона, ишга кушойиш берарди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Болалар ётоқхонасига кириб кетгани қачонийди. Фозила Комил қизи ўша қадрдон, сеҳрли хонага кирди. Атрофдаги ҳамма нарсалар унинг ҳурматли устози, умр йўлдоши Ҳамид Сулаймонни эслатиб турибди. Мана, унинг ёзув столи. Неча-неча тунларни тонгга улаган домла бу ерда. Ҳа, ўша чет эллардан — Лондон, Нью-Йорк, Париж, Деҳли, Қобул, Истамбул, Анқара кутубхоналари, илмий даргоҳларидаги юртдошларимиз томонидан яратилган ўлмас асарларнинг нусхалари шу хонада ўрганилган, таҳлил этилган. Улар орасида ҳали миллатнинг ҳозирги авлоди бутунлай беҳабар нодир китоблар ҳам бор. Булар юртнинг тенгги йўқ бойлиги. Улар бебаҳо! Ўзбекнинг юзи, ўзбекнинг тили, ўзбекнинг маънавий дунёси, бўй-басти. Ҳа, неча асрлар илгари ҳам бу эл фарзандларининг яратган маънавий дунёсига, бойлигига жаҳон аҳли талпинган. Уларни кўз қорачиғидек асраган, муқаддас деб билган, энг ноёб бойлик сифатида қўлга киритмоқ ниятида олтин-кумушни аямаган.

Ҳамид Сулаймон ҳар сафар уларни варақлаганда дунёни унутарди, қандайдир фақат ўзи ҳис этаётган, сўз билан таърифлаб бўлмас ҳаяжонли ҳолатга тушарди. Ўша узоқ ўтмишнинг, асрларнинг овози эшитилиб тургандек, ўша улуғ зотларнинг нуроний нигоҳи боқиб тургандек туюларди шундай пайтларда. Ўша даврларнинг алғов-далғов воқеаларига бутунлай фарқ бўлиб кетарди. Ҳали Мир Алишер Навоий, ҳали Хофиз Хоразмий билан ёзилиб-ёзилиб суҳбатлашарди.

Баъзан шундай ҳам бўларди: хонага биров кирганини бутунлай сезмасди, унга қарата айтилаётган гапни дарров илғаб ҳам ололмасди. Чунки домла ҳали ўзи шўнғиб кетган ўша хаёлий даврдан ҳозирги борлиққа тўлаллиги билан қайтишга улгурмаган бўларди.

Фозила Комиловна ўша сермашаққат, айна пайтда серзавқ кунларни эслади. Хона тўридаги устозининг юзидан нур ёғилиб турган расмига тикилиб қолди. Мусаввирга ҳам тан бериш керак. Домладаги улуғворлик, заҳматкашли, қатъиятлик, айна пайтда кўнгил очиқлик, самимийлик хислатларини шундай бўрттириб кўрсатган-ки...

Таажжуб, шу топда тасвирдаги домла тилга киргандек туюлди Фозила опага.

— Толиқдингми, жоним?

— Ҳа, бир оз, шул боис мана, яна келдим сизни сўроқлаб. Мендан ортда қолма, одимни баравар ташлайлик, дердингиз доим. Бир оз мушкул бўляпти. Сиз илмда янги сўқмоқ очдингиз, у авлодларга сизни эслатиб турибди. Мен ҳам ўзимнинг сўқмоғимни очмоқ ниятидаман. Аммо тайёр йўлдан юриш бошқа экан-у, янгисини очмоқ бутунлай ўзга дунё экан. Хотин бошимга оғирроқ юк олиб кўйдимми, деган ўй-хаёлларга бораман баъзан.

— Йўқ, асло ундай дема. Эсингдами, жоним, сени "вазири аъзам" деб атардим. Илмий ишларимни кўздан кечириш, таҳрир этиш, биринчи манбаларга солиштириш, баъзан эса қайта ёзиш — буларнинг барчасини ихтиёрий равишда зимманга олгандинг. Айтиб қўяй, нимага эришган бўлсам — ярми сенинг ҳиссанг. Бу гапларни худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам айтишдан ор этмасман. Ахир падар бузрукворингиз билан мухтарама волидангиз бекорга сенга Фозила деб ном қўймаганлар. Улар яхши ният қилишган. Шунга лойиқ бўл, фан йўлида, илм йўлида ўнғай йўлларни ҳавас ҳам қилма, қўй ундайларни. Чинакам заҳматнинг гашти бошқача, буни ҳали ўзинг ҳам ҳис этасан. Улусга янги гап айтмоқ даркор, акс ҳолда олимликни даъво қилмоққа на ҳожат. Баъзилар учун илмда йўлнинг равони маъқул, лекин ўз йўлингни ўзинг очиб борганингга не етсин!

Чарх кажрафтори бошимизга не-не оғир кулфатларни ёғдирмади. Сен уларга чидадинг, ўша оғир кунларда ҳам умид билан яшай билдинг. У кунлар олдида ҳозирги оғирчилик не деган гап. Ниятларим кўп эди, афсус... Эндиликда мен учун ҳам сен тер тўкмоғинг лозим. Умидларим катта сендан, ноумид қилма мени...

Фозила Комиловна ўзини енгил ҳис этди, хаёлларидаги ғуборлардан фориг бўлгандек сизди ўзини. Тавба, бу ерда не сир-синоат бор? Ҳар сафар шундай бўлади. Бирор жумбоқни ҳал этишда иккиланса, шу хонага киради,

домла билан хаёлан суҳбатлашади. Сўнг ҳар сафар фикри тиниқлашгандек, илмий-ижодий йўллари ойдинлашгандек туюлади унга. Домланинг руҳи мададкор ҳамон. "Ноумид қилма мени". Демак, домла ҳамон умид қилади ундан.

Ҳамид Сулаймон Фозила опа учун фақат умр йўлдоши эмас, балки айна пайтда турмуш масалаларида ҳам, илм йўлида ҳам яқин маслаҳатчи, жонкуяр ва талабчан мураббий эди. "Мендан ортда қолишга ҳаққинг йўқ, одимни шаҳдам ва илдам ташла", деб таъкидларди раҳматлик. Фозила Комил қизи шундай одамга муносиб иш тутди. "Ўрта Осиё халқлари умуминсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшган?" деган илмий жумбоқ устида қарийб 25 йил ишлади.

Айна пайтда домланинг содиқ шоғирди сифатида ишларини давом эттиряпти. Ҳамид Сулаймон дунёнинг турли мамлакатларидан олиб келган шарқ мусаввирларининг асарлари — мўъжаз расмлардан ажойиб альбомлар тайёрлаб, чоп эттирди. Алишер Навоийнинг "Ҳазойин улмаоний" асарини қадимий қўлёзмаларга солиштириб, нашр эттирди.

90-йилларнинг бошлари. Фозила опа докторлик диссертациясини ёқлар экан, деб эшитиб қолдик. Файратига, чидамига, қатъиятлигига қойил қолдим. Бордик. Илмий кенгашга раислик қилувчи диссертантга сўз берди:

— "Нур — Шарқдан". Қадимги Римда кенг тарқалган мазкур афоризмда Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Фарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган.

У ишонч билан гапирарди. "Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанимиз вакиллариини жалб этганлар... Афсус билан айтаманки, ҳалигача халқларимизнинг узоқ ўтмишини, уларнинг умуминсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшганини ёритувчи йирик асарлар яратилмади. Дарвоқе, кейинги 70 йилдан бери мамлакатда олиб борилган фирром сиёсатда бундай асар яратиш мушкул эди... Борлари ҳам кўпинча европоцентризм нуқтаи назаридан, Шарқ халқлари, айниқса, Ўрта Осиё халқлари маданиятини менсимаслик нуқтаи назаридан факт ва воқеаларни талқин қилади. Ҳанузгача Россиянинг марка-

зий шаҳарларида босмадан чиққан асарларда скиф маданияти, санъатининг шаклланиши ва ривожда минтақамиз халқларининг роли инкор этилади... Европа олимлари ўртасида Ўрта Осиёда яшаган халқлар маданиятда шунчалик орқадаларки, ҳатто четдан бўлган таъсирини ўзлаштиришга ҳаммавақт ҳам қодир бўлмаганлар, деган нотўғри фикр ҳам йўқ эмас. Мен ўз олдимга шу ғайри илмий назарияни фактлар асосида рад этишни вазифа қилиб қўйганман..."

Диссертант аниқ мисоллар билан ўз мақсадини лўнда қилиб тушунтиришга интилди. Бунинг учун қадимий қўлёзмалардан, олимлар асаридан олинган қўллаб мисолларни келтирди. Ўзгаларга сажда қилиш ўринсиз эканлигини, халқимиз маданияти, қадриятларимиз илдизи нақадар чуқур эканлигини, буларнинг барчаси миллатимизда ҳақли равишда фахр уйғотиши дозимлигини таъкидлади. Яна уқтирдикки, аждодларимизнинг умумжаҳон маданиятига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ушбу сатрларни қоғозга туширар эканман, республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг қуйидаги сўзлари ярқ этиб хаёлимдан ўтди: "Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим мамлакатларда одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!"

Бошқалар қатори Фозила опанинг сўзларини мен ҳам жон қулоғим билан эшитардим. Бундан 8—10 йил илгари, қанчалик тарихий ҳақиқат бўлмасин, бу сўзларни айтиб бўлармиди?! Узоқ йиллар мобайнида ўзгалар маданияти маҳаллий ерликлар кўзини очди, шу туфайли оқ-қорани танийдиган бўлишди, деб уқтириб келинди. "Оқ" ва "қизил" империялар шу таги пуч ақидани онгимизга сингдириб, вужудимизни заҳарлаб, руҳимизга мутелик уруғини сепганди.

Савол-жавоблардан сўнг республикамизнинг кўзга кўринган олимлари сўзга чиқишди.

— Мен бу оилани фозил оила, комил оила сифатида кўпдан биламан, — деганди ўшанда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Маллаев. — Фозилахонимнинг ишини илмий жасорат, деса бўлади. Ўтмишдаги ва давримизнинг баъзи казо-казо олимлари фикрига зид хулосаларга келиш, уларни илмий асослаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Зукко олим Иззат Султонов, фан докторлари Бегали Қосимов ва бошқалар илмий ишга юксак баҳо бердилар. Ҳақиқатдан ҳам шу пайтгача тахи бузилмаган соҳада диссертант ўзига хос йўл очганлиги таъкидланди. Бошқа мамлакатлардан мазкур илмий иш хусусида ёзиб юборилган хулосалар билан таништиришди. Уларнинг ҳаммасида диссертацияга юксак баҳо берилганди.

"Эрим инсульт бўлиб қолганлиги сабабли илмий кенгашингизга боролмаслигимдан бениҳоя афсусланаман, — деб ёзибди Санкт-петербурглик машҳур грекшунос олима Наталья Чистякова. — Жуда муҳим, ниҳоятда зарур иш, фандаги бўшлиқ тўлдирилибди. Юксак маданиятли рус зиёлиси ҳам ҳавас қилса арзигулик тилда ёзилибди. Илмий ишни рус тилида алоҳида китоб ҳолида чоп этиш жуда-жуда зарур, деб ҳисоблайман".

Бошқалар қатори менинг ҳам кўксим тоғдек кўтарилди. Ўзбек аёлининг илмий ишига Россиянинг илмий бешиги ҳисобланмиш Санкт-Петербургдаги номи жаҳон илм аҳилларига машҳур олима шундай юксак баҳо беряпти.

Илмий кенгаш бир овоздан Фозила Комил қизи Сулаймоновага фан доктори илмий даражасини беришга қарор қилди.

— Мўлжалдаги ишим, поёнига етди, — деди у яқинда учрашганимизда. — Мен китобимнинг ўрта асрларга бағишланган иккинчи қисмини ҳам ёзиб тамомладим. Энг қайноқ, ҳамма соҳаларда туронзаминлик алломаларнинг мўътабар номлари эъзоз билан, бениҳоя ҳурмат билан тилга олинган давр, жуда қадимий маданиятнинг Оврупо маданиятига, илм-фанига таъсири масалаларини имкон қадар ёритдим. Асарнинг иккала қисми яхлит китоб ҳолида нашр этилди.

Фозила Комил қизи гапирар экан, мени хаёллар гирдоби ўз оғушига олади. Қизиқ, умримиз бўйи сизлар саводсиз эдингиз, илм-фан бўлмаганди бу ўлкада, деб ўзбек халқини таҳқирладилар, камситдилар, қадриятларимизни оёқ-ости қилишди. Энди-энди биздан пинҳона тутилган ўша илдизи чуқур қадриятларимиз саҳифалари очилапти. Замонавий фанларнинг аксарияти пойдеворини шу ўлканинг буюк аждодлари яратганлигини илғай бошладик. Халқда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда айни худди шундай илмий ишлар биз учун қанчалар зарур, сув ва ҳаводек ташнамиз уларга.

"Овруполиклар мусулмон маданиятидан... айниқса фалсафа ва табобат соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ", — деб эътироф этганди инглиз олими Мантгамери Уатт. Шу маънода олимнинг ижодий изланишлари баайни савоб ишдир. Маънавий қуллик ва мутелик исканжасидан халос бўлиш, қаддимизни тик тутиб юрадиган, ўзимизни жаҳонга кўз-кўз қиладиган даврларни яқинлаштиришдек буюк ишга хизмат қилгусидир. Шундай илмий ишлар қанчалик кўп бўлса, халқимиз руҳи, ғурур-ифтихори шунчалик баланд бўлади. Руҳи баланд халқнинг эса ишлари юришгандан юришиб кетаверади. Зеро, маънавият инсонни юксакларга кўтаргувчи руҳий қанотдир.

Фозила Комил қизи турмушда эрга, оилага, фарзандларга садоқат намунасини кўрсатган бўлса, ҳаёт чорраҳаларида дуч келган қийинчиликларни енгишда, турмуш деб аталмиш тегирмон тошининг зил-замбил юklarини кўтаришда, туҳмат, ўринсиз дашномларга чидашда, илмда ўзига яраша сўқмоқ очишда, айтиш мумкинки, жасорат кўрсатди. Баъзан ўйланиб қолади киши: шу жиккаккина жуссада шунчалик ирода, шунчалик бардош, куч-қувват бўладими, деб. Қайда экан унинг манъбаи, сарчашмаси? У ўша садоқатда, қатъиятликда, меҳр-оқибатда.

Ҳаёт қанчалик мураккаб, қанчалик жумбоқларга тўлибтошган, унинг баъзида кишига берадиган кутилмаган зарбалари бўлмасин, барибир, у жозибали. Фозила Комил қизи каби инсонлар унга жозоба бағишлайди, яшашга, курашга, қўйилган мақсад сари дадил боришга ундайди. Бор бўлсин шундай одамлар!

ЭЗГУЛИК УЧУН ЯРАЛГАН

...Ўшанда университет талабаси эдик. Ёзги таътил палласида Ўзбекистон газета таҳририятига тажриба ўргани келгандик. Газетани чиқаришдаги барча жараёнлар билан таништира бошладилар. Тунги навбатчиликда масъул ходимга бизни ёрдамчи этиб тайинлашарди. Навбат менга ҳам келди. Ходимлардан ўша сонга Мақсуд Қориев масъул экан. Келишган, ёқимтой. Дилимга ўтириб қолди. Саҳифаларни бирга ўқидик, фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашдик. Тунги соат ўн иккиларга борганда ишни тугатиб, охири саҳифага қўл қўйиш арафасида бир хабарда хато ўтиб кетганлигини тафтишчи му-

сахҳиҳ аниқлаб қолди. Табиийки, бу ҳолда газетани чиқариб бўлмасди. Хатони тузатдик, саҳифа қайта қўйилди. Таҳририятда ўрнатилган тартибга биноан хато топилса, уни тузатиш учун кетган барча харажатлар айбдордан ундириб олинаркан. Айбдор эса мен эдим. Гап пулда эмас, балки мен туфайли шундай одамга гап тегадиган бўлди, деб изтироб чекардим.

Эртасига ишга келсам, жаримани Мақсуд ака ўз ҳисобига ёздирибди, у талаба — ўрганишга келган, деб хатони ҳам ўзиники қилиб олибди.

Ўша пайтда мен учун у кишидан мард, танги одам йўқ эди, дунёда. Шу-шу қадрдон бўлиб қолдик. Бахтимни қарангки, кейинчалик тақдир бизни яна учраштирди. "Тошкент ҳақиқати" газетасида у киши бош муҳаррир ўринбосари, мен эса бўлим мудури бўлиб хизмат қилдик. Бағри кенг, камтар, кишиларга самимий Мақсуд Қориевни ҳаммамиз севиб қолгандик. Истаган пайтда хоҳлаган масала бўйича мурожаат қилиш мумкин эди. Ходимлар билан у киши ўртасида ҳеч қачон расмиятчилик бўлмаган. Биз ҳаммамиз худди туғишган ака-укалардек эдик. Жамоадаги муносабат ўта самимий, ўта дилкаш. Муҳарриримиз Зиёд ака Есенбоев "Қизил Ўзбекистон" газетасига бош муҳаррир этиб тайинлангач, у киши билан ўртанишда шундай фикр алмашув бўлганди.

— "Тошкент ҳақиқати"нинг бўлажак бош муҳаррирлик номзодига Мақсуд акангдан ташқари яна икки кишининг номи бор. Сенинг фикринг қандай?

— Бизга қолса, ўзимизнинг Мақсуд ака...

Шундай қилиб десангиз, жамоанинг орзуси амалга ошиб, Мақсуд ака газетамизга бош муҳаррир этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай, мени ўзларига муовин қилиб олдилар. Ўша даврларни мен ҳамон ҳаяжон билан эслайман.

...Адабиёт бўлимимизнинг мудури шоир Назармат участка қураётган эди. Навбат лўмбоз босишга келганда жамоадаги йигитлар ҳашарга бориш истагини билдиришди. Бундан хабар топган муҳарриримиз мен ҳам бораман, деди. Биз ҳайрон бўлдик. Ҳолатимизни кўргач:

— Ҳа, мени четлаб ўтмоқчимисизлар? Ахир мен ҳам шу жамоанинг аъзосиман-ку, — деди.

Шундай қилиб, дам олиш куни Назармат аканикида ҳашарда бўлдик. Қий-чув, аския, ҳазил-ҳузул авжига чиқди. Муҳарриримиз, уни биз қанча авайламайлик, ҳамма катори тер тўқди. Барчамизнинг юз-кўзларимизга лой сач-

раган, эгниларимизда жомакор — бу ҳолни кўриб ҳам ҳайрон бўлардик, ҳам қувонардик. Мана шундай ҳолларда ходимларнинг бир-бирига оқибати, меҳри илдиз отарди, палак ёзарди.

Шундай ҳоллар кўп бўларди: у уйига телефон қилиб гаплашгач, мени чақириб:

— Бизникида тансиқ таом тайёрланаяпти экан, юр, бирга баҳам кўриб келамиз, — дерди-да, қўярда-қўймай олиб кетарди.

Газетамиз ҳафтасига беш марта чиқарди. Лекин олти кун ишлардик. Тунда ишлаш учун иккаламиз навбатманавбат қолардик. Баъзан менинг навбатим куни ҳам муҳаррир таҳририятдан кетмасди. Юқори идораларга тайёрланган маълумотномаларни саралар, иш режаларини тузар, қўлёзмаларни таҳрир этиб ўтирарди.

...Таҳририят оталиққа олган бир колхоз бўларди. Техника, ўғит олишда ёрдам берилди, бир-икки бор илиқ сўзлар билан газета саҳифаларида тилга олинди. Ўша колхоз раиси миннатдорчилик маъносида бўлса керак, бир неча бор таҳририятга келиб, бир пиёла чойга таклиф этди. Ҳар сафар ваъда беравердим. Охири бўлавермагач, бу гапдан бош муҳаррирни хабардор қилдим.

— Мана, ўзинг ўйлаб кўр, сен ичмайсан, мен ҳам. Мен бир коса овқатни ея олмайман, сен ҳам. Шундай бўлгач, нима қиламиз бировга боғлиқ бўлиб қолишни. Агарда кўнглинг бирор тансиқ таомни тилаётган бўлса айт, мен уйда тайёрлатиб берай. Ошнамитиз Маҳмуд Каримовни (миллий таомлар ҳақидаги қатор рисоалар муаллифи) чақирамиз. У роса боғлайди. Ҳеч кимсага боғланиб қолмайлик. Шунда эркин юрамиз, тилимиз ҳамиша узун, юзимиз ёруғ бўлади.

Мақсуд Қориевнинг "Ўзбекистон овози" газетасига бош муҳаррирлик қилган йиллари ҳаммамизнинг ёдимизда. Газета ўз атрофига республиканинг энг кўзга кўринган зиёлиларини, билимдон хўжалик раҳбарларини, фанимизнинг жонкуяр арбобларини тўшлади. Барчани қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган мавзуларни тез-тез ўртага ташлаб турди. Ўша йиллари газета шу қадар оммалашиб кетдики, унинг нусхаси тўққиз юз мингга яқинлашиб қолганди. Мақсуд ака меҳнатига яраша мукофотлар олди. Олий Кенгаш депутатлигига бир неча бор сайланди. Лекин инсон сифатида ўша-ўшалигича қолаверди. Қачон, қай масалада мурожаат қилманг, ҳеч вақт ёрдамини да-

риф тутмади. Ходимларга нисбатан талабчан, айна пайтда меҳрибон, ғамхўр эди.

Ундаги жонфидолик газетанинг Сирдарё вилоятидаги мухбири Самар Нуров билан юз берган бахтсизликда айнақса тўла намоён бўлган. Воқеа бундай бўлганди: ёзининг айна чилла пайти. У чўмилиб олай деб, ҳовузга калла ташлайди. Сув остидаги қувурнинг ўткир учи бошига суқулиб киради. Умуртқа суягининг уч-тўрт бўлаги синиб, ҳаром мағиз қисилиб қолади. Мия, қулоқ ва кўзларидан бошқа аъзолари томири шол бўлиб қолади. Мақсуд ака унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилади. Соғлиқни сақлаш соҳасида кўзга кўринган мутахассисларни бу ишга жалб этди.

Мақсуд ака Ўзбекистоннинг етакчи отахон газетасида йигирма йилдан зиёд муҳаррирлик қилди. Бунгача ҳеч ким бу қадар узоқ йиллар шу газетага раҳбарлик қилмаганди.

Хуллас, бизнинг Мақсуд ака қаерда, ким бўлиб ишлаган, атрофдагилар ундаги бағрикенглик, меҳрибонлик, самимийликдан баҳраманд бўлиб келаётирлар. У ҳамон барчани очиқ чеҳра билан кутиб олади, яхши сўзини, ёрдамини аямайди. Эл эътиборидан тушмай келаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса ажаб эмас...

Мақсуд Қориевни юртимизда етук ташкилотчи журналистгина эмас, балки айна пайтда истеъдодли ёзувчи сифатида ҳам танишади. Менга босмадан янги чиққан романини тақдим этди. Унинг ҳикоялар туркуми, "Ойдин кечалар", "Жийда гуллаганда", "Афросиёб гўзали", "Турналар баланд учади", "Ой тутилган кунда", "Қиз узатиб борганда" каби қиссалари ва тарихий мавзудаги "Суғд ўғлони" романи қатори яна бир асари — "Ибн Сино" ҳам хонадонимизда севиб ўқилди. Тақдим этилган ўша китобларнинг ҳар бирига ўта самимий сўзлар ила дастхатлар битилган. Оиламиз учун улар оддий китоблар эмас, балки катта маънавий бойлик, бутун бир мулк деб қаралади.

Мақсуд аканинг ажойиб одатлари бор. Бундай хислат камдан-кам одамларда учрайди. Ҳаёт йўлларида учрашган, бирга ишлашган кишиларни доимо кўз олдидан ўтказиб туради. Кексайиб, нафақага чиқиб кетганларнинг аҳволи қалай, қандай кун кечиряпти — улардан доимо кўз қулоқ. Ким қандай ёрдамга муҳтож — булар ҳам у кишининг кўнглида, дилида. Саховатпеша, бағрикенг, яхшилик, эзгулик учун яралган инсон.

Бир куни айтиб қолдилар:

— Нима дейсан, эртага бирга Тўлаганни кўриб кел-
сак, ҳўв бизда машина ҳайдовчи бўлиб ишлаган йигит
бўларди-ку, эслайсанми?

Кўнглим ёришиб кетди. Неча йиллар бўлди уни кўрма-
ганимга. Яқин 17—18 йил бўлди. У ногиронлик туфайли
нафақага чиқиб кетганди.

Шу десангиз, эртасига пешинга яқин олдиларига туш-
дим.

— Келдингми? — дедилар, — машина ҳам топиб
қўйдим. Юр, кетдик.

Йўлда ҳамроҳимиз — касбдош укамиз Дилмурод Қир-
ғизбоев, "У-бу олсак бўлармиди", деди.

— Ҳаммаси бор, юравер, — дедилар.

Ўша — Тошкентнинг Хотинкўприк деган жойига бор-
дик. Тўлаган, унинг хотини хурсандчилигидан кўзларига
ёш келди. Ахир ўйланг, Мақсуд ака энг катта ва бообрў
газетанинг бош муҳаррири бўлган, Тўлаган эса оддий бир
машина ҳайдовчиси. Уртадаги фарқни ҳисобловчилар ҳам
топилади. Мақсуд ака учун эса Тўлаган яхши одам. Ҳалол,
покиза инсон. Бир вақтлар, чамаси ўн йилдан ортиқ, са-
доқат билан хизмат қилган, шу билан кўнгилдан жой ол-
ган. Уйдагилар типирчилаб қолишди. Мақсуд ака Тўла-
ганга костюм-шим совға қилди. "Кийиб-кийиб одо эт",
дедилар.

Тўлаган ўзини тутолмай, тўлқинланиб гапирарди. Мақ-
суд ака ним кулиб, уни эшитар экан, "Ҳа, энди нима
қилибман", дердилар.

Бунга ўхшаш воқеаларни Мақсуд ака ҳаётидан кўплаб
келтириш мумкин. Бир куни у кишининг хоналарида суҳ-
батлашиб ўтиргандик. Кекса шоир Толиб Йўлдош кириб
келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлингач, — Мақсуджон, —
деди у, — бу дейман камбағални туянинг устида ит қопа-
ди, деганлари рост гап экан. Шу десангиз, кеча кўйла-
гимнинг кўкрак чўнтагига минг сўм пулни солиб қўйган-
дим. Билмадим, нима бўлган, олғирлар илиб кетдими ё
ўзим тушириб қўйдимми, ҳозир анави ердаги дўконга
кириб бирор нарса олай десам, пул йўқ, диққатим ошиб
кетди. Дилимни ёрай, ҳоврим босилсин, деб тўғри сиз-
нинг ёнингизга йўл олдим.

— Қизиқ одамсиз ўзингиз. Кишининг ёши бир жойга
борганда бунақа ишлар ҳаммамизда ҳам бўлиб туради,
кўнглингизни чўктирманг, бош омон бўлсин, — деди-да,

чўнтагидан бир нечта юз сўмлик олиб Толиб аканинг каф-
тига қистирди. Оқсоқол ҳайрон, ҳам хижолат бўлгандек,
ҳам ҳаяжонда. Бу ҳолатни сезган Мақсуд ака гапни бош-
қа ўзанга буриб юборди.

— Қани, янги шеърлардан олиб келдингизми, ижод-
ни бўшаштирманг. Сиз ва биз учун энг катта бойлик ўша.

— Илоё худойим бирингизга минг берсин, — деб так-
роларди Толиб ака.

Оқсоқол шоирнинг "Меҳригиёҳ" газетаси даргоҳига ке-
либ туришининг боиси бор. Аввало кекса одам яхши гап-
нинг гадоси, ҳар сафар ҳурматини жойига қўйиб, илиқ
кутиб олишади бу ерда. Кўнглини кўтарувчи гаплар ай-
тилади. Сўнг зарурат бўлса ёрдам берилади. Бир куни
Толиб ака юрагини ёрди.

— Мақсуджон, — деди у хўрсиниб, — ношукурчилик
бўлмасин-у, кўзларимнинг мазаси қочяпти. Ёш ҳам сак-
сондан ўтди, ёзолмаяпман. Бир амаллаб ёзсам, буни
қарангки, ўзим ўқий олмаяпман. Шунақа ҳам кўргулик
бўладими? Алам қилади, жуда алам қилади. Бошим қот-
ган, фикр ишлаяпти, кўнгил безовта, миямдан сатрлар
оқиб келади. Илло, уларни қоғозга туширолмапман. Тар-
ки дунёим қоронғу бўлиб кетади, шундай паллада. Нои-
ложлик — энг ёмон нарсая экан.

Мақсуд ака ҳам ўйланиб қолди. Рост-да, бундай ҳолатда
нима қилиш керак? Муаммонинг ечимини топди шекил-
ли, оқсоқол шоирга қараб шундай деди.

— Сиз илгари ҳам ўз шеърларингизни ёдаки айтиб
юрардингиз. Бундай қиламиз. Янги асарингизни мияда
обдан пиширинг. Меъёрига етгач, тўғри бизга келинг.
Ўрол Ўзбек деган йигитимиз бор. Сиз айтиб турасиз, у
ёзиб олади. Сўнг газетада чоп этамиз.

— Бизга ўхшаганлар гамини ейдиган сизлардек ин-
сонлар умрига умр қўшилсин. Мендан қайтмаса, Ярат-
ган эгамдан қайтсин. Сизлар учун нима ишлар қилган-
манки, менга бу қадар саховат кўрсатяпсизлар...

Орадан анча вақт ўтди. Толиб ака яна келди.

— Мақсуд ука, — деди оқсоқол. — Бу даргоҳнинг, сиз-
ларнинг меҳригиёларинг бор. Тортаверади, тортаверади.
Энди нима десам экан, — гапнинг шу ерига келганда
оқсоқол хижолат бўлдими, сўзлашдан тўхтаб қолди.

— Тортинманг, айтаверинг, нима гап, — далда берди
Мақсуд ака.

— Энди барча ташвишларимни елкангизга ортиб қўйишим бир оз меъёрдан чиқиш бўладими, деган андишадаман. Ҳар нарсанинг чеки бор-ку.

— Биз ахир ака-укамиз-ку, жигарчиликда бирининг юкини иккинчиси енгил қилмаса, унда қандай бўлади?

Бу гаплардан Толиб аканинг вужуди эриб кетди, кўнгли яйради, кўзлари чарақлагандай туюлди унга.

— Мен сизга айтсам, йигирмадан ортиқ китобим чиққан, Ёзувчилар уюшмасида мендан ёши улуғроғи йўқ ҳисоб, аммо олаётган нафақа пўлим бошқаларникидан анча кам. Нега бунақа десам, униси у дейди, буниси бу дейди. Бошим қотган. Нима қилишимни билмайман. Ҳеч иложи йўқмикан шуни...

Мақсуд ака ўша китобларни чиқарган нашриётларга, бошқа тегишли ташкилотлардаги мутасадди раҳбарларга телефон қилди, масалани тушунтирди. Зарур ҳужжатларни тўплаб, Толиб ака учун эндиликда энг катта муаммо бўлиб туюлаётган жумбоқни ҳал этди. Неча ўн йиллар олдин нашр этилган китобларга олинган қалам ҳақлари тўғрисидаги ҳужжатларни топишнинг ўзи бўлмади. Бу ишга Республика Давлат Матбуот Қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломов шахсан бош қўшди. Нашриёт раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди. Оқсоқолнинг нафақа пули салкам ўттиз фоизга кўпайди. Бу кекса одам учун жуда катта гап эди. Толиб ака кўзида ёш билан дуо қилди.

Мақсуд ака ўзгалар дардини ўз дарди деб билади. Қоқилганни суйайди, йиқилганга тиргак бўлади. Агрофдагиларнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам доимо шерик. Нафақага кетганларнинг аҳволи қалай — кўпроқ шу ҳақда ўйлайди. Рост-да, ёшларнинг ўрни бошқа. Уларда куч бор, ғайрат бор, уринса рўзғорнинг кам-кўсти тўлиб кетаверади. Қийин-қийин кексаларга. Аввалги куч-қувват қаёқда дейсиз. Булар табиий. Лекин энг муҳими кўнгил — шунга эҳтиёт бўлмоқ, ундан иложи бориचा кўз-қулоқ бўлиб турмоқ зарур. Боришнинг иложи бўлмаганда жиллақурса, телефон қилиб, икки оғиз сўз билан кўнгил сўраш — шунинг ўзи ҳам катта гап. Кекса кишининг кўнгли эса жуда нозиклашиб қолади. Битта гап ортиқча, яримтаси эса камлик қилиши — ўшалар ҳақида айтилган.

... Наврўз байрами яқинлашаётганди. У ҳозирги пайтда нафақада бўлган касбдошларини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Улардан бир қанчасининг исми-шарифини ёзиб рўйхат тузди. Газетанинг ҳомийларидан бири — Меҳр-

шафқат ва саломатлик жамғармасининг раҳбарлари билан учрашди. Аҳволни тўшунтирди. Хуллас, кимгадир пул ёрдами, кимгадир кийим-кечак ундирди. Гап ўша берилган хайрияда эмас, қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Муҳими кўнгилда. "Бизни эслашяпти. Ҳали ҳам қадримиз бор, ҳурматимизни жойига қўйишяпти", — дейишади улар. Қарасангиз, бошлари осмонда, кўнгил эса тоғ каби.

Оғамнинг бундай савоб ишларининг қай бирини санай, қай бирини айтай. Ҳаммасини эмас, асосийларини санасам ҳам катта бир китоб бўлади. Бундай инсонлар ҳақида улуғ Навоий ҳўп топиб айтган эканлар:

Оллоҳга етишмак истаган киши,
Эзгулик, сахийлик, покликдир иши.

Оғам навбатдаги китобини "Эзгуликка интилиб" деб номлабди. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган муаллиф бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни ажиб бир усулда ифода-далаб берган. Китобдан олган таассуротларим бир дунё. Назаримда вақт ўтган сайин муаллиф қобилиятининг янги-янги қирралари очилиб бормоқда. Ёши етмишдан ошган оғамнинг ҳудди йигитлардек жўшиб, тошиб ижод этаётганлигига чин дилдан ҳавасим келади. Бу каби ғайрат, бу каби хислат ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди. Китоб қуйидаги шеърий сатрлар билан якунланади:

Бу дунё ўткинчи, ҳаёт бетакрор,
Фақат битмай қолган қўшиқларим бор.

ШОИРНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўшанда 1969 йил эди. Хонамга олдинма-кетин бўлиб шоирлар Эркин Воҳидов ва Тўлқин кириб келишди (ўша йиллари вилоят газетаси — "Сирдарё ҳақиқати"нинг бош муҳаррири эдим). Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, бир оз суҳбатлашдик. Ҳар иккисининг ҳам шашти бир оз пастроқ туюлди менга. Тошкентда бўлаётган паст-баланд гаплардан андак бўлса ҳам хабардор эдим. Ҳамма гаплар ўша қисқа муддатда эларо машҳур бўлиб кетган "Ўзбегим" қасидасига бориб тақаларди. Унда халқнинг тили учидан турган гаплар бамисоли бир вулқон каби катта куч ила отилиб чиққанди. Миллатнинг ўзлигини англаш, қадим илдиэларини тушуниб етиш ва қаддини тиклашга ундар эди бу асар. "Ўзбегим" тилга олинмаган, қўшиқ қилиб

айтилмаган, ёдаки ўқилмаган тўй-ҳашам ёки давралар бўлмасди ҳисоб. Лекин айти пайтда сеvimли шоиримиз таъқиб қилина бошланди. "Ёшлик девони" китобига муҳаррирлик қилган Тўлқин ишдан четлаштирилди, Эркиннинг эса шеърлари матбуотда деярли кўринмай қолди...

Гулистон туманининг хўжаликларидан бирида яшовчи "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасининг ходими уйланаётган эди. Таҳририят ходимлари автобус ва машиналарда келишган. Бир неча юз кишилик дастурхон атрофи меҳмонларга тўла. Ўртада ашулачилар авж пардада куйлашмоқда. Навбатдаги кўшиқ тугаши билан маҳаллий меҳмонлардан қимдир "Ўзбегим" бўлсин, деб ашулачилардан илтимос қилди. Даврани бошқараётган газета бўлим мудирининг юзи бирдан жиддий тус олди:

— Керак эмас, у ғоясиз шеър — деди бор овози билан. Сўнг ашулачиларга юзланиб: — Сизлар бир оз дам олинглар, навбатни бошқа санъаткорларга берамиз, — деди.

Шу кичик мисолда ҳам ўша даврдаги айрим кимсаларнинг "Ўзбегим"га муносабати яққол кўзга ташланади. Билмадим, ташаббус кимдан чиқди — ҳалиги "сиёсий саводхон" даврабошини секин, ҳамма қатори меҳмон сифатида дастурхон атрофига ўтқазиб кўйишди. Тўйни бошқа одам бошқара бошлади.

Ана шундай вазиятда икки дўст — бири Эркин, бири Тўлқин Сирдарё вилоятига келишган эди. У пайтларда республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими бизда йўқ эди.

— Режалар қандай, оғайнилар? — сўрадим улардан.

— Ҳеч қандай режа-пежамиз йўқ, — жавоб беришди.

— Қуруқ келмагандирсизлар?

— Қуппа-қуруқмиз, шу бўй-бастимиздан бўлак ҳеч вақомиз йўқ.

— Бирор ерда учрашув ўтказармиз балки...

— Биз шунчаки келдик, бир холис жой бўлса, тинчгина ўтирсак, ниятимиз шу. Илтимос, бизнинг келганимизни ҳеч кимга айтманг, иложи бўлса бирор раҳбар зоти билмасин ҳам.

Хайрон қолдим, буёғи қандай бўлди. Сўнг уларга разм солдим. Афтидан катта-кичик тўраларнинг майда-чуйда гапларидан тўйиб кетишган бўлса керак. Холи бўлишга,

ҳаёт ташвишларидан бир оз бўлса-да, нарироқ туришга интиларди улар. Тушунганим шу бўлди менинг. Эҳтимол Эркиннинг "Ёлғизлик истаги" шеъри ўша пайтларда туғилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Мени ёлғиз қўйинг, дўстларим,
Чарчаганман, ором олайин.
Бугун менга керакмас ҳеч ким,
Ўзим билан ёлғиз қолайин.

Шуниси қизиқки, Эркин бўлиб ўтган ноҳолис сўзлардан нолиб бир оғиз ҳам гап демади, гарчи ноҳақлик уни изтиробга солган, руҳан эзилган бўлса ҳам. Бу аҳволда бирор хўжаликка, корхона ёки ташкилотга бориш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар икки гапнинг бирида давра расмий бўлмасин, чарчаганмиз ўшандай расмий учрашувлардан, деб туришибди. Уйга таклиф қилдим. Кўнишмади. Булар ҳолатини тушунадиган бирор кимса керак. Ким ўша дили яраларга малҳам бўлгувчи инсон? Бирдан кўнгли очиқ, бир оз дарвешнамо феълли ўзимизнинг сирдарёлик Тўра Сулаймон хаёлимга келди. У туман газетасида хизмат қиларди. Уни топиб аҳволни тушунтирдим, қувониб кетди.

— Ундай зотларга жоним поёндоз, — деди у энтикиб.
— Бироқ уйларимиз... ҳалигидек жа културний эмас, ўзимизнинг қишлоқ уйларидан.

Хуллас, Гулистон шаҳрига ёндош тумандаги Тўранинг уйига жўнадик. Шоир дўстимиз қувончдан энтикарди. Билишимча, қўрада битта қўйи бор эди. Олиб чиқиб, меҳмонлар пойига сўйди.

Деразаси кичкинагина уйда ўтирибмиз. Тўра бор бисотини тўкиб солди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибмиз. Лекин гап яна айланиб "Ўзбегим"га тақалди.

— Билмадим, бу гап фақат кўнгил учун эмас, балки юрагимнинг аллақаридан келяпти, бир кун келиб шу қасида миллатни улугловчи мадҳиядай қабул қилинади.

Навбатдаги қадаҳ шу эзгу ният учун кўтарилди. Тўра Сулаймоннинг ўша оддий, соф ўзбекона меҳру муруввати ҳаммамизни бутунлай мафтун этганди. Дилдаги чигиллар бир оз бўлса-да, ёзилгандек эди.

Эртасига эрталаб яна таҳририятда тўпландик.

— Хўш, энди нима қилдик, кўнгил нима истайди? — сўрадим улардан.

— Кўнгил тинчлик ва холилиқни сўрайди, — эшитган жавобим шу бўлди.

— Сизларга битта-яримтанинг бўлса ҳам кўзи тушди, жилакурса бир соатга бирор жойга бориб, кишилар билан учрашмасангиз, қандай бўларкин?! Ишонинг, улар сизларга илҳақ.

Ууллас, кўярда-қўймай, уларни ўша пайтда гуриллаб турган, эл оғзига тушган "3-Боёвут" хўжалигига олиб бордим. Хўжалик раҳбари Қуддус Рашидов (худо раҳмат қилган бўлсин) адабиёт ихлосмандларидан эди. Телефонда гаплашиб қўйгандик. Борсак, ҳаммаёққа сувлар сепилган, кўча-йўлкалар чиннидек қилиб тозаланган. Хўжалик маркази сердарахт, сергул. Шу ҳолатнинг ўзиёқ дилдаги тугунни ечгандек бўлди. Клуб олдида тумонат одам. Меҳмонларни гуллар ва қарсақлар билан кутиб олишди. Ичкарига кирсак, зал лиқ тўла. Оёқ босгани жой йўқ. Одатдагидек меҳмонларни таништирдик. Аввалига Тўлқин (худо раҳмати насиб қилган бўлсин унга) гапирди, сўнг уч-тўртта шеър ўқиб берди.

Навбат Эркинга келди. У ўрнидан туриши билан зал бир қалқиб олди. Кузатиб турибман: ҳамма ҳаяжонда, борлиқни унутган шу топда улар. У одатдагидек босиқлик билан шеър ўқий бошлади. 500—600 киши тўпланган жойга ўхшамасди зал, шу қадар сокин эдики, пашша учса билинарди. Кишилар энтикиш билан, ютиниб, жон қулоғи билан тингларди ўз сеvimли шоирини. Уч-тўртта шеър ўқилгач, ўртадан кимдир илтижолди оҳангда "Ўзбегим"ни ўқиб беринг, деди. Эркин бир дам тепароққа қараб хаёл суриб қолди. Шоирнинг нозик кўнглидан не хаёллар кечаётгани бир Худонинг ўзигагина аён эди.

Эркин аста "Ўзбегим"ни ўқишга киришди:

— Тарихингдир минг асрлар
ичра пинҳон ўзбегим...

У ҳаяжон билан қасидасини ёддан ўқий бошлади. Ундаги қарама-қарши ҳолат сезилмасдан қолмади, овози билинар-билимас титрарди, рангига қизил югургандек туюлди. Мана, қасиданинг охириги мисралари ҳам ўқилди. Зал сув қўйгандек жимжит. Ҳамма сеҳрланиб қолганди гўё. Бирдан гулдурос қарсақлар янтради. Кишилар кўзини кўрсангиз эди шу топда. Бамисоли чўғ бўлиб ёнарди. Зийрак шоир одамларни тинчитиш учун яна шеър ўқий бошлади. Яна беш-олти шеър ўқиди чамамда. Учрашувни ту-

гатсак бўларди. Шу тараддудда ўрнимдан турган эдим, олдинги қаторда ўтирган бир қария қўл кўтарди:

— Ўғлим Эркинжон, ўзим Зоминданман, бу ерга невараларимни кўргани келгандим. Икки кун бўлдим. Энди қайтаман деб куёв-қизларим, невараларим билан хайрлашиб йўлга тушгандим. Сизларнинг келишингизни эшитиб яна қолдим. Умрингдан барака топ, ўғлим, ўша "Ўзбегим"ни яна бир ўз оғзингдан эшитай, жон болам.

Ҳамма ҳайрон. Барчанинг нигоҳи шоирда. У шарт ўрнимдан турди-да, қасидани қайта ўқий бошлади. Афтидан, қариянинг гаплари унга қаттиқ таъсир қилганди. Рост-да, у ёқда ҳар хил дашномлар, бу ёқда эса шу қадар эъзоз. Ҳали яқиндагина эшитган мисраларимиз эндиликда бизга ҳам бошқача таъсир қилаётганди. Эркин ўзгача бир кўтаринки руҳда, овози ҳам ўзгариб кетгандек эди. Кишилар шоирни чексиз меҳр билан тингларди. Одамлар билан мулоқотдан ўзини холи тутишга интилган шоир ҳозирги ҳолатдан ўзи ҳам таърифга сифмас бир туйғу сирмоқда эди.

Қасида тугади, зал қалқиб ўрнимдан турди. Меҳмонлар залдан чиқиб кетгунча бирор киши ҳам ўрнимдан силжимади, қарсақлар ҳам тинмади. Қуддус ака Рашидов бир пиёла чойга таклиф этди. Энди у кишига эргашиб, учтўрт қадам ташлаган эдик:

— Ўғлим Эркинжон, шошмай турунг, — деган овоз эшитилди.

Ҳаммамиз қайрилиб қарадик. Бу ўша — "Ўзбегим"ни яна бир бор эшитай деган қария. Соқолларини селкилатиб ҳудди йигитлардек илдам елиб келарди.

— Ўғлим, сўзларинг шунчаки сўз эмас, сенга Худойимнинг назари тушган, кел, бир пешонангни силай, мени сенга етказганга жоним фидо бўлсин.

Қария меҳр тўла қалб ҳарорати ила шоирнинг юзларини силади, бағрига босиб, пешонасидан ўпди. — Сенинг гардларинг кўзларимга тўтиё, — дея унинг юзига теккан қўлларини ўпди, сўнг деди: — Илоё, Яратган эгам сени ёмон кўздан ўзи асрасин, умринг узоқ бўлсин, икки дунёда азизу мукаррам бўл.

Қария фотиҳага очган қўлларини кўтарар экан, кўзларида ёш қалқди...

Мана шу воқеага 30 йил бўлди. Шу давр ичида не-не ҳодисаларга гувоҳ бўлдик. Лекин мазкур учрашувни ҳалихануз ҳаяжонсиз эслай олмайман. Миллатсеварликни

миллатчилик деб бошда ёнфоқ чақилаётган ўша кезлардаёқ улус ўз шоирига холис баҳосини берганди. Камдан кам ижодкорга насиб этадиган эларо машҳурлик унга ўша пайтдаёқ насиб этганди. Бу шоир жасоратига, маҳоратига, иқтидорига миллатнинг мангу миннатдорчилиги эди.

Кўнглимда кўпдан бери тугиб юрган бир гап бор. Буни айтиб, жамоатчиликни хабардор қилиб қўйишни бўйнимдаги қарз деб биламан. Гап шундаки, шоиримиз бошига ўринсиз маломатлар ёғилиши ўша пайтда унинг фикри замон мафкурасига андак бўлса ҳам мос келмай қолганидан бўлса керак...

Истеъфодаги милиция генерал майори, Шароф Рашидов халқаро жамғарманинг бош директори Отамурод Муҳаммадиев хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Жамғарма жойлашган ҳовлида бир пайтлар Шароф ака оиласи билан яшаган эди. Отамурод ака радио кулоғини буради. Хонанда ёниб "Ўзбегим"ни айтаётган эди. Кўшиқни охиригача мириқиб тингладик. Сўнг хона эгаси шартта радиони ўчирди ва менга юзланиб деди:

— Биласизми, ҳар сафар шу кўшиқни тингласам, бир пайтлар раҳматлик Рашидов ярим таъна, ярим эзилиш билан менга айтган гаплари ёдимга тушади. 70-йилларнинг бошлари эди. У пайтларда мен Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи эдим. Раҳматли вилоятимизга келди. Аввал Сирдарё туманида бўлди. Хўжаликлардаги ишни кўздан кечирди, одатдагидек одамлар билан учрашди, суҳбатлашди. У кишини кузатиб бориш менинг хизмат бурчимга кирарди. Пешинга яқин бир оз хордиқ чиқаргани ҳамда тамадди қилгани райкомнинг меҳмонхонасига келдик. Ҳовлида юз-қўлларни ювдик. Шу пайт меҳмонхона билан девордармиён хонадондаги радиоприёмникдан "Ўзбегим" ашуласи янграб кетди. Мен кўлимда сочиқ билан анграйиб қолибман. Ҳолатимни кўрган Шароф ака мийиғида қулиб, кўлимдан сочиқни олди. Қарасам, у киши ҳам силжимамай жойларида турибди. Кўшиқ тутагунча шу ҳолатда бўлдик. Хонага кириб ўтиргач:

— Биласизми, — деди у менга тик қараб, — сизнинг ҳамкасбларингиз, шоввозлар Эркин Воҳидовни нима қилишмоқчи бўлганлигини. Икки жилд қораловчи ҳужжат йиғишибди. Кўтариб келишди. Не кўз билан кўрайки, ташаббус маҳаллий малайлардан чиққан. Ижодкор-

лар орасида ҳам ичи қора, шахсиятпарастлар бўлади. Сизнинг одамларингиз унинг кам-кўстини тўлдирган. Қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқ, кўролмаслик балоси, холос. Танишиб чиқиб, уларга тушунтирдим: бу шоир йигитнинг кўнглида мутлақо ғараз йўқ. Ижодкор аҳли бўрттиришларга ўч бўлади, юраги тугён ураётганда баъзан ошириб юборди. Бундай хислати йўқ кишилар шоир бўлмайди. Шундай деб ўша "иш"ни ёпдик. Иброҳим Мўминов ҳақида ҳам худди шундай ҳолат юз берган эди. У киши ҳақидаги ҳужжатлар тўрт жилд эди.

— Қани айтинг-чи, — деди раҳматлик бир оз хаёл сургандан сўнг, — ўзингиз унинг шеърларини ўқиганмисиз?

— Ҳа, айримларини, дуч келганларини.

— Бу гапингиз ўқимишли одамнинг сўзи эмас. Эл оғзига тушган шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини ҳар қандай шароитда ҳам вақт топиб ўқиш керак. Шундай қилинса — бўлар-бўлмасга ҳужжат тўпланмайди. Майдачуйда гапларга ўзингиз жавоб бериб юборадиган бўласиз. Энди Эркинга келсак, мулоҳазаси ниҳоятда кенг, мутафаккир шоир бўладиган кўринади. Бу ҳислат ҳозирданок сезилиб турибди. Шу шеъридаги тафаккур кўламининг нақадар кенглигини идрок этаяпсизми?

Ҳа, ҳар сафар "Ўзбегим"ни тинглаганимда шу воқеа, шу гаплар тасаввуримда янгидан жонланади...

Дарҳақиқат, Отамурод аканинг гапларини масалага анча ойдинлик киритиш жиҳатидан муҳим деб ҳисоблайман. Шоиримизнинг азиз бошидан эл меҳри аримагай. Зеро, бутун қалб кўрини у шу элга, шу юртга баҳшида қилмоқда. Унинг толеи баланд қилиб яратилганлиги рост бўлсин!

* * *

Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг жасоратига муносиб баҳо бериладиган замон — мустақиллик даври келди. Республикамиз Президентининг фармони билан унга "Ўзбекистон қаҳрамони" деган юксак унвон берилди. Эл ардоғини қозонган Эркин Воҳидов бу юксак унвонга жуда-жуда лойиқ.

УЗИЛМАС ҚАРЗ

Ойнинг охириги кунлари. Дарсдан ниҳоятда ҳориб чиқдик. Аксига олиб бугун тўрт жуфт маъруза эшитадиган кунимиз экан. Бир томондан қорин таталайди. Биринчи

масала уни "тинчитиш", акс ҳолда бизга тинчлик бўлмайди. Расулжон, Тўлаган ва камина ҳозирги Амир Темур хиёбонига (ўша пайтда Ўрта Осиё-Давлат университети — ҳозирги Ўзбекистон миллий университети шу ерда жойлашган эди) чиқиб, маслаҳат қилдик. Куруқ гап кимга ёқарди. Ҳар биримиз чўнтақларимизни қоқиштирдик, танга ва чақаларни жамладик.

Йиғилган пулга бир бўханка нон ва 200 грамм колбаса олдик. Мовароуннаҳр кўчасидаги электр лампа заводининг чойхонаси бўларди ўша вақтларда. Йўлда курсдошимиз Жонрид учраб қолди. Энди тўрт "баҳодир" бўлдик. Чойхонага киргач, бир чеккадан жой олдик ва шу заҳотиёқ вазифаларни ўзаро тақсимладик. Жонрид жой, нон ва колбасага кўз-қулоқ, камина эса чой олиш учун навбатга туради, Расулжон пиёла йиғади, бўшаган чойнақларни топиб келиш Тўлаган зиммасида. Ҳамма ҳам ошхонага кириб, бирор иссиқ таом тамадди қилиш имкониятига эга эмасди ўша даврларда. Кўпчиликнинг тирикчилиги нон-чой бўларди. Шу сабабли чойхоналарда одам тирбанд.

Хуллас, қанча вақт ўтди, билмадим. Пиёла ҳам, чойнақ ҳам топилди. Қориндаги "инқилоб" авжи баланд пардасига етган пайт дастурхон тепасига етиб келдик. Жойлашиб ўтириб олгач, беихтиёр патнисга назар ташладик — қай кўз билан кўрайликки унда на нон, на колбаса бор эди. Учаламиз савол назари билан Жонридга қарадик. Аввалига, бировнинг суқи кирмасин, деган ниятда зўрға етишган егулигимизни кўздан яширган бўлса керак, деган хаёлда эдик. Лекин Жонриднинг кўзлари негадир бежо эди.

— Ҳазилингни йиғиштир, лунжингдан оканг, — дедим зарда билан. Жонриднинг оғзи бир оз катта бўлгани учун уни шундай деб эркалардик.

— Олифтагарчилик қилма, сабрим чидамай, тарсаки тортиб юборишим мумкин, — Расулжоннинг овози титраб кетди. Афтидан у ҳам биз қатори роса "етилган"га ўхшарди. Ким билади эрталабки нонушта қай аҳволда бўлган. Ҳаммамиз худди еб қўйгудек Жонридга кўзларимизни бигиз қилиб қадаганмиз. У нимадир демоқчи, лекин тили айланмасди.

— Э, қанақа одамсан, гапирсанг-чи, мен ҳам тутақа бошладим.

— Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ, — деб хитоб қилди Тўлаган.

— Жон оғайнилар, — Жонрид кўзларини ғайритабиий тарзда мўлтиллашиб гап бошлади, — жоним оғайнилар, мени уринглар, финг демайман, — у икки кўлини кўксига кўйиб, ёлбориш оҳангида сўзларди.

— Нима бўлди, айтсанг-чи, анқайиб ўғрилатиб кўйдингми? — энди Расулжон ҳам тутатқа бошлаганди.

— Мени айбламанглар, ўзим ҳам билмай қолдим. Уч кундан бери ичимга туз киргани йўқ, оч эдим. Сизлар келгунча ноннинг четини ушатиб, бир бурдасини чайнаб турай, зора ҳақкалак отган нафсим бир оз ором олса, дегандим. Бу қурғур колбасанинг ҳиди менга тинчлик бермаса. Ундан бир тишлам олдим. Икки кўзим сизларда, кўлим ва жағим ишлайверибди. Беихтиёр бўлди бу иш. Бундай қарасам на нон қолибди, на колбаса. Мана мен, айбдорман, қандай жазони лойиқ кўрсанглар, финг деган номард. Майли, розиман, тўйгунларингча сўкинглар, чарчагунча уринглар, розиман, сенлар ҳам бир хумордан чиқларинг. Уч кун бўлди бир тийин ҳам пулим қолмаганига, бирорталарингдан сўрашга андиша қилдим. Ўзларинг ҳам зўра нафас олиб юрибсизлар — буни ҳам биламан.

Нима ҳам дердик. Бир кун минг кун эмас. Амал-тақал қилиб уйга етиб олсак, чораси топилар, лекин Жонридининг аҳволи, ундаги чидам ва орият кучи бизни ҳам даҳшатга, ҳам ҳайратга солганди.

— Аҳволинг шундай экан, нега бир оғиз шипшитиб кўймадинг, ахир биз ҳам инсонмиз-ку, — дедик унга танбеҳ берган бўлиб.

— Нафсоният қурғур йўл бермади, ўзи кал, кўнгли нозикларданман!

Жонридининг туриш-турмушидан бир оз хабардор эдик. Намангандан Тошкентга пиёда келган. Бахтига Туроб Тўла билан Республика радиосида учрашган. Ўша ерда дастёрликка (курьер) ишга олишган. Хоналарнинг биридаги диванда ётиб юрган. Шу шароитда таъловларда ёлиб чиқиб, университетга ўқишга кирганди.

Орадан кўп ўтмай, шеър ва ҳикоялари газета, журналларда кўрина бошлади. Тезда ўзини ўнглаб олди. Эндиликда у иқтидорли катта ёзувчи — бир неча романлар, қисса ва тўпламларнинг муаллифи, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Дорилфунунни битириб, республикамизда илк бор дипломли журналист бўлганимизга 1979 йилда 25 йил тўлди. Шу муносабат билан, ким қаерда ишлашидан қатъи назар, учрашишга, биз учун азиз бўлган бу санани нишонлашга аҳд қилдик. Учрашувнинг расмий қисми университетда ўтди. Устозлар бизларни хурмат-эътибор билан кутиб олишди. Журналистика факультетидаги талаба йигит-қизлар университет газетасининг махсус сонини ва ниҳоятда катта дид ҳамда меҳр билан тайёрланган деворий газетани чиқаришибди. Одатдагидек учрашувда ҳам гап-сўзлар айтилди, ҳаваскорлар дастаси кўшиқ айтиб, куйлар чалиб беришди. Кечкурун Эскижўвадаги "Гулистон" ресторанида дўстлар ва устозлар дастурхон атрофига тўпландик. Навбат Жонридга келгач, ҳозиргина мен сизга ҳикоя қилиб берган воқеани энтикиб, кўзда ёш билан сўзлаб берди.

— Қани айтинглар-чи, мен бу қарзни уза оламанми? — деди у ва саволига ўзи жавоб берди, — йўқ, умр бўйи топганимни сарфлаганимда ҳам узолмасам керак. Шундай дўстларим бор бўлганлигига шукрлар бўлсин. Уларга ҳамиша қўлимни кўксимга қўйиб таъзимдаман...

Кейинчалик Жонрид китобларига, романларига даста-даста пул олганида шаҳардан ташқаридаги дала ҳовлисида тўкин дастурхон ёзиб, бизга зиёфатлар берди. Эрталабдан кечгача чўзилган шу ўтиришлардан сўнг қайтаётганимизда ҳам:

— Оғайнижонлар, мен сизлардан қарзимни узганим йўқ. Ҳамон у бўйнимда, — деб қўяди.

Ўша куни дарсдан кейин тушликсиз уйга оч қорни билан келганлардан бири Расул Раҳмонов ҳозир республикада таниқли журналист, Тўлаган Нажмиддинов "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Камина эса бирдан олдин, бирдан кейин деганларидек, "Тошкент ҳақиқати" газетасида бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари, "Сирдарё ҳақиқати", кейинчалик эса "Қишлоқ ҳақиқати" — "Сельская правда" газеталарининг бош муҳаррири бўлиб ишладим. Ҳамон баҳоли қудрат қалам тебратиб турибман. Ҳаётимиздан, тақдиримиздан нолимаймиз. Ҳаёт тўлқинлари, бўронлари бизни ажрата олмади. Ҳамон дилимиз оҳанрабодек тортади.

АСИЛ ИНСОН

Бизлар республикада журналист касби бўйича университет дипломини олган дастлабки қалдирғоч мутахассислармиз. Мана шунга ҳам 46 йил бўлди. Биз саккиз қиз ва йигирма йигит эдик. Қуйида шулардан бири ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

...Кунлардан бирида талабалар ўртасида "Шароф Рашидовнинг укаси бизнинг гуруҳда ўқиркан" деган гап тарқалди. Ёшларга хос қизиқувчанлик билан "Ким экан у", деб сўрай кетишди. "У ўзини қандай тутаркин, биз билан тенгқур сифатида гаплашармикан", деганлар ҳам бўлди. Келди, кўрдик, оддий, камтар йигит. Ўша пайтларда ҳам, кейинчалик ҳам у бирор жойда ўзини бошқалардан ўзгача тутган эмас. Ҳамма ерда барча қатори бўлди, курсдошлари билан самимий дўст тугинди. Дорилфунунни тугатдик, ҳаммамиз ҳар қаерга ишга тарқаб кетдик. Лекин ҳар биримиз ким нима билан машғул, қандай иш қиляпти — доимо кўз-қулоқ бўлиб, кузатиб турганмиз. Ҳозир ҳам шундай.

Асил Рашидовдаги инсонийлик ва ижодкор сифатидаги хислатларни алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Бу — камтарлик, хоксорлик, покизалик, тўғрилиқ, дўстларга садоқат, ўта заҳматқашлик, ўз ишидан қаноатланмаслик. Ҳозир Асил Рашидов етмишдан сакраб ўтди. Лекин у ҳамон ижодий изланишда, навбатдаги режалар билан банд.

Унда яна бир кишини ўзига мафтун этадиган хислат бор — у иболи, унда қандайдир ўзига ярашиқли тортинчоқлик ҳам бор. Асилжон билан танишганимга, боя айтганимдек, 50 йилдан ошибди. Шу давр мобайнида қанча сувлар оқиб кетди. Неларни кўрмади бу бошлар. Жумбоқларга тўла бу ҳаёт йўли бошқалар каби уни ҳам не синовларга солмади, не кунлар тушмади бошига. Ундаги ирода, нафсониятни қўлга ола билиш, қандайдир бир ички, табиий талабчанлик, вазминлик бўронлардан, довуллардан ҳам ўзини йўқотмасдан ўтиб олишига имкон берди. Ҳар қандай шароитда ҳам у инсон бўлиб қолди, инсоф ва диёнатни йўқотмади.

Баъзи кимсаларда унинг раҳматлик акаси ҳақида гап кетганида амал курсисида Шароф Рашидов бўлди, заҳматини у чекди, меҳнатни у қилди, лекин давру давронни қариндош-уруғлари сурди, деган гап ҳам бор. Бу нозик масалада мен ўзим билганимни айтай...

Асилжон биз, тенгқурлари билан беш йил Тошкент дорилфунунида таҳсил кўрди. Талабалик йиллари... Унинг кайфи, сурури, айтиш мумкинки, фурури шу даврни бошдан кечирганларга маълум. Ҳаммамиз келгуси парвозга қанот чиқараётгандек сезардик ўзимизни. Ёшимиз улғайиб, ақлимиз тўлишиб қолгандек эди гўё. Ўзаро эмас, баъзан тап тортмай ҳурматли домлаларимиз билан ҳам тортишиб қолардик. Бундай пайтларда Асилжон ҳеч вақт одоб доирасидан ташқари чиқмасди. У ўзини ҳар қандай шароитда ҳам оғир ва вазмин тугарди.

Яширмайман, ҳа, ўша талабалик йилларида баъзиларимиз ўзгалар билан учрашиб қолганида:

— Бу дўстимиз Асилжон, Шароф Рашидовнинг укалари бўладилар, биз бирга ўқиймиз, — деб кўярди.

Бундай ҳолларда Асилжон хижолат тортиб, юзлари қизариб кетарди. Кейинчалик қатъий равишда шундай деди:

— Мен талабаман, сизларнинг дўстларингиз, бошқасининг аҳамияти йўқ. Илтимос қиламан, бировларга мени боғлаб гапирманглар.

Шу-шу бўлди-ю, юқоридаги гапларга чек қўйилди. Асилжоннинг ўзи ҳам ҳеч қаерда қариндошлари ким эканлиги, уларни пеш қилганлигини биз эшитмаганмиз.

Ўша йилларда — талабалик давримизда Шароф Рашидов республика Олий Кенгаши раёсатининг раиси эди. Кейинчалик, у қарийб чорак аср мобайнида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлиб хизмат қилди. Тасаввур қилинг, Асилжоннинг ўрнида енгилроқ табиатли, ўз шахсий манфаатини кўзловчи бирор бошқа кимса бўлганида борми — керак-нокерак жойда унинг туғишган акаси ким эканлигини пеш қилавериб, не ҳангомаларни кўрсатмасди. Ҳар биримиз бундай воқеалардан қанчасининг гувоҳи бўлганмиз-ку, ахир. Шу кунларда йўқми бу ҳол? Асилжон нимагаки эришган бўлса, фақат ва фақат ўз меҳнати, заковати, заҳмати туфайлигинадир.

Мана унинг ҳаёт ва ижод йўллари (хулоса чиқариш, тўхтамга келиш ўқувчига ҳавола): 1954 йили дорилфунунни тугатгач, ҳамма қатори "Қизил Ўзбекистон" газета таҳририятига ишга келди. Аввалига адабий ходим, кейинчалик бўлим мудири бўлиб ишлади. 1958 йили эса Тошкент педагогика университетининг аспирантураси-

га қабул қилинди. Уни 1961 йили тамомлади. Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, 1963 йилдан эса катта ўқитувчи, 1979 йилдан бери эса доцент бўлиб ишлаб келяпти.

У фан номзодлиги илмий даражасини олиш учун диссертациясини 1981 йили ёқлади. Эътибор беринг, аспирантурани 1961 йилда тамомлаганди. Орадан 20 йил ўтди. Бу унинг ночорлигидан эмас, асло бундай деб ўйламанг. Ўша ўзига нисбатан ўта талабчанлик, тортинчоқлик деймизми, баъзи оғзига кучи етмаганларнинг гап-сўзларидан йироқроқ бўлиш ниятидами — ҳар ҳолда шундай бўлди.

Асилжоннинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

— Мен меҳнат қилишни акамдан ўрганганман. Баъзи яқин дўстларим илмий ишимнинг чўзилиб кетганлигини акам билан ҳам боғлайдилар. Бу, бир томондан тўғри. У киши диссертация баҳона, ўз устида ишласин, қаламини чархласин, илмнинг ичига кирсин, деган маънода эрк ҳам бериб қўйганди.

Ваҳоланки, у республика илмий ва ижодий жамоатчилиги ўртасида аллақачон етук адабиётшунос ва таржимон бўлиб танилганди. Даврий матбуот ҳамда илмий тўпламларда юзга яқин адабиётимиз муаммоларига бағишланган мақолалари чоп этилганди. "Мухтор Аvezов ва ўзбек адабиёти", "Таржиманинг ойдин йўли", "Замонавийлик ва бадий метод", "Инсон ва меҳнат мадҳи", "Ҳаёт ва нафосат рамзи", "Севги мадҳиясидан оқ кемагача" каби жамоатчилик эътиборига тушган мақолалар шулар жумласидандир. Асилжон шунгача бир қатор, чунончи, "Инсон ва меҳнат мадҳи", "Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони" каби илмий рисоаларнинг муаллифи бўлишга ҳам улгурганди. 1980 йилда унинг 15 табоқ ҳажмдаги "Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири" монографияси "Фан" нашриётида чоп этилди. Мазкур асар илмий ва адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

"Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, адабиётимизга, ёзувчи меҳнатига чуқур эҳтиром билан ёзилган бу китоб мени бутунги ўзбек прозаси тўғрисида, хусусан қиссачилигимиз тўғрисида анчагина ўйга толдирди, — деб ёзган эди ўша пайтда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов. — Ўйга толдириш эса, яна такрорлайман, фақат жиддий асарларга хос яхши хислатдир... Асил Рашидов китоби-

нинг энг муҳим ва энг катта фазилати ҳам шундаки, танқидчи ўзи қўл урган мавзунинг ичига чуқур кириб, уни ипидан игнасигача ўрганиб ёзган. Аслини олганда "Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири" деган бу асар бир йил-икки йил эмас, кўп йиллик меҳнатнинг мевасидир, кўп йиллик чуқур изланишларнинг яхши самарасидир...

Натижада биз меҳнат мавзусига бағишланган ўзбек қиссачилигининг муваффақиятларигина эмас, камчиликлари тўғрисида ҳам, схематизм, шаблон, сохталик ва юзакчилик каби прозамиз тараққиётига тўсқинлик қилиб келган қусурлар ҳақида ҳам кенг ва чуқур тасаввурга эга бўламиз".

Мазкур илмий асари учун дўстимиз Ҳамза номли Ўзбекистон Давлат мукофотига ҳаққоний равишда сазовор бўлди. Шунгача у эндиликда жаҳон адабиётининг кўзга кўринган йирик арбобларидан бири Чингиз Айтматовнинг "Жамила", "Сарвқомат дилбарим", "Алвидо, Гулсари", "Оқ кема", "Биринчи муаллим", "Соҳил бўйлаб чопётган ит" каби машҳур қиссаларини ўзбек тилига қойилмақом қилиб ағдариб, чоп эттирганди.

Айтмоқчиманки, расмий равишда кандидатлик диссертациясини ёқлагунча ҳам яхши олим ва моҳир таржимон сифатида тан олинганди. Очиғини айтганда, илмий ва ижодий иши, маҳсули билан ўша пайтлардаёқ кўпгина илмий даражага эга бўлган ходимлардан устун эди.

Биз, ўзбек ўқувчилари Марказий Осиёдан чиқиб, жаҳон тан олган улкан истеъдод соҳиби Чингиз Айтматовнинг дастлабки ҳикояларидан тортиб деярли сўнгги романларигача Асил Рашидов таржимасида ўқидик. Буни катта ижодий жасорат деб бемалол айтиш мумкин. Айни пайтда, унинг қардош халқлар адабиётини, маънавий ҳаётини ўзбек элига сингдириши дўстлик алоқаларини янада илдиз отишига, палак ёзишига хизмат қилди. Республика адабий жамоатчилиги Асилжоннинг бу хизматига юксак баҳо берди. Етук ёзувчиларимиз, адабий танқидчиларимиз бир тан, бир жон бўлиб шундай фикрни билдирдилар: йиллар давомида катта меҳр, қалб кўри билан меҳнат қилди, шу жараёнда ўзи ҳам ўсди, қаламини чархлади, ҳасос таржимон — ижодкор даражасига етди.

Бу ҳақда Чингиз Айтматовнинг ўзи шундай дейди: "Бир қанча ўзбек ёзувчиларининг китоблари қирғиз тилида нашр этилган. Қирғиз ёзувчиларининг китоблари эса

Ўзбек китобхонлари жавонида. Шу ўринда мен ихлос қилиб китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, адабиётшунос, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман. Чунки менинг асарларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олди. Мана шунинг ўзи ҳам дўстликнинг куч-қудратидир".

Александр Бек, Мирзабек Дуйсенов, Бовуржон Момиш ўғли ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳам Асилжон томонидан таржима қилинган. Умунан ҳозиргача чоп этилган унинг таржима асарларининг салмоғи 200 табоқдан ошиб кетди. Адабий-танқидий мақолалари, илмий рисола ва монографиялари эса 100 табоқ атрофида бўлибди. Бу айтишгагина осон. Буни ижод машаққатини, ўша, тунлари безовта бўлиб заҳматини тортган одам билади. Уйқудан, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил қилинган тинимсиз меҳнат самараси бу.

Ўзбекистон Журналистлари ҳамда республика Ёзувчилари уюшмаларининг аъзоси бўлмиш Асилжоннинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. У қатор нишон ва медалларнинг соҳиби, халқ маорифининг аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонига эга, Ҳамза номли Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори.

Бир донишманд айтган экан: ҳаёт — бу силлиқ ва текис йўл эмас, унинг жарликлари ҳам борки, кутилмаганда инсон боласини тақдир шамоллари унга қулатиши мумкин. Бошқалар бошига тушганидек, дўстим бошига ҳам ҳеч кутилмаганда оғир, ниҳоятда мушкул савдолар тушди. Шароф Рашидов вафотидан кейинги йилларда бўлиб ўтган ҳақсизлик, қатағон, туҳмат, таҳқирлаш даврида Асилжоннинг ўз сўзи билан айтганда, "барчамиз учун мусибатли бўлган ўша оғир йилларда энг кўп жабр кўрган оилалар қаторидан биз ҳам узоқда турмадик. Орадан ўтган йиллар ичида биз, "рашидовчилар" юз йилга қаридик".

Шу ўринда унинг "Акам ҳақида" деб номланган рисоладан бир парча келтиришни лозим деб топдим, зеро, киши бошидан ўтган воқеаларни ҳеч ким ўзича сўзлаб бера олмайди.

"Расмий доираларга келганимизда шуни айтиш керакки, собиқ Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан Ш. Рашидов оиласи аъзолари, қариндош-уруғлари неча марта лаб сўроқ қилинганлиги маълум. Шахсан менга келганда "резервдаман" деб юрган эдим, вақт-соати келиб мени

хам Ш. Рашидов билан боғлиқ масалалар жараёни тугалланиши олдида бир бор таклиф этдилар. Улар мени чақиртиргунга қадар фаолиятимни обдан текшириб, маълум хулосага келганликларини қалбим сезиб турган эди, албатта. Борсам, Москвадан келган терговчилардан тўрт-бештаси Хавфсизлик қўмитаси биносидаги хоналардан бирига жойлашиб олиб иш кўраётган эканлар...

Терговчи: Муаллимлар — зиёлиларнинг гули. Сиз ҳақингизда маълум тасаввурга эгамиз. Сизга бир оғиз ҳам эътирозимиз йўқ. Одоб юзасидан чақирдик...

Терговчининг саволларига жавоб бериб бўлганимдан сўнг, у қизиқиб сўраб қолди: Нега акангиз катта лавозимда бўла туриб, сиз бундай имкониятдан фойдаланмадингиз?

Акам ўз йўлига, мен эса ўз йўлимга. Менда ҳақиқатдан ҳам на машина, на дала ҳовли бор. Ҳатто велосипед ҳам йўқ. Зарурият юзасидан унисини ҳам, бунисини ҳам сўраган пайтларим бўлган. Аммо акам рухсат бермаган. Ҳатто юқорироқ лавозимларга ишга таклиф этганларида ҳам розилик бермаган. Билмадим, нима бўлганда ҳам акам менинг моддий шароитимнинг айтарли даражада яхшиланишига ҳам, лозим кўришган лавозимларга ишга ўтишимга ҳам ижозат бермай, тўғри қилган экан, деб ўйлайман. Шу туфайли бўлса керак, менга ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заррача тазйиқ ўтказа олмаган".

Ҳа, шундай бўлган эди. Дўстларга келганда, шуни айтиш лозимки, уларнинг кўпчилиги Асильжонга бўлган муносабатларини ўзгартирмадилар. Ўша, унинг учун ниҳоятда оғир бўлган йилларда дўстлар ўзларини унга аввалгидан ҳам яқинроқ, самимийроқ тутгандек, ўксиган кўнглига далда бергандек бўлдилар. Дўстим эса ҳаётнинг унинг бошига солган энг оғир синовларидан ҳам ўзига гард юқтирмай, шараф билан ўтди.

Фарзанд дунёга келганда ота-она унга яхши ният билан ном қўйишади. Халқда шундай гап бор: қандай ном қўйилса, кейинчалик инсоннинг бундан буёнги ҳаётида ўша исм маъносини ифодалайдиган мазмун акс этармиш. Эҳтимол шундайдир. Жйззахлик Рашид ота билан Қўйсиной ая ўзларининг тўртинчи ўғилларига ном қўяётганларида ҳам шундай ният қилган бўлсалар ажаб эмас.

Менинг дўстим ҳаётнинг текис йўлларида ҳам, ўнқир-чўнқир жойларида ҳам, куёшли кунларида ҳам, бўронли тунларида ҳам диёнатли ва иймонлилигича қолди. Чунки у чин маънодаги асил Инсондир.

ҲАР ИШГА ҚОДИР ЭДИ

"Ўзбекистон овози" бағрида не-не оташқалб қаламкашлар етишиб чиқмаган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир дунё эди. Шулардан бири Самад Қодировдир.

"Қишлоқ ҳақиқати" — "Сельская правда" газеталари эндигина оёққа тураётган давр эди ўшанда. Мен шу газеталарнинг муҳаррири эдим. Бир куни хонага Самад ака кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Кўнглимда бир ният бор, билмадим, қандай тушунасизлар, — деди у. — Ўзим Қашқадарё вилоятининг бир қишлоғида туғилганман. Ўша ерда униб-ўсдим, мактабни битирдим. Томирим қишлоқдан бўлгани учунми, билмадим, ҳар ҳолда журналист сифатида қишлоқ ҳаётидан мақолами, очеркми, ҳатто хабар ёзсам ҳам танам яйрайди, руҳимда қандайдир ажиб бир ўзгариш рўй беради. Гапнинг қисқаси, лозим кўрсаларинг, мен шу газетада хизмат қилсам. Содда, кўнгли пок, тенги йўқ заҳматкаш кишилар даврасида бўлиб, улар билан — қишлоқ кишилари билан доимо мулоқотда бўлсам.

Гапини тугатгач, савол назари билан менга қаради. Касбдош ўртоғимнинг кўзларига мен ҳам беихтиёр тикилиб қолдим. Қанчалик самимий боқарди бу кўзлар. Худди дил кўзгуси каби унинг қалбини акс эттириб тургандек туюлди менга. Гаплари чин дилдан эканлигига заррача бўлса ҳам шубҳа йўқ эди. Нима ҳам дердим.

Ёши элликлар атрофида, неча йиллардан бери "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасида хизмат қилади. Ҳаёт муаммолари таҳлил этилган мақоалари билан, жозибали очерклари билан аллақачон элга танилган, касбдошлари томонидан тан олинган журналист. Ким ҳам қувонмайди бундай таклифга. Агарда ўша пайтдаги жамоамиз асосан эндигина ўзига йўл очаётган ёшлардан иборат эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу воқеа бизга худонинг марҳамати эди, деса бўлаверади.

— Ким бўлиб ишлаш ниятингиз бор? — сўрадим ундан.

— Ҳақиқий қалами бор киши учун мансабнинг мутлақо аҳамияти йўқ, — бир дақиқа ҳам ўйланмай жавоб берди у, — буни ўзингиз ҳам биласиз-ку. Журналистни элга эгаллаган курсиси эмас, ижоди танитади, шундай эмасми? Мен учун барибир, сизлар билан бирга бўлсам, шу газетанинг ходими сифатида юртни кезсам. Бундан ўзга мақсад йўқ менда.

— Майли, розиман. Кўнглингизга келмаса, газета ҳайъати аъзолари билан маслаҳатлашиб олсам. Узил-кесил жавобни эртага оласиз.

Шундай қилиб, Самад Қодиров таҳририятнинг энг катта ва етакчи бўлими — қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири бўлиб ишлай бошлади. Самад аканинг иш қобилиятига кўплар ҳайрон қоларди. Баъзи ходимлар 100—150 сатр мақолани кун бўйи ишлаб, ўшанда ҳам поёнига етказа олмаётган бир пайтда, вазият талаб қилса, у бир кунда газетанинг бутун саҳифасига етарли мақола ва хабарларни тайёрлаб ташларди. Яна ҳеч қандай ажабланарли воқеа юз бермагандек, тинчгина ўз иши, бўлим ходимлари билан банд бўларди. Бўлар-бўлмасга хизматини пеш қилишни, кимгадир кўз-кўз қилишни билмасди, раҳматлик. Гўё газетачи худди шундай бўлиши керак, шундай ишлаши лозим.

Самад ака фақат сермахсул ходимгина эмас, у айна пайтда изланувчан, тиниб-тинчимайдиган ижодкор эди. Эсимда, хонага бир оз кулимсираб, мамнун ҳолда кириб келарди.

— Агар, маъқул кўрилса, бир ғоя туғилди, — деб гап бошларди.

Шундай дедими, билингки, қандайдир муҳим мавзунини кўтариб келган. Мақсадини лўнда қилиб тушунтирар, агар маъқул топилса, эртага эрта билан сафарга отланишга тайёр эканлигини билдирарди. Файратига, жонсарақлигига тан бермасликнинг иложи йўқ эди. Гавдали бўлгани билан ниҳоятда серҳаракат эди. Бошқача айтганда ўзи алпдай, ишлари ҳам...

Бир куни шундай деб қолди: полиз маҳсулотларининг сифати пасайиб кетяпти, инсоф ва диёнатни ютган баъзи кимсалар қовун-тарвузлар кўпроқ тош босишини ўйлаб, кимёвий ўғитларни ишлатишда меъёрга амал қилмаяптилар. Оқибатда пулига шу маҳсулотларни сотиб олган кишилар касалликка чалиниб, озор чекишяпти. Деҳқон қиёфасидаги ана шундай товламачиларга айтадиган аччиқ, аммо очиқ гаплар зарур ҳозир, деб ўйлайман.

Бундай савоб ишдан ким ҳам ўзини четга оларди. Орандан кўп ўтмай газетада шу долзарб мавзуда донгдор деҳқонларимиз ва олимларимизнинг республика қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаати эълон қилинди. У халқона тилда, жарангдор оҳангда ёзилганди. Мурожаат республика раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, махсус қарор қабул қилинди, газетанинг бу иши маъқулланди.

Қарорда мазкур мурожаат барча вилоятларда, туманларда, давлат ҳамда жамоа хўжаликларида кенг ишлаб чиқиши, шунга биноан қовун-тарвузлар сифатини яхшилашга қаратилган зарур тадбирлар белгилаш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Самад Қодиров боя айтганимдек, республикага кенг танилган, катта обрў орттирганди. Вилоятларга борганда асосан биринчи раҳбарлар уни қабул қилишга, у билан суҳбатлашишга албатта вақт ажратарди. Туманларда эса кўпинча биринчи раҳбарнинг ўзи унга ҳамроҳлик қиларди. Сафардан одатда энтикиб, ҳаяжон билан қайтиб келарди. Мўлжалдагидан ташқари яна қанчадан-қанча мақолалар тайёрлаб беришини айтарди. У бутун борлиғи билан меҳр қўйганди қишлоқ меҳнат аҳлига.

Самад Қодиров жуссаси каби бағри ҳам кенг инсон эди. Ходимларига ўта меҳрибонлик кўрсатарди. Борди-ю, улардан бирортасининг мақоласи ушланиб қоладиган бўлса, кўйиб-пишиб тезроқ чоп этилишини сўрарди, баъзан эса талаб қиларди. Самад аканинг жамоа аъзоларига эркалиги ҳам ўзига ярашарди. Унинг баъзи бир шундай талабларини ўзимизга оғир олмасдик. Иш бор жойда хато бор, дейишади. Борди-ю, ходимларидан кимдир камчиликка йўл қўйса, шу сабабли унга нисбатан маъмурий чора кўрилмақчи бўлса, яна ўша тантилиги ва мардлигини кўрсатарди. "Шу айбни у эмас, мен қилибман, бўлим мудири бўлгач, жавобгар менман", дейишдан ор этмасди.

Самад ака бир савобли ишга қўл урганди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида жанговар дўстларининг кўрсатган мардлиги ва жасоратига бағишланган кўплаб мақолалар, очерклар ижод этди. Кейинчалик шу мавзуда "Қуролдошлар" номли китоби ҳам чоп этилди. Ҳаёт-мамонт олишувларида ўзини кўрсатганлар ўша пайтларда ҳукумат мукофотларига тақдим этилгандилар. Лекин шундай ҳам бўлганки, олатасир, алғов-далғов паллада турли сабаблар билан баъзилар ўзларининг орден ва медалларини кейинчалик ҳам ололмади қолганди. Самад ака ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, кўпгина ана шундай собиқ жангчиларни аниқлади. Мудофаа вазирлиги архивларидаги ҳужжатларни титкилай-титкилай, аниқ факт ва далиллар билан улар кўрсатган мардликни ёритиб берди. Натижада қанчадан-қанча собиқ жангчилар ўз мукофотларини орадан 25—30 йилдан сўнг олишга муваффақ бўлдилар.

Сермаҳсул ижодкорнинг янги очерклар тўплами, қиссалари бирин-кетин эълон қилинаётган эди. Самад Қодиров ижодий режалар билан фарқ эди. Жамоа орасида унинг шаънига шогирдларидан бири ёзган қуйидаги шеър ҳам бежиз эмасди:

Самад қодир эди ҳар ишга,
Ҳамла қилса саҳифалар битарди.
Ёзганлари манзур бўлиб барчага,
Газетамиз обрўсини кўтарди.

Илоё дўстимизнинг жойи жаннатда бўлсин!

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

"Қишлоқ ҳақиқати" — "Сельская правда" газеталарининг 70-йиллар ўрталаридаги сонларидан бирида "Эгизак китоблар ёки бир қуроқ диссертация ҳақида қисса" сарлавҳали фельетоннинг босилиб чиқиши кенг жамоатчиликда, айниқса илмий ходимлар ўртасида катта шовшувга сабаб бўлди. Гап шундаки, мазкур эгизак китоблардан бирининг муаллифи ўз асарига бошқа манбалардан, жумладан, илмий раҳбарининг бундан 8 йил муқаддам босилиб чиққан китобидан ҳамда бошқа бир олимнинг ёқлаган диссертациясидан тайёр рақамлар, статистик маълумотлар, жадваллар, қоида ва хулосаларни кўчириб олганлиги танқид қилинганди. Бу ҳам етмаганидек, диссертантнинг илмий раҳбари бўлмиш профессор эса буларнинг барчасидан хабардор бўла туриб, ўз шогирдининг "илмий" ишига мақтов сўзлардан иборат тақриз ёзиб берган ва уни китоб ҳолида нашр этишга тавсия этган. Хуллас, матбуотда шу пайтгача ёритилмаган мавзу — нопок йўл билан илмий даража олишга уриниш мавзуси дадил ўртага ташланиб, тегишли кафедрада муҳокама этилиб тасдиғи олинган ва ёқлашга тавсия этилган диссертациянинг авра-астари ағдариб ташланганди.

Газеталарнинг танқидий чиқишларига расмий жавоб ҳам олинди. Тошкент Давлат университетининг ректори ва партком секретари имзо чеккан жавобда, фельетонда баён қилинган фактлар тан олиниб, айбдорларга нисбатан кескин чора кўрилгани, чунончи, кўчирмакаш партия сафидан ўчирилиб, аспирантурадан четлатилгани тўғрисида хабар қилинганди...

Мен моҳир журналист Тоҳир Мирҳодиевнинг юзлаб лавҳа, очерк, салмоқли мақолалари орасидан биргина фельетони ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Батафсилроқ тўхталганимнинг боиси шундаки, ўшандан бери йигирма йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳали мазкур мавзуда шу даражадаги мақолани учратганим йўқ.

Тоҳиржон газета иши учун туғилган, назаримда. Масалаларга ўта жиддий ёндошади, ўзига нисбатан гоят талабчан, шундай бўлишни бошқалардан ҳам талаб қилади. Ҳамиша беҳаловат, ишидан қоникмагандек сезади ўзини. Кўп ўқийди, бизники бўлди, демасдан, доимо изланишда. Ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам мақолаларини эринмай таҳлил қилади. Бу ҳол баъзан кимларгадир малол келади. Шундай пайтларда адолат юзасидан мантиқни ва иш манфаатини ўртага қўйиб, босиқлик билан тушунтиришга интилади.

Эсимда, чамаси эллагинчи йилларнинг охири эди ўшанда. Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг бир гуруҳ талабалари назарий билимларини амалий иш билан мустақамлаш мақсадида "Тошкент ҳақиқати" таҳририятига келдилар. Улар орасида кўзлари чақнаб турган тийрак йигит — Тоҳиржон ҳам бор эди. Мен у пайтда шу газетанинг саноат ва транспорт бўлимига мудирлик қилардим. Муҳаррир кимнинг қайси бўлимда ишлашини айтди. Бунда талабаларнинг хоҳиши инobatта олинди, албатта. Тақдирни қарангки, Тоҳиржон бизнинг чекимизга тушди.

Ундаги тиришқоқлик, интилувчанлик бизга маъқул тушди. Шундан сўнг ҳам у топган-тутганини бизга илиниб турди. Ёш қаламкаш етилиб келаётганди. Уни биз кўз остига олиб қўйгандик. Навбатдаги учрашувлардан бирида ўқиш қачон тугагини сўрадим. Шу йил ёзда, деган жавоб олдик. Бўлимда бўш ўрин бор эди, шуни ҳисобга олган ҳолда уни ишга таклиф этдик. Андишага борди шекилли, ҳозир диплом иши ёзаётганлигини айтди. Шунга келишдики, иш ҳам бўлаверади, диплом ҳам ёқланади. Шундай қилиб, Тоҳиржон жамоамизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб қолди.

Хушёр йигит экан, тезда ўзини кўрсатди. Изланувчанлиги, топшириқларга ўта масъулият билан ёндошиши, энг муҳими, у ёки бу масалада ҳамиша ўз фикри, ўз қарашни борлиги учун тезда жамоа ўртасида оғизга тушди. Кейинчалик мустақил равишда ижодий бўлимларнинг бирига бошчилик қилди.

1965 йилнинг бошида мени "Сирдарё ҳақиқати" вилоят газетасига муҳаррир этиб тасдиқлашди. Орадан тўққиз йил

ўтгач, яна марказга қайтиб келдим: менга янги "Қишлоқ ҳақиқати" — "Сельская правда" республика газетларини ташкил этиш топширилди. Бундай пайтда, табиийки, ҳар бир киши ўзига ишончли таянч ахтаради, кимга суянсам бўлади, ким оғиримни енгил эта олади, деган ниятда. Шундайлар қаторида Тоҳиржон ҳам бор эди. Адашмаган эканман: у газетанинг етакчи бўлимларидан бирига раҳбарлик қилди, таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ташкилий даврнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишда жонқуярлик кўрсатди. Унинг ўта меҳнаткашлиги, ҳалол ва поклиги ҳисобга олиниб, кейинчалик таҳририятнинг масъул котиблигига лозим кўрилди. Муҳаррир ўринбосари бўлиб ҳам ишлади.

Айни пайтда, у ижодий ўсишда давом этарди. Муҳим мавзуларни, мураккаб муаммоларни кўтариб чиқарди. Юқорида унинг биргина мақоласи хусусида тўхтадик. Кенг жамоатчилик фикрини уйғотган ижодий маҳсуллари кам эмас. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилган шоир ва журналист Аширмат Эгамназаров ҳақида "Қурол ва қалам" сарлавҳали бир саҳифали очерки ўша пайтда жамоатчилик томонидан юксак қадрланди. Газета жуда кўплаб хатлар олди. "Мазкур очеркни қардошлик куйи, жанговарлик мадҳи, қаҳрамонлар иши мангулигининг ёрқин ифодаси, деса бўлади, — деб фикр билдирганди Душанбеда ўзбек тилида чиқадиган республика газетасининг муҳаррири Ҳожи Содик. — Газетхонларимиз, олимлар ва адиблар билдираётган улкан ташаккурни қабул қилгайсиз". "Аширмат билан дўст эдик. Уруш даврида биргаликда олдирган расмимиз ҳали ҳам уйим тўрида сақланмоқда, — деб хотирлабди ўз хатида истеъфодаги генерал-майор, Москвадаги Ҳарбий-сиёсий академиянинг профессори Е. И. Востоков. — Аширматнинг ҳаёти тўғрисидаги очерк менга катта қувонч бахш этди. Қуролли Кучларнинг Марказий музейига газетангизнинг ўша сонидан бир, имкони бўлса, икки дона юборсангиз, ғоят миннатдор бўлган бўлар эдик".

Т. Мирҳодиевнинг ижодига боғлиқ бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. "Тонгдан оқшомгача" очерки эълон қилинганига чамаси йигирма йиллар бўлди. Унда ўша пайтдаги Юқори Чирчиқ туманининг раҳбари ҳақида сўз борарди. Очерк қаҳрамони Ақром Алимов (эндиликда у меҳнат ва уруш фахрийлари Тошкент вилояти кенгашида ишляпти) ҳали ҳам учрашганимизда очеркни ҳаяжон билан эслайди. Ижодкор учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ мукофот бўладими?! У "Республикада

хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонига муносиб тер тўкяпти. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совринини ҳам бекорга олмаган.

15 йил бирга меҳнат қилдик. Шу йиллар мобайнида қолдирган таассуроти шундай: амал ва шуҳратга интилмади, таъмагирчиликдан йироқда бўлди, ҳамиша унинг учун масъулият биринчи ўринда турди.

Қизиқ, кеча шогирд эди, бугун эса унинг ўнлаб шогирдлари бор. Ҳамкасблари етук ва жиддий ижодкор сифатида ҳурмат қилишади. Яна шуниси борки, яхши ташкилотчи, ёшларнинг маслаҳатгўйи. У фақат "Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг пойдеворига гишт қўйганлар сафида бўлгани йўқ, айти пайтда "Халқ сўзи" газетасининг оёққа туришида ҳам хизмати катта. Мазкур таҳририятда у бўлим мудирини, масъул котиб бўлиб хизмат қилди. Эндиликда республикадаги ишбилармонлар ҳамда тижоратчилар ўртасида анча танилиб қолган газета — "Мулкдор"нинг ҳам пойдеворини қўйганлардан бири шу бизнинг Тоҳиржон бўлади. Ҳозирги пайтда шу таҳририятда муҳаррир ўринбосари бўлиб худди аввалгидек ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилипти.

ЭСИНГДАМИ, ДЎСТИМ...

Ўша куни трамвай ҳам, автобус ҳам жуда секин одимлаётгандай туюлди сенга. Қани энди, исталган пайтда инсон боласига қанот чиқариш насиб этса — борар ерига бир зумда учиб борса.

Мана, ниҳоят ўша қадрдон гўша — болалигинг ва ўсмирлигинг ўтган ота ҳовли. Эшикдан кириб келишинг бошқачароқ туюлди Азизахон опангга. Салом-алиқдан сўнг онанглар — Маҳбубахон аяни сўрадинг. Кўчадан келиб онага салом бериш азалий одат бу хонадон учун. Лекин бу сафар овозингда, юз-кўзларингда қандайдир одатдан ташқари бир интиқлик бор эди.

— Ичкаридалар, намоз ўқияптилар, — деди опанглар.

Опа-ука ўша чоғроққина айвондаги хонтахта атрофига тўшалган кўрпачага ўтирган ҳам эдинглар, ичкаридан онажонинг — бевалик боши билан ўзи емай сенга едирган, ўзи киймай сенга кийдирган, эндиликда бу дунёда кўрадиган барча рўшноликларини сендан умид қилган, ўша мунис ва муштилар онажонинг чиқиб келдилар. Бошларида қордек оппоқ дока рўмол, эгниларида анча уриниб қолган чийдубо камзул, опа-ука туриб салом бердинглар.

— Бутун биринчи ойликни беришди, ният қилиб мана бу қора духобани сизга, онажон, олдим, — қоғозга ўроғлик газмолни узатаркансан, қувончданми ёки бошқа сабабданми, қўлларинг билинар-билимас титрарди. Онангининг қўллари эса ҳозирги дақиқада бутун борлиғида юз бераётган, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ҳолатни шундоққина кўрсатиб турарди.

— Бу эса сизга, опажонгинам, менга ҳам акалик, ҳам оталик қилганингиз учун, — шундай дея Азизахон опага рўмол ҳада этдинг. Кўнглинг тўлмади шекилли, — бу хамир учидан патир, — деб қўшиб қўйдинг.

Шу хонадондаги ҳозирги ҳолатни фақат турмуш, рўзғор деб аталмиш ҳаётнинг аччиқ сабоқларини татиган, оила соҳибисиз сув келса симириб, тош келса кемирганларгина тасаввур этиши мумкин. Муттасил етишмовчиликлар ўксик кўнгилларни яна баттар чўктириб юборганди.

Маҳбуба ая ўша совғангни олар эканлар, беихтиёр кўзларидан ёш думалади. Ҳаяжоннинг зўридан бўлса керак, бир неча дақиқа тиллари сўз айтмоққа ожизлик қилди. Она учун ўғлининг вояга етиб, пул топиб, биринчи ойлиги ҳисобидан келтирган совғаси унинг бу дунёга келиб орттирган тенги йўқ бойлиги эди. Бу шунчаки газмол эмас, йўқ, йўқ, у ноёб бойлик, ўғлигинаси фақат унга атаб харид қилган.

Маҳбуба ая дуога қўл очдилар:

— Яратган эгам, ўзингга шукр, минг қатла шукр шу кунларни насиб этганинг учун. Кечалари буёғи энди нима бўларкин, болаларим кўнглини ўкситмаслик учун нима қилсам бўлади, деб кўз ёшлари ила айтган илтижо сўзларимни инобатга олганинг учун сенга беҳад ҳамду санолар бўлсин. Ўғлимни, эндиликда рўзғор ташвишларини бўйнига олган азаматимни ёмон кўздан асрагин.

Маҳбуба ая берилиб сўзлар, гап орасида ажин босган юзларидан юмалаётган ёшларини артиб оларди.

Ўша кун ҳаётингдаги энг бахтли кун эди, дўстим. Айтишга осон, одамлар қаторига чиқиб олдинг. Лекин бу ҳаёт сўқмоқлари сен учун осон бўлмади. Шу боис онанинг кўз ёшларини қисман тушунардинг. Лекин сен билмаган армонлар, юракда қолган доғлар ҳам бор эди...

Нажмиддин ота хонадони тўрт қиздан сўнг ўғил кўришди. Бу ҳолатни ўғил фарзандни энтикиб кутганлар яхши билишади. Оиланинг қувончи бўлмиш Қутбиддин олти ёшга етганда касалга чалинадику кутилмаганда вафот эта-

ди. Ота-онанинг бутун орзу-умидлари ўша норасида билан кетгандек туюлди. Орадан бир-икки йил ўтгач, сен дунёга келдинг. Шунда буванг Қаюмхўжа ота уйдагиларнинг кўнглини кўтариб шундай дегандилар:

— Мана, худо худолигини қилди, ўзи олган Қутбиддинхўжанинг ўрнини тўлдирди. Бу фарзандимизнинг исмини Тўлаганхўжа, деб атаймиз.

Ҳаёт бу хонадонга яна бешафқатлик қилди. Сен эндигина бир ёшдан ошган эдинг ўшанда, Отанг Нажмиддинхўжа бандаликни бажо айлади. Сен ота дийдорини эслай олмайсан, унинг иссиқ нафасига тўймай қолдинг. Во дариф! Бу ёғини қисман юқорида айтдим, қолганини ўзинг биласан. Лекин Азизахон опанг ҳақида дилимдаги гапларнинг лоақал бир учини айтмасам, ўзимни қарздор деб биламан.

Худо уни ҳусндан ҳам, ғайратдан ҳам қисмаган эди. Ишга чечан, зийрак, фаросатли, гапни ҳам ўрнига қўяди. Қишлоқ кенгашида котиба бўлиб ишларди. Эртадан-кечгача катта ҳам, кичик ҳам ўз дарди билан келарди бу ерга, ҳаммасига ўзига яраша жавоб олишарди котибадан. Кимлар одам қўймади унга ўша пайтларда.

— Онам ва укаларимнинг ҳоли не кечади, буларни оёққа турғизмагунимча турмуш қурмайман, тушунинглар, рози бўла олмайман, — унинг лўнда гапи шу бўларди.

Азизахон опа, сизнинг онага, жигарларингизга бўлган тенгсиз садоқатингиз олдида алломалар бош эгса арзийди. Яқинлари деб ўзидан, ўз бахтидан воз кечмоқ ҳар қандай бандасининг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз ёшлик йилларингизни, қайтарилмас ширин дамларингизни ўшаларга бахшида этдингиз. Бу ҳимматингиз, садоқатингиз учун яратганнинг Сизга атаган мукофоти бўлса ажаб эмас.

Дўстим, кечир мени, ҳаётнинг офир йиллари ҳақида хийла кўпроқ сўзлаб юбордим. Ҳозирги кунлар қадрига етмоқ, яқинларингни қадрламоқ учун ўтган кунларни эслаб турмоқ ўзига хос сабоқдир. Унутиб бўладими ахир у кунларни — ёруғлик ва рўшноликка интиқ кунларни.

Афтидан, ёшликдаги кўргуликларингизга худонинг раҳми келди шекилли, хонадон пешонасига қуёш нурлари мўралай бошлади, кўкрагига андек бўлса ҳам шабада тегди. Ўрта мактабни бирдан олдин-бирдан кейин деганларидек, тугатдинг. Кўз очиб юмгунча дорилфунун талабаси бўлдинг. Бу 1949 йилда юз берди. Биз сен билан худди ўша йили танишдик. Тиришқоқ эдинг. Эслайсанми, неча-неча тунларни дарс тайёрлаб бирга тонг оттирганларимизни?!

Худди ўша йиллари сенга бахт юлдузи кулиб боқди. Гойибона орзу қилганинг, пинҳона ширин хаёллар сурганинг, Маҳбуба ая тиллари билан айтганда, ақлли-хушли, тишли-тирноқли, уйим-жойим дейдиган қиз учради ҳаёт йўлингда. Бу ўша — курсдошимиз Ўғилойхон эди. Ўқишлар ҳам битди, сизлар оила ҳам қуриб олдингиз. Маҳбуба аянинг, Азизахон опанинг қувончи оламга сиғмасди.

Умр йўлдошинг касбдош бўлгани қандай яхши! Бир-бирини тушуниш учун сўзларга ҳожат йўқ. Кўз қарашларидан, киши ҳолатидан нима дейилмоқчи эканлигини билиб олишаверади. Сен бирор нарса ёзсанг, биринчи ўқувчи ва айни чоғда биринчи маслаҳатчи, баъзан эса танқидчи Ўғилойхонинг. У киши ёзсалар, сиз томоқ қириб ишга тушасиз. Хуллас, икки ёрти бир бутун деганларидек, бир-бирларингизнинг кам-кўстларингизни ўзаро тўлдириб боравердинглар. Кам бўлганингиз йўқ.

Тўлаганхўжа, эсингдами, "Тошкент ҳақиқати" газета таҳририятида иш бошладик. Кўп ўтмай, бўлим мудири бўлдинг. Йиллар ўтди. Ўғилойхон аввал "Саодат" журналида, сўнгра республика телестудиясида масъул лавозимларда хизмат қилди.

Эришилган натижадан қоникмаслик хислатинг сени Москвага — ижтимоий фанлар академиясига етаклаб келди. Шу ўтган уч йил мобайнида хонадонга Ўғилойхон бош бўлиб, рўзгорни бекаму кўст тебратиб турди. Москвадан фан номзоди илмий даражаси билан қайтиб келдинг. Сўнг ўша ўзинг таълим олган Тошкент дорилфунида домлалик қилдинг. Сенда амалий тажриба ҳам, назарий асос ҳам етарли эди.

Барча касблар ҳам яхши. Тошкент сувидан бир бор тотинган чумчуқ, ҳатто Маккатулоҳдан ҳам қайтиб келди, деган гап бор халқимизда. Бизнинг касбимизда ҳам шундай. Қаламқаш қаерда бўлмасин, ижодий муҳитни қўмсайди. Сенинг ниятларинг амалга ошди. 1977 йили "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналининг бош муҳаррири этиб тайинлашди. Эҳтимол бунда сенинг илмий даража олиш учун ёқлаган диссертациянгнинг — "Пахтачиликда илғор тажрибани ёйиш ва жорий этишда Ўзбекистон матбуотининг роли" деган мавзуси ҳам бир қадар туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. 1985 йилдан то нафақага чиққунча республикамиздаги энг кекса, етакчи газеталардан бири, ҳозирги "Ўзбекистон овози" бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилдинг.

Кизиқ. Бу ҳаёт деб аталмиш дарё суви мунча тез оқма-са. Ёшлигимизда ниҳоятда сушт туюларди унинг ҳаракати. Қачон ўқишни тугатамиз, қачон бизлар ҳам бошқалар қатори ижод аҳли сафига қўшиламиз деб энтикканларимиз ёдингдами? Қара, бирин-кетин нафақа ёшига етиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қолибмиз бугун. Ҳаммамиз қўша-қўша неваралар қуршовидамиз.

Ҳаётнинг бир нуқтасига борганда ўтган умрни ҳар ким ўзича сарҳисоб қилади. Сенинг пиллапоя йўлларингни, қисман бўлса-да, санаб ўтдим. Вақтли матбуотда кўп мақолаларинг чоп этилди. Турмуш ўртоғинг Ўғилойхон билан биргаликда ёзувчи Мария Прилежаеванинг "Медведица соҳилларида" ҳамда "Илк қадамлар" деб аталувчи икки китобини, мўғул ёзувчиси Хорлонинг "Гобилик бола" ҳикоя ва қиссалар тўпламини таржима этдингиз.

Республика матбуотини ривожлантиришдаги ҳамда матбуот ходимлари тайёрлашдаги хизматларинг муносиб тақдирланди. Кўксингни "Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонининг нишони безаб турибди. Бошқа яна тақдирномаларинг ҳам бор.

Энг катта бахтинг ҳам, тахтинг ҳам шуки, эл-юртга белни маҳкам боғлаб хизмат қилаётган қанчадан-қанча шогирдлар етиштирдинг. Хуллас, ҳаётдан шукрлар қилсак бўлади.

Тунов куни умримиз саҳифаларини биргаликда варақлаб туриб, эсингда бўлса, сўрадим:

— Ҳаётдан армонинг борми? — деб.

— Армонсиз одам бормикан ўзи? — саволимга савол билан жавоб бердинг. — Топсам эди бу дунёда бағри бутун, ясар эдим қоғоздан ўчоқ, гулдан ўтин, деб бекорга айтишмаган. Энг катта армоним — онамлар бизнинг яхши кунларимизни кам кўрдилар. Бир оз эртароқ бизни ташлаб, фоний дунё билан хайрлашдилар. Хизматларини кам қилдим. Бўйнимда қарзлари қолиб кетди. Нега шундай-а, нима қиларканки, оналар хизматларига яраша, тортган азобукубатларига яраша, чеккан заҳматларига яраша мукофотларини шу дунёда ҳам тўлароқ олсалар?! Энг катта армоним — ана шу.

Мана шу сўзларнинг ўзи менинг дўстим Тўлаганхўжа Нажмиддин ўғлининг қандай инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Энди бу ёғига қўшимча гап айтишга хожат бўлмаса керак.

ҲАМИША ТАЪЗИМДАМИЗ

50-йилларнинг бошлари. Талабалик давримиз. Орзу-хаёллар оғушида кўкка парвоз қиламиз ҳар кун. Тошкент университетининг журналистика бўлимида таҳсил олардик. Агарда насиб этиб, университетни битирсак, республикада биринчи бўлиб, журналист малакаси берилган дастлабки дипломли қаламкашлардан бўлардик. Шунга яраша барчамизнинг ҳавасимиз баланд, айти пайтда зиммага тушадиган масъулиятни ҳам ҳис этардик. Аммо ўқишнинг иккинчи йили ҳам ўтяпти-ю, ўша пайтдаги атамиз билан айтсам, журналистикадан "ж" ҳарфи ҳам ўтилмади. Кафедра, факультет раҳбарларига бу ҳақда оғиз очсак: "Сизнинг соҳангиз бўйича республикада мутахассис йўқ, биринчи қалдирғоч мутахассис сизлар бўласиз", деган жавобни айтишади.

Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Бизга ҳеч ким ўргатмаса, ўқитмаса, қандай қилиб кўрмаган, билмаган соҳанинг мутасаддиси бўламиз? Университет ректорига чиқдик. Бўлган гапларни сўзлаб бердик.

— Бизни ҳам тўғри тушунинглар, йўқни йўндириб бўладими? Қаердан топамиз ўша сиз айтаётган мутахассисларни. Айтинг, агарда ойда бўлса ҳам олиб тушамиз. Афсуски, у ерда ҳам йўқ.

Ёшларга хос қониқмаслик хислати тинчлик бермасди бизга. Ўзинг учун ўл етим, деганлари рост экан. Ҳозир отни қамчиламасак, сўнгра кеч бўлади, "аттанг" деганинг фойдаси бўлмайди.

Хуллас, ўша пайтдаги энг юқори идора — мафкура бўлимининг мудири Маҳмуд Раҳмонқуловнинг қабулига кирдик. Тоҳир Пидаев, Расул Раҳмонов ва камина.

Маҳмуд ака бизни самимий кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрагач:

— Хўш, йигитлар, хизмат? — деди.

Аввало тортингандек бўлдик, кейинчалик эса биримиз олиб, биримиз қўйиб куйинчаклик билан гапира кетдик. Факультет раҳбарларига учрашганимизни, ректор ҳузурида бўлганимизни, олган жавобларимизни — ҳамма ҳаммасини айтдик. Гапларимизни бўлмасдан, диққат билан охиригача тинглаган Маҳмуд ака:

— Ҳа-а, — деди чўзиброқ, — жумбоқ анча мушкул экан. Кўнгилни туширманглар, ажалдан бошқа ҳамма нарсанинг йўли бор. — Раҳмонқулов шундай деди-да, чама-

си жумбоқни ечиш йўллари ахтара бошлади шекилли, ўйланиб қолди. Қўлидаги папиросни кетма-кет мириқиб тортди. Бирдан кўнгли ёришгандек бўлиб бизга юзланди.

— Бундай қиламиз, укалар, сизлар Тошкентдаги энг кўзга кўринган, эл оғзига тушган ҳамда Московдаги Олий ўқув юртининг газетачилик бўлимини битириб келиб, қаерда бўлса ҳам ишлаётган кишиларнинг рўйхатини тузинглар. Масаланинг бу ёғи мана, менга тан. Соатбай қилиб, сизлар билан шуғулланишга жалб этамиз уларни.

Қайтар эканмиз, жуда катта муаммони ҳал этганлардек сезардик ўзимизни. Рўйхат тузила бошланди. Улар орасида Шароф Рашидов ҳам бор эди. Гап шундаки, бунгача Ш. Рашидов Самарқанд вилоят газетасига ҳамда "Қизил Ўзбекистон" газетасига муҳаррирлик қилиб, ўзининг яхши ташкилотчи, айна пайтда етук журналист-публицист эканлигини ҳам кўрсатган эди. Вақтни фанимат билиб, у кишига "чопар" юбордик. Аҳволимизни билгач, биз билан шуғулланишга рози бўлибди. Агарда одамларга зарур бўлса, Ш. Рашидов ҳар қачон ҳар нарсага тайёр эканлигини, калондимоғлик, беписандликдан холи инсон эканлигини сездик.

Бу гаплар факультет раҳбарларига етказилганида, уларнинг капалаги учиб кетди.

— Ўзи эсларинг жойидами ёки калла деб қовоқни кўтариб юрибсизларми? Қани айтинг-чи, қандай қилиб ўртоқ Рашидовни безовта қилишга журъат этдингиз? У киши ахир давлат бошлиғи-ку. Республика миқёсидаги катта-катта муаммоларни ечиш билан шуғулланиш ўрнига сизлар билан машғулот ўтказгани келсинларми? Ҳа, каллаварамлар, каллаварамлар... бизни роса шарманда қилибсизлар-ку. Ўша ерда ёшларга насиҳат қиладиган бирор эс-хушли раҳбар топилмабди-да, деб ўйлаган бўлсалар керак.

Хуллас, эшитадиганимизни эшитдик. Бизнингча ташаббускор бўлиш, уларнингча эса ўзбошимчалик қимматга тушди. Алламаҳалларгача қулоғимиз дакки эшитишдан тинчимамай юрди.

Лекин мақсаддан чекинмадик. Тошкентдаги ман-ман деган журналистларнинг рўйхатини тузиб, нажоткоримизга яна рўпара бўлдик.

— Кўнглингизни тўқ қилинглар, йигитлар, шу кишилар сизлар билан бирга машғулотлар олиб боришади, — деди у. — Ҳақиқий журналист бўламан деганлар худди шундай қатъиятли бўлиши керак. Сизларни кўриб, ҳава-

сим келяпти. Бундан кейин ҳам ҳаёт йўлларингизда худди шундай бўлиб қолишларингизни истар эдим, олма пиш — оғзимга туш, дейдиганлардан бўлманглар.

Бу гаплар бизни осмоннинг еттинчи қаватига кўтариб юборди. Шундай қилиб, отахон газета — "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози")нинг ўша пайтдаги етакчи ходимлари билан учрашдик. Таҳририят мафкура бўлимнинг мудири Иброҳим Раҳим (ҳозир у Халқ ёзувчиси), қишлоқ хўжалик бўлимнинг мудири Ҳабиб Нўмон, саноат бўлимнинг мудири Аъзам Мирбобоев, ўша даврнинг машҳур фельетончиси Ориф Юнуслар бизга газетачилик касбининг сир-асрорларини ўргата бошлашди.

Газетада қишлоқ хўжалик масалаларини ёритиш бўйича Ҳабиб акадан олган сабоқлар, Иброҳимжон аканинг ўтказган амалий машғулоти биз учун бамисоли янги дунё очгандек бўлди, ўша интилаётган манзилимиз яққолроқ кўрингандек туюлди. Ориф аканинг "Газетада фельетон" мавзесидаги туркум суҳбатларини энтикиб тинглаганларимиз ҳамон ёдимда. Ўша даврда бу машҳур қаламкаш билан учрашиб, суҳбатлашишнинг ўзи бир воқеа ҳисобланарди.

Шундай қилиб десангиз, касбимиз бўйича дастлабки сабоқни кўплар учун ҳақиқий дорилфунун, чин маънодаги ҳаёт мактаби, ижод мактаби бўлган отахон газетадан, унинг бағри кенг, зукко, билимдон қаламкашларидан олган эдик.

Олинган назарий билимларни мустақкамлаш ҳамда ишлаб чиқаришда тажриба орттириш учун ёзги таътил даврида бизларни турли таҳририятларга юборишди. Тақдирни қарангки, бошқа ҳамкурсларим билан мен бир ой давомида шу қутлуғ даргоҳ — "Қизил Ўзбекистон" таҳририятида бўлдим, унинг ҳар бири бир дунё бўлган ходимлари билан ҳамнафас бўлиш насиб этди. Улар таҳририятга келган хатлар устида қандай ишлаш, жумлаларни тузатиш, таҳрир этиш, муаллифларига жавоб ёзиш, навбатчи сифатида сажифалар ўқиш, газетанинг чиққан сонини "летучка"ларда таҳлил этиш — хуллас, келгуси касбимиз билан боғлиқ барча масалаларнинг икир-чикирларигача қунт билан, эринмай ўргатишди. Шу газетадаги биринчи хабарим худди ўша кезларда — 1951 йилнинг ёз ойларида чиққан эди. Қутлуғ даргоҳнинг мен учун тенги йўқ саховати сифатида ўша олтимш сатрлик, тагида менинг исми шарифим ёзилган хабарни ҳамон авайлаб сақлаб келмоқдаман.

Биз бир ой мобайнида фақат газетачилик билан боғлиқ масалаларни эмас, айна пайтда кишилар билан муомала қилиш маданиятини, касбга меҳр, зиммадаги масъулиятни ҳис этиш, мурожаат билан келганларга имкони борича ёрдам қўлини чўзиш, кўмак бериш, ҳасратидан чанг чиқаётганларнинг кўнглини кўтариш — бир сўз билан айтганда, инсонийлик сабоғини ҳам олдик.

Ҳар биримиз ишлаб чиқаришда тажриба ўрганиш қандай ўтганлиги тўғрисида ҳисобот ёзишимиз лозим эди. Унинг охирини тахминан шундай сўзлар билан якунлаган эдим: "Бир ой мобайнида таҳририятда бўлиш, унинг қайноқ қозонида қайнаш менга университетдаги икки йиллик маърузалардан кўра кўпроқ наф берди". Эҳтимол, бу сўзлар ўша ёшликдаги романтик кайфиятнинг таъсири бўлса бордир, лекин илло таги пуч эмасди.

Кўпгина ўртоқларимнинг қатор хабар ва мақолалари газетада чоп этилди. Ҳамкурсларнинг исми шарифи битилган газета чиққан куни ҳаммамиз учун бамисоли байрам бўларди. Ҳар биримиз анча улғайиб, ақлимиз тўлишиб қолгандек сезардик ўзимизни. Бу — газета ходимларининг сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бизга ўтказган сирли жозибаси эди, чамамда. Кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда улар билан учрашиб қоладиган бўлсак, биз билан худди эски қадрдонлардек сўрашишарди. Биз катта газетанинг масъул ходимимиз, булар эса шунчаки талаба деган хаёлнинг учқуни ҳам йўқ эди уларда. Ўша одамларнинг бизнинг назаримизда улуғворлиги ҳам худди ана шунда эди. Буларнинг барчаси кўнгилда қандайдир ифтихор тўйғусини уйғотар, айна пайтда эса зиммага масъулият ҳам юкларди. Бахтимни қарангки, (буни яратган Эгамнинг меҳрибончилиги деб биламан) улардан кўпчилиги билан кейинчалик ака-укадек, туғишганлардек қадрдон бўлиб кетдик. Ҳамон ўша ҳурмат, ўша садоқат, меҳр-оқибат сақланиб келмоқда. Одамийлик деб аталмиш бу муносабатлар ҳаётда замон бўронларидан, алғов-далғовларидан шараф билан ўтиб келмоқда. Саховат ва эзгулик уруғлари бераётган ҳиммат деб аталмиш мевалардан ҳамон баҳрамандмиз. Бунинг учун минг бор шукроналар айтамыз. Буларнинг барчаси шу муқаддас даргоҳда камол топган, удумга айланган, кишилар онгига, қонига сингиб кетган ўзига хос мактабнинг сабоқларидир.

ҚАЛБИМ МАЛҲАМИСИЗЛАР, ЯХШИЛАР!

"Бировга яхшилик қилсанг, қилган яхши-
лигингни яшир. Биров сенга яхшилик қилса,
эл орасига ёй".

(Донолар бисотидан.)

Аслини олганда ушбу битикларнинг қоғозга тушиши-
га ана шу юқоридаги сўзлар туртки берди. Бамисоли
кўпдан бери излаб юрганимни топгандек бўлиб, кўнглим
ёришиб кетди. Ўйладим, хотиралар бирин-кетин қуйи-
либ келаверди. Уларни қоғозга туширай десанг, поёни
йўқдек кўринади. Ҳаммасини айтиб, адоғига етиб бўлмайд-
ди. Бундай йўл тутмоқлик шарт ҳам эмас. Кўлингиздаги
тўпلامда имкон қадар сўз айтмоққа интилдим.

Таажжуб! Кўпинча одамлардаги арзимас қусурларни сез-
гирлик билан илғаймиз, узоқ вақт уларни унутмаймиз ҳам,
аммо яхши хислатлар, фазилатлар, кўрсатилган саховат
ҳаммавақт ҳам эътироф этилавермайди. Нега шундай экан?
Балки хом сут эмган банда бўлганимиз учун, балки баъзан
катта-кичик амал ақл чироғимизни хиралаштириб кўяр,
балки ўткинчи дунёга керагидан ортиқ маҳлиё бўлиб қол-
ганимиз туфайли, балки... буёғини билмадим. Гап шунда-
ки, яратган Эгам ҳар кимга ўзига яраша феъл, шунга мо-
нанд ақл-фаросат ато этади, дейишади. Ҳар ким бу омо-
нат дунёда ўзига яраша имтиҳондан ўтади...

Ўша пайтда "Қишлоқ ҳақиқати" таҳририяти эндигина
оёққа туриб, қад ростлаётганди. Бир куни тушликдан сўнг
каллани бир оз шамоллатиш мақсадида ҳозирги Амир
Темур хиёбонига чиқсам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
кўрғазмаси ташкил этилган экан. Битта яхши қовунни
олдим-да, биргаликда баҳам кўрмоқ ниятида ўша давр-
даги отахон газета (ҳозирги "Ўзбекистон овози")нинг ота-
хон қаламкаши, бош муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдго-
ров ҳузурига кирдим. Гап орасида ёш жамоага кўрсати-
лаётган ёрдам учун миннатдорчилик билдирдим.

— Савобга ўзларингни ҳам шерик қилдиларинг-ку, —
деди раҳматлик.

Айтилган гапларнинг маъносини яхши тушунмаган бўлиб
кўриндимми, ҳар ҳолда Холбек ака сўзини давом эттирди:

— Кимда-ким ўзганинг саховатини тан олиб, эслаб юрса,
ўша мурувватдан келадиган миқдорда савоб яхшилиқни
эътироф этган кишига ҳам ёзилар экан. Қадимги аждодла-

римиз китобларида шундай дейилган. Савобга ўзларингни ҳам шерик қилдиларинг, деганимнинг маъноси шундан.

Мана, орадан қанча йиллар ўтиб кетди, лекин матбуотимиз оқсоқолининг бу пурҳикмат сўзлари ҳамон ёдимда. Айтилган гапдан кузатилган мақсад кишилар яхшилигини унутмасликка даъватдир...

Бир куни ҳамкасбларим Меҳли Сафаров ва Дилмурод Қирғизбоев билан тўйдан келаётгандик.

— Мен "Қишлоқ ҳақиқати" ходимларига қойилман, — деди Дилмурод. — Эслайсизми, ўша сизни ишдан олишган даврда тўрт-беш киши бўлиб, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ бўлишиб, ҳар куни сизни кўргани боришарди, бирга тушлик қилишарди. Бу узоқ давом этди, ойлар мобайнида шундай оқибат кўрсатишди. Биз ҳаммамиз ҳайрон қолардик, нега улар ҳеч кимдан ҳайиқмай, кўркмай, юз бериши мумкин бўладиган паст-баланд гап-сўзлардан чўчимай, шундай одамгарчилик қилишади, деб. Ҳамон мен уларга тан бераман, ўша воқеани ҳаяжон билан эслайман.

Бош муҳаррирлик вазифасидан четлатишгач, "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналида хизмат қилардим. Ўша пайтда кўшни газетанинг раҳбари ўрнига ҳам янги бош муҳаррир тайинлашди. Уни жамоага тақдим этишди. Йиғилишда кўп йиллар шу жамоага меҳнати синган собиқ раҳбар ҳам иштирок этаётганди. Зулмнинг, зўравонликнинг кучидан чўчиган ходимлар собиқ бош муҳаррирга бир оғиз ҳам илиқ сўз айтишга журъат этишолмади. Фақат бугина эмас, вазифасидан четлатилган кишиларнинг уйларига одамгарчилик юзасидан кўнгил сўрагани, таскин бермоқ ниятида келганлар ҳам ҳисобга олинар, шунга қараб муомала қилинарди, муносабат ўзгарарди.

Очигини айтсам, Дилмуроднинг сўзлари юрагимдаги меҳрни товлантириб юборди. Замондошларим ҳақида ҳикоя қилиб бермоқликни дилга жо қилган эканман, нечун менга шунчалик мурувват кўрсатган укаларим, сингилларим — биргаликда ишлаган, узоқ йиллар аччиқ-чучукни бирга тотган касбдошларим, сафдошларим ҳақида сўз очмай?! Ахир мен улар олдида қарздорман-ку, елкамда кетмасин бу қарздорлик.

... Ўша 80-йилларнинг ўрталаридаги алғов-далғов давр. Москвадан келган "десантчи"лар миллатимизнинг кўзга кўринган кишиларини ўзларига ҳар қадамда ялтоқланиб, елиб-югуриб хизмат қилаётган маҳаллий югурдаклари ёрдамида "чеканка" қилаётганди. Кеча кимнидир ишдан олишиб-

ди, бугун яна қай бир кимсани қамашибди... Ҳар куни аҳвол шу. Миллат оёқ ости қилиниб, таҳқирланаётганди. Кишиларнинг қўли ишга бормай қолди, кўнгил совиган, дил вайрон, руҳ чилпарчин. Алам ўртарди куйдириб юракни, тимдаларди тинмайин, юрак синчлари гўё омонатдек туюларди.

Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Шароф Рашидовнинг барча кадрлари бузилган, порахўр, улардан тозаланиб олишимиз даркор, акс ҳолда жамиятни қайта қуриш мумкин эмас, деб айюҳаннос солдилар. Шу мақсадни амалга оширмақ ниятида ҳеч нарсадан тап тортмадилар.

Меҳр — инсон учун энг улуғ неъмат. Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин, деб бекорга айтмаганлар. Ўша пайтлардаги халққа қарши, миллатга ёт бўлган бошқарув тизими бизларни шу инсоний неъматдан бенасиб этмоққа жон-жаҳди билан интилди. Қай даражада бу шум ниятга эришди ҳам. Ўзаро муносабатларда қадрқимматнинг сезиларли йўқолиши худди ўша 80-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Бир-бирининг устидан думалоқ хатлар ёзиш дейсизми, юқоридан ваъда қилинган амал учун шогирд устозга надомат тошларини отиши дейсизми — шундай юзсизлик ва шармандагарчиликларнинг барчаси юз берди. Аслида ақли расо кишилар жирканадиган бу ишлар раҳбарият томонидан очиқдан-очиқ рағбатлантирилди.

Ҳозирги авлод эҳтимол ишонмас, балки иккиланар, мен ҳикоя қилаётган воқеаларга. Лекин ўша давр шундай эди, уни унутмайлик, унутишга ҳаққимиз йўқ, миллатимиз тарихининг энг қора кунлари сифатида тарихга абадулабад ёзилиб қолишмоғи даркор. Ҳозирги даврнинг қадрига етмоқ, мустақиллик қандайин бебаҳо, тенгсиз неъмат эканлигини англамоқ учун ўша мудҳиш даврни эслаб туриш ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

Республикамиздаги энг юқори поғоналарнинг раҳбарлари ўзи меҳр-шафқатдан бебаҳра, саховат, эзгулик нималигини билмайдиган, мурувват, андиша ва инсофдан йироқдаги нокас шахслар эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Улар беш кунлик амал курсиси деб ҳасад куроли — бўҳтонни ишга солдилар. Ташкилот ва муассасаларда, корхона ва хўжаликларда гуруҳбозликлар авж олдирилди. Оқибатда ишдан ҳам, одамлардан ҳам файз кетди, бошбошдоқлик, парокандалик, худбинлик, қўрқоқлик ва иккиюзламачилик илдииз отди. Экканларини олдилар улар. Ҳаётнинг одил ҳукми шундай бўлди.

Раҳбарликка янги келганларнинг кўпчилигини умумий савияси паст эди. Москвага худди шундайлар керак эди — "лаббай" деб турадиганлар, шахсий фикр-мулоҳазага эга бўлмаган, айтилганларни қулоқ қоқмай, кўр-кўрона бажарадиганлар.

Мана бу воқеани ҳам ҳамон ижодий зиёлиларимиз аччиқ кесатик сифатида (аслида аччиқ қисмат эди) эслаб юришади. Ўттизинчи йилларда миллий озодагимиз йўлида шахид кетган оташнафас шоиримизнинг юбилейини ўтказишга одамлар йиғилган. Юқоридан келадиган раҳбарни кутишяпти. Ниҳоят у киши келдилар. "Бошласак бўлар энди", деб сўрашди. Шунда ўша "раҳнамо" "Юбилярнинг ўзи шу ердами?" деб сўраган. Ҳамма ҳайрон, бир-бирига қараб қотиб қолган, кимдир нима дейишини билмай елка қисган. Шунда ҳалиги раҳбар ниҳоятда жиддий тусда деган:

— Мана шунақа, кадрларимизни шу даражада талтайтириб юбордикки, ҳатто ўз юбилей тантаналарига ҳам қатнашишни ўзларига лозим кўрмай қолганлар. Бу — жамоатчиликка ҳурматсизликнинг ўзгинаси. Гаплашиб қўйиш зарурга ўхшайди шундайлар билан.

Мана сизга катта бир масъул ходимнинг савияси. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қоларди киши. Эл-юрт ўртасида катта обрў-эътибор топган кўпгина кишиларнинг тақдири ана шундай нотавонларга боғлиқ бўлиб қолганди.

Юқоридаги ҳолатни атайин келтирдим. Зеро, яхшиликнинг қадрига етмоқ учун ёмонликни ҳам эсламоқ даркор. Шундай муҳитда — зулм ва зўравонлик авж олган, кадр-қиммат оёқ ости қилинган паллада яхши кишилар, эзгулик алоҳида жозибаси ила ярақлаб кўринади. Иймони мустаҳкам кишилар ҳар қандай шароитда ҳам инсонийликни унутмадилар, қалбга малҳам бўлдилар.

Тақдиримдан нолимайман. Аччиқни ҳам, чучукни ҳам татиб кўрдик. Зеро буни ҳаёт дейдилар. Атрофимда яхши одамлар бўлгани учун ҳам тақдирнинг кутилмаган зарбаларини нисбатан енгил ўтказгандирман. Ноҳақликларга, таҳқирлашларга дош бера олмаган не-не алломалар, ноёб истеъдод эгаларига ўзлари учун табиат ато этган умрларини тўла кўриш насиб этмади.

Ўша даврда тоши енгил, фикри тор, бурнининг остидан нарини кўра олмайдиган ночор, ўзгалар ютуғидан жазавага тушадиган, ҳасадчи, кўнгли қора, қандай бўлмасин амалга интиладиган шухратпарастлар пўпанакдек қалқиб юзага чиқдилар. Нотавон раҳбарлар бундан буёнги

режаларини шуларни ҳисобга олган ҳолда туздилар, сунччиқлари, маслаҳатгўйлари, ишонган тоғлари шулар бўлди. Ёз-ёзни авж олдирдилар, бу нопок ишни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Бундан аниқ мақсад кўзланганди: кишилар жамоада қанчалик ўзлари билан ўзлари овора бўлсалар ўша пайтда кун сайин путури кетаётган сиёсатни шунчалик унутган бўладилар. Жаҳолат отига минганларга ақл бегона бўлур, деганлари рост экан.

Бир нарсани айтмасам, адолатга зид иш тутган бўламан. Ўша даврда, яъни 80-йилларда юқори идораларда ишлаётган кишиларнинг ҳаммасини диёнатсизликда айблаш ҳақиқатга зид бўлур эди. Ҳар қандай шароитда ҳам инсонийликни унутмаганлар кам эмас эди. Куйида ҳикоя қилмоқчи бўлганларим шулар ҳақида. Буни ҳам зиммамдаги қарз, деб билурман.

Бирор кимсанинг ҳаммага бир хилда маъқул тушиши амалий жиҳатдангина эмас, балки назарий жиҳатдан ҳам, назаримда, мутлоқ мумкин эмас. Раҳбар бўлганингдан кейин биров рози, иккинчи бир кимса эса нимадандир норози. Буни табиий бир ҳол деб биламан. Ахир кимгадир танбеҳ берилади, кимдандир талаб қилинади. Бу — баъзи кимсаларга ёқмайди, баъзан қаттиқ ботиши мумкин. Қарийб ўн йил вилоят газетасига, сўнгра олти йил республика газетасига бош муҳаррирлик қилаётган эдим. Балки тутаётган ишимнинг айрим ходимларга ёқмаган томонлари ҳам бўлган бўлиши мумкин. Лекин ҳеч бир кимса ўша пайтгача юқори доираларга устимдан норози бўлиб бормаганди, шикоят хати ёзмаганди ҳам. Биринчи маротаба ариза 1980 йилда тушди. Яна қаерга денг — КПСС Марказий назорат комиссиясига. У ердан шикоятни республика Марказқўмига юборишибди. Чақирибди. Ўқиб кўрсам майлими, деган саволимга:

— Кўнглингизга келмасин-у, таништира олмаймиз, — деди мафкура бўлимининг ўша пайтдаги мудир Эргаш Ғофуржонов. — Сабаби: дилингизни яра қилиб қўйиши мумкин, аввал обдан текширайлик, сўнг натижасига қараб иш тутамиз. Ёзилган даъволарнинг нимаси тўғри, нимаси нотўғри — бу сиз билан бизга қоронғу. Шуни билингки, баъзан бундай хатларнинг муаллифлари унда келтирилган даъволарнинг тасдиқланмаслигини олдиндан биладилар, лекин бир жиҳати шак-шубҳасиз — ақалли жиндек бўлса ҳам доғ қолдириш, юракка зарба бериш, кайфиятни бузиш, туҳмат оғусининг таъсирини ўтказиш, ҳаловатни йўқо-

тиш. Билингки, ҳасадгўй бор гапни эмас, ёмонлик келтирадиган нарсаларни ёзади. Улар ниҳоятда шафқатсиздирлар, бахтли, иши юришган омадли кишиларни кўргани кўзлари йўқ. Қурт меванинг сарасини ишдан чиқарганидек, бўҳтончи ҳам яхши кишиларимизга ёпишади.

Қанчалар самимийлик бор эди бу сўзларда. Инсон қадрини ўрнига қўйиш, уни ноҳақ таҳқирлашдан асраш сезиларди бу сўзларда.

Мен бу воқеани ҳамма замонларда ҳам холис ниятли кишилар бўлган, деган ниятда қоғозга туширяпман.

— Яхши, — дедим мен. — Раҳбар бўлиб ишлаётганимга кўп йиллар бўлди. Атрофлича кўришсин, мен ҳам ўзимни чиғириққа солиб олай, ўзим сезмаган, аҳамият бермаган ҳолатларни, хато ва камчиликларни билиб олай. Бундан кейинги ишларимда ҳисобга оларман уларни.

Хуллас, текширишни Марказқўм ташкилий бўлимининг сектор мудири А. Т. Савченкога топширишди.

— Ишни нимадан бошлаймиз, қандай ташкил этамиз, — сўради у.

— Буни мендан сўрама, қай усулда текшириш олиб бориш ихтиёри сенда, фақат холис бўл, бошқасининг аҳамияти йўқ. Истасанг, бир хона ажратиб берайлик, истасанг, керакли одамларни ўзингга чақириб, ишни бошлайвер.

Шу десангиз, текшириш чамаси бир ярим ой давом этди. Лозим топишган ходимларни чақиривар, гаплашишар, тушунтириш хатлари олишарди. Мен унинг олдига бориб келганлардан нима дейишди, нималарни сўрашди, деб бирор марта ҳам қизиқмадим. Негадир кўнглим хотиржам эди ўша кунларда. Одамлар билан бўлган муносабатларимни, кимлар жазолангани-ю, кимлар рағбатлантирилгани, кейинги йиллар мобайнида кимлар ишга қабул қилинди-ю, кимлар бўшатишди, уларнинг сабаблари — хуллас, ҳамма-ҳаммасини бирма-бир хаёлимдан кечириб чиқдим. Назаримда барчаси рисоладагидек, масалалар ҳайъат аъзолари, партия бюроси, маҳаллий комитет билан келишиб, бамаслаҳат ҳал этилган. Тағин ким билади, дейсиз, ҳар ҳолда бошқалар қатори мен ҳам осий бандаман.

Шикоятнинг текшириш якуни билан уни Москвага юборишларидан олдин таништиришди. Жавоб бир неча варақдан иборат эди. Унинг ҳар бир бети ўқиб бўлингач, менинг ўша ердаги хулосаларга розилигимни олиб, қўл қўйишди. Моддама-модда саналган эътирозлардан бирортаси ҳам ўз тасдиғини топмаганди. Ҳар бир ташкилотда

бўладиган ва бизда ҳам тасдиғини топган майда-чуйда камчиликлар санаб ўтилганди.

— Нима дейсиз, ушбу текшириш якунини жамоанинг мажлисига қўйсак, ходимлар хабардор бўлса, — маслаҳат сўрадим.

— Бунга арзимайди. Раҳбарнинг обрў-эътиборини сақлаш биз учун муҳим, — деган жавоб олдим.

— Аввал ҳам сизга нисбатан ҳурматим баланд эди, — деди орадан анча вақт ўтгач, шикоят хатини текширган А. Т. Савченко. — Лекин бир ярим ой мобайнида ишингиз билан танишиб, эҳтиромим янада ошди...

Мен ишдан кетганимдан сўнг, бир йилдан кўпроқ вақт ўтди, чамаси. Бир куни марказқўмга бордим. Ишимни битказиб, қайтаётгандим, йўлакда ўша пайтда матбуот сектори мудирини бўлиб ишлаётган Аҳмаджон Мелибоевни учратиб қолдим. У қўймасдан хонасига таклиф қилди. Бир пиёла чой баҳонаси анча-мунча суҳбатлашиб ўтирдик. Менинг масалам қўрилган пайтда у тарғибот бўлимида матбуот ишлари бўйича йўриқчи эди. Гап орасида менинг ҳақимдаги қарорга Москвадан телефон қилишиб, жиддий эътирозлар билдирилганлигини айтди. У самимий гаплар билан кўнглимни кўтарган бўлди. Гарчи, менинг масаламга унинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бўлсада, ҳар ҳолда диёнатли одамларга хос бўлган хижолатда эди. Афтидан, виждони безовта қилган унинг.

Талабалик йилларимдан қадрдон дўстим бўлиб келган Расул Раҳмонов ҳол-аҳвол сўрагани уйга келиб қолди. У менинг ҳақимдаги ҳужжатларни тайёрлаган ўша пайтдаги марказқўм тарғибот бўлимининг мудирини учратиб қолгани, гап орасида мени эслаганликларини айтди. Ўша одам унга, дунёга келиб, анча-мунча гуноҳ иш қилганлигини, шулар орасида менга нисбатан тутган йўлини ҳам қоралабди. Кейинчалик у билан телефонда гаплашишга тўғри келди. У эзилиб, кечирим сўради, ўша пайтда амал уни довдиратиб қўйганлигини, адолат юзасидан иш кўролмаганлигини ачиниш билан айтди. Шунисига ҳам шукр.

Баъзан мен яхши билмайдиган қанчадан-қанча хокисор одамлар тақдирим тўғрисида қайғуришибди. Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилотида бўлиб ўтган бир йиғилишда менинг ҳақимда гап-сўз бўлибди. "Мухбир" (ҳозирги "Ўзбекистон матбуоти") журналида босилган ўша йиғилиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидагиларни ўқиб, жаҳо-

латпарастлар, ҳар нарсадан душманлик қидириб, ҳар нарсага душман кўзи билан қарайдиганлар, бир қолипда фикрлайдиган кимсалар адолатни, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни, қадр-қимматни йўқотишга эриша олмаганликларига иймон келтирдим.

"Ўзбекистон журналистлари уюшмаси, унинг бошқаруви айтарли бирор ҳуқуқий мақомга эга эмас, — деб таъкидлабди Ўзбекистон телевидениесининг ходими А. Тожиев. — Агар уюшма лоақал бир аъзосини ҳимоя қилишга қурби етганидами, кўпгина иқтидорли журналистлар, тажрибали муҳаррирларни ҳимоя қила олган бўлур эди. Таҳририят ишларида, айниқса газетачиликда хатолар ўтиб кетишини қайси журналист билмайди?.. Жўнгина хатолик учун неча йиллардан бери муҳаррирлик қилиб келаётганларни "бир чертиш"да ишдан олиб ташлаш ҳоллари ҳам бўлди. Хўш, бундай адолатсизликка қарши уюшма раҳбарияти лом-мим дедими? Афсуски, бунга ожизлик қилди".

— "Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг собиқ муҳаррири И. Сулаймоновга нисбатан қўлланган жазо ўша даврда ҳам кўпчилик журналистларни дарғазаб қилган, уларда норозилик кайфиятини уйғотган, — дебди мазкур йиғилишда журналист Ҳ. Содиқов А. Тожиевнинг фикрларини маъқуллаб.

Ўқувчи тўғри тушунсин, ушбу мисолларни келтиришдан мақсад, ўзимни кўкка кўтариш эмас, балки ўша пайтдаги раҳбарият билан омма ўртасида пайдо бўлган жарликни кўрсатиш, уларга нисбатан кишиларнинг эътиқоди ва ишончи йўқолиб бораётганлиги сабабларини тадқиқ этишдир, холос...

"Сельская правда"даги бир ходимамиз тўрт-беш кун ишга келмай қолди. Сабабини ҳеч ким билмайди, телефон қилиб, ўзи ҳам бир оғиз айтиб қўймаган. Ишга чиққач, сабабини сўрашган экан, тобим қочиб қолди, депти. Ҳа, энди иссиқ жон-да, деганларидек, шундай бўлса бордир, деб қўяқолдим. Лекин эртаси куни ходимлардан бири у касал эмасди, бизга келтирган далолатномаси ҳам қалбаки — яшаш жойидан эмас, балки бутунлай бошқа тумандаги поликлиникадан олинганлигини айтди.

Албатта, гап кўннингдир бир неча кун жамоада бўлмаслиги билан осмон узилиб, ерга тушмайди, лекин барчани лақиллатиши — кечириб бўлмас ҳол. Аввал

масалани ўрганишни илтимос қилдим. Ўша поликлиникага боришса, бемор қабулга келганлар рўйхатидан ўтмаган, ҳеч қаерда қайд этилмаган. Ўша далолатномани берган дўхтир "яқин танишларим кўярда-қўйишмади, илтимосларини қайтаришга ожизлик қилдим", деб бор гапни айтиб берибди.

Кўриниб турибдики, қўл силтаб, кўз юмиб кетадиган масала эмас. Таҳрир ҳайъати ва маҳаллий комитетнинг қўшма мажлисида ушбу масалани муҳокама қилдик. Сўзга чиққанларнинг барчаси жамоани лақиллатадиган бундай кишини вазифасида қолдириш мумкин эмаслигини таъкидлашди.

Ишдан бўшатиш ҳақидаги қарор бир оғиздан қабул қилинди. Шу асосда маъмуриятнинг буйруғи чиқарилди.

Орадан икки кун ўтгач, Марказқўмнинг матбуот сектори мудирини Р. Саманов телефон қилиб, Марказқўм котибаси ўша, биз бўшатган ходимани шу бутуноқ ишга тиклашни қатъий равишда талаб қилаётганлигини айтди. Мен унга жамоа фикрини айтмоқчи бўлиб гап бошлаган эдим, у: "Мен кўрсатмани ижроцига етказдим, бошқасини билмайман, ҳеч нарса қила олмайман ҳам", деди.

Таажжуб, бир киши бирор кимсаннинг устидан кимгадир шикоят қилиб борар экан, тўхтамга келишдан аввал иккинчи томоннинг ҳам фикрини эшитиш лозимлиги икки карра икки — тўртдек равшан-ку. Адолат тарозисига ҳар икки томоннинг даъволари қўйилмоғи даркор. Ҳамиша шундай йўл тутилган, нега энди, ҳозир бошқача бўлиб қолди? Маслаҳатлашгани Марказқўмнинг масъул ходимлари билан учрашгандим, уларнинг жавоби шундай бўлди: тўғриси айтсак, нима қиласиз ўзингизга қўшимча бош оғриғи орттириб, ўша ходима ишлади нима-ю, ишламади нима, хўп денг-да, кўрсатмани бажараверинг, тинчроқ бўласиз.

Ана холос! Шундай мушкул кунларда дилни мунаввар айлагувчи адолат чироғи, қайдасан! Даъволар мисқолларигача ўлчаниб, сарағи сарак, пучағи пучак қилинадиган, фақат адолат юзасидан иш юритилиши лозим бўлган жойлардагиларнинг фикри шу бўлса, бизга ўхшаганларки шу ҳолга тушса, бошқа шўринг қурғурларнинг аҳволи не кечди? Яширмайман, шунча йиллар ишлаб, ҳозиргидек ўзимни ночор, нотавон сезмагандим. Нечун уларнинг қалбини кўр, ақлини фўр қилиб қўйди экан, Яратган эгам, қайси гуноҳлари учун?!

Таҳрир ҳайъатини йиғиб, бор гапни тўкиб солдим. Биров газабланди, биров ҳайратдан ёқа ушлади. Бу энди бир менга эмас, балки бутун газета жамоасига берилган зарба эди. Кечагина қатъий оҳангда, тўла ишонч билан айтилган гаплардан бугун воз кечишимиз, субутсизлик қилиб, юзимиз шувит бўлиши керак. Хуллас, зўрлик қилинди, мажбур этишди, адолат топталди, жиҳолат тантана қилди. Аянчлисиди шундаки, раҳбариятни биз тушунмай қолдик, раҳбарият эса бизни?!

Хуллас, мени вазифамдан четлатишди. Ш. Рашидов кадрларининг ҳаммаси ярамас, барчасини янгилаш керак, деган ноҳақ йўл изчиллик билан амалга ошириляётганди. Таҳририятга келсам, ходимлар бу хабардан аллақачон воқиф бўлишган экан. Йўлақда турган қизларининг кўзларида ёш. Улар келиб бўйнимга осилишди.

— Бу қандай адолатсизлик, биз Москвага бу ҳақда ёзмоқчимиз, — дейишди.

— Кераги йўқ, аслини олганда ҳаммаси бир гўр, фойдаси бўлмайди, мен учун бунчалик қайғурганликларингиз учун раҳмат, — дедим.

Жамоани тўпладик. Бўлган воқеани гапириб бердим.

— Қарийб ўн икки йил сизлар билан бирга бўлдим, — дедим. — Бу йиллар ҳаётимнинг энг ардоқли даври бўлиб қолади. Беистисно ҳаммангиз садоқат билан хизмат қилдингиз. Неки обрў-эътибор топган бўлсам, сизларнинг меҳнатингиз туфайли. Шу меҳнатларингизга рози бўлинглар. Иш юзасидан ноўрин, асоссиз қаттиқ-қуруқ гапирган бўлсам, икки кўлимни кўксимга қўйган ҳолда, бошимни эгиб, узр сўрайман...

Эртасига мени яна ўша юқорига таклиф этишди. Бордим. Котибанинг ўзи қабул қилди.

— Кечирасиз, шундай бўлиб қолди, — деди у менга юзланиб. — Илло, сизни шундай ташлаб қўймаймиз, катта тажрибангиз бор, ундан фойдаланиш ниятидамиз. Ҳозир телевидениеда сиёсий-иқтисод бош таҳририятини тузаямиз. Тахминан унда 73 ходим бўлади. Ўшанга Сизни бош муҳаррирликка тавсия этсак деган ниятдамиз.

Ўйланиб қолдим. Яна ғалва устига ғалва. Юрак зириллаб қолган, ўринсиз, беўхшов кўрсатмалардан тўйиб кетганман. Бунинг устига шулардан йироқроқ бўлишни қўмсайди қалбим. Тўсатдан рад жавобни берсам одобдан бўлмайди. Шу боис дедим:

— Агар, мумкин бўлса, икки кун муҳлат берсангиз, ўйлаб кўрсам.

— Келишдик, — деди у.

Уйга келгач, ҳамма томонларни торозига солиб кўрдим. Телевидениеда ишлайдиган танишларимни чақириб, суҳбатлашдим. Уларни айтганлари шундай бўлди:

— Сизнинг бизга боришингиз жуда яхши, лекин у ердаги аҳвол ўта мушкул. Ҳар куни чақиривади, паст-баланд гаплар бўлади. Сиз учун энг оғири — баъзи ходимларда таъмагирлик иллатлари бор.

Кейинги сўзларни эшитгач, бу масалада қўлни ювиб, қўлтиққа урдим.

Яна ўша жойга бориб, котибага учрашдим. Ҳар нарсага дош беришим мумкин-у, илло нопоклик бор ерга бора олмаслигимни айтдим.

— Ўша ҳолатлардан хабардормиз, сиз уларга чек қўясиз, деган умид бор бизда.

— Раҳбарлик лавозимларидан чарчадим. Менга оддий бир иш берсангизлар, ёшим ҳам, қурбим ҳам эндиликда тортишувларга дош бера олмайди.

Гап шу билан тугади. Унинг сўзини икки қилганим учун яна машмаша бошланди. Менга иш йўқ. Ўн беш кун ўтди — жим, йигирма кун ўтди — яна жимлик. У пайтларда марказқўм ишдан четлатган кимсани бирор раҳбар ишга олишга чўчирди. Шу сабабли, менинг масалам осийлик ҳолатда тураверди. Орадан бир ярим ой ўтгач, "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнаlining илмий муҳаррирлик лавозимига ишга олишди. Иш ҳажми кам эди. Газетадек беҳаловат жойдан сўнг бу ер мен учун асабларни жойига келтириш, юракка етказилган зарбалар жароҳатларини бир оз бўлса-да даволаш учун айни муддао бўлди.

"Қишлоқ ҳақиқати"даги ўғил-қизларим, шогирдларим ҳамма йўллар билан кўнглимни кўтариш куйида бўлишди. Юқорида Дилмуроднинг сўзларини келтирдим. Дарҳақиқат, ҳар куни тушликда уч-тўрт киши, баъзида эса ундан ҳам кўпроқ бўлишиб, мени олиб, нашриётнинг ҳовлисидаги ошхонага боришарди. Тўрга ўтказиб қўйишарди, бири кабоб, иккинчиси палов, яна бири тандир сомса олиб келишар, биргаликда ҳангомалашиб тамадди қилардик. Ҳақиқатдан ҳам бу ҳолга гувоҳ бўлганлар ҳайратланиб қарашарди...

Яна бир гап бор, уни айтмасам сира бўлмас. Мени ишдан олишгач, қарийб уч ой ўтиб бораяпти-ю, ҳамон

янги бош муҳаррирдан дарак йўқ. Бундан беш-олти ой аввалроқ бир йиғилишда бизнинг газетага тил тегизиб ўтишди. Худди ўша маърузачи Самарқанд вилояти газетаси ишини мақтади. Ўшандаёқ мени вазифамдан четлатишади, ўрнимга шу мақташган газета раҳбарини олиб келишади, деган ўй кўнглимга келганди. Бир куни телефон жириглаб қолди. Гўшакни кўтарсам:

— Мен Аҳмаджон Мухторовман, — деган сўзни эшитдим. — Қандай қилай, қочиб юрсам ҳам бўлмади, мана ҳозиргина олиб келишиб, жамоага қўйиб кетишди. Ён-веримда ўзингизнинг мовунларингиз, шогирдларингиз турибди, сўзларимни эшитишяпти. Гап шундай: ўзингиз келиб, ёруғ юз, очиқ кўнгил билан фотиҳа берсангиз, шундан сўнггина сизни жойингизга ўтирсам.

Хурсандчилик билан рози бўлдим. Шунчалик одамгарчилик қилибди, бунга фақат раҳмат демоқ даркор. Индамай, ўтириб ишлаб кетаверса, мен нима ҳам дердим. Диёнатли одам экан, салом-алик қилиб юрганимизнинг юз-хотирасини қилибди. Отасига раҳмат!

Таҳририятга бордим. Барча ходимлар йиғилган.

— Аҳмаджон — менга бир укадек инсон, яхши қалам-каш, сизлар билан тил топишиб кетади, илтимос қилман ҳурматини жойига қўйинглар, ахир у бу ерга ариза бериб келмаган-ку, — дедим.

Айни пайтда Аҳмаджон, сиздан ҳам ўтинчларим бор. Бу ерда ҳозир бўлганлар шу газетанинг тамал тошини, мен билан биргаликда қулоғига азон айтиб, номини қўйганлар. Уларни асоссиз ранжитманг, баъзи кишиларга ўхшаб, мен янги супургиман, деган ниятда ўринли-ўринсиз сабаблар билан кишиларни ишдан бўшатиб, ўзингизга яқин кимсаларни олиб келманг.

Аҳмаджоннинг бу узоқни кўриб тутган йўли барча-барчага маъқул тушди. Икки-уч йил тер тўкиб орттириши мумкин бўлган меҳр ва обрўни донолик билан бир куннинг ўзида топди, жамоада самимийлик уйғотди...

Бир куни электр чойгум, чойнак-пиёла, ликопча кўтариб келиб қолишди ўша ўғил-қизларим. Ҳар сафар чой қайнатиб ичганингизда бизни эслаб тулинг, деган ниятда олиб келдик, дейишди. Ўша буюмлар ҳамон хонамда...

Ходимамиз Манфаатхоннинг ўғли олий ўқув юртига ўқишга кирган экан. Хурсандчилигидан таҳририятдан беш-олти кишини уйга чақириб, зиёфат берадиган бўлибди. Боришган. Меҳмонхонага кириб ўтиришгач, Аҳмаджон

Мухторов: "Исмоил ака ҳам таклиф этилганми", деб сўрабди. Мезбонлар нима дейишларини билмай, хижолатда туришганда, у Суннат Сайдалиевдан ҳозироқ машинада бориб, у кишини қаерда бўлса ҳам топиб келинг, деб илтимос қилибди. Борсам, ўнг ёнида менга жой олиб ўтирган экан. Фотиҳа ўқилгач, Асомиддин ака (Алп Жамол — Манфаатхоннинг оталари) ҳайратдан кўзларини пирпиратиб мен билан Аҳмаджонга қараганча қотиб қолдилар. Бундай воқеани энди кўришим, аввалги раҳбарнинг ўрнига келган кишининг бу қадар ҳурмат кўрсатишига, иккисининг ҳам иноқ бўлишига энди гувоҳ бўлишим, деб кўп бор таъкидлаб гапирдилар. Ижодкор эмасми, ҳаяжонланди, омон бўлсам шу мавзуда бир ҳикоя ёзаман, деб ният қилди...

Суннатилланинг оталари табаррук ёшга етибдилар. Мени ҳам олиб боришди. Яхши ўтирдик. Кетиш олдидан Суннатилла чопон олиб чиқиб, Аҳмаджоннинг елкасига ташламоқчи бўлди. Шунда А. Мухторов: "Сизларнинг биринчи муҳаррирингиз, устозингиз бу киши, — деб мени кўрсатди, — шу кишига кийдирсак, тўғри иш қилган бўламиз", — деди ва тўнни олиб, ўз кўли билан менга кийдирди...

Бир куни ишдан келсам, ҳовлига сувлар сепилиб, ўртага олти-саккиз кишига жой қилиб қўйишибди. Ҳайрон бўлдим.

Кейин билсам, Тоҳир Мирҳодиев уйга телефон қилиб, хотинимга айтибди: биз борамиз, лекин шарти бор: фақат ярим косадан шўрва қилиб қўйсангиз бўлди. Бошқа нарсага уринманг, депти. Нима сабабдан, деб сўрасам, бугун туғилган кунингиз-ку, деди, чамаси кўнглингизни кўтариб кетишмоқчи.

Хуллас, бир пайт кириб келишди, стол устига оқидан ҳам, қизилидан ҳам қўйишди. "Зарафшон" ресторанига ўша пайтда кишилар оғзига тушган таомдан икки хилини тайёрлатиб, термосда кўтариб келишибди. Бир оздан сўнг Зиёд ака Есенбоев ҳам келди. Яхшимни ошириб, ёмонимни яшириб гаплар айтишди...

Соғиниб қолардим уларни кўрмасам. Қандай қилиб соғинмай менга бу каби илтифот кўрсатаётган кишиларни. Бир куни бордим. Шундай бош муҳаррир эшигини очиб қарасам, йиғилиш ўтказишаётган экан. Ичкарига кирмадим, ўша турган жойимда: яхши бўлди, ҳаммангизни бир варакайига кўрдим, омон бўлинглар, ишингизни давом эттираверинглар, деб эшикни ёпиб, энди кетмоқчи бўлсам, Неймат Ёқубов (эндиликда газетага у бош муҳаррир эди) чиқиб қўярда-қўймай олиб кириб кетди ва ўз

ўрнига ўтказиб, сиз биз учун ҳозир ҳам муҳаррирсиз, йи-гилишни бошқараверинг, деди...

Айтаверсам, уларнинг менга кўрсатган меҳр-оқибат-лари ҳақида ҳикоя қиладиган бўлсам — катта дoston бўлгу-сидир. Неча йиллар мобайнида жамоага қиш учун кар-тошка, пиёз олиб келишганда, менга ҳам олишиб, уйга келтириб беришарди. Хижолат чекардим бу ишлардан. Дуо қилардим: худойим касбингизга ривож, умрингизга барака берсин, деб.

Кейинчалик "Ўзбекистон овози" газета таҳририятида хиз-мат қилганимда касбдош укаларим, сингилларимдан ҳам худди шундай мурувват кўрдим. Айниқса "Халқ сўзи" жа-моасидан, унинг раҳбарларидан бўйнимдаги қарз кўп, жуда кўп. Баъзан ўйланиб қоламан, яхши одамлардан кўрган са-ховатнинг ақалли озгина қисмини узишга қурбим, умрим етармикан, деб. Кейин ўзимга тасалли бераман: мендан қайт-маса, яратган эгамдан, бола-чақаларидан қайтсин, деб.

Баъзан ҳозирги пайтда кишилар орасидаги оқибат йўқолиб кетяпти, деган сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Бундай деманг, яхши кишилар, ҳақиқий инсонлар ҳами-ша бўлган, улар бор, шу дунё, шу турмуш, эҳтимол, ўша-лар туфайли барҳаётдир.

Бир куни ЎзТАГнинг (ҳозирги ЎЗА) ўша пайтдаги ди-ректори Наим Ғоипов йўқлаб қолди. Бордим. У менга фотоахборот бош таҳририятининг бош муҳаррирлиги ла-возимини таклиф қилди.

— Қандай бўларкин, фотоаппаратдан, кимёвий дори-ворлардан умуман беҳабарман, — дедим.

— У ерда ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган, ўз билимдонлари бор. Фақат муҳит ёмон, кишилар бошини қовуштириш асосий масала.

Рози бўлдим. Ходимларнинг кўпчилигини аввалдан билардим. Тезда тил топишиб кетдик. Бир-икки йил ичида бир-биримизга меҳр ҳам қўйдик. Улар мен учун энг яқин-ларим бўлиб қолишди. Бир воқеани айтмасам бўлмас.

Хотиним қаттиқ бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қол-ди. Йигирма кунча даволанди. Лекин нафи бўлмади. Бош-қа шифохонага кўчирдик. Аҳволи оғирлашиб бораётган-ди. Ҳар куни қизларим билан бориб хабар оламиз. Бир куни фарзандларимдан бири менинг ҳузуримга келаёт-ганда йўлакда ходимларимиз онасининг ҳолини сўраш-ган. У бугун консилиум бўлганлиги, умид 10 фоиз атро-

фида деб айтишганини сўзлаб туриб йиғлаб юборган. Ўша куни кечга яқин уч-тўрт ходима ҳузуримга киришди.

— Биламиз, қизларингизнинг ёш болалари бор, уларни ташлаб онасининг тепасида тура олмайдилар. Биз ўзаро маслаҳатлашдик, болаларимиз аллақачон биздан бўлак бўлиб чиқиб кетишган, уйда бизни тергайдиган ҳеч ким йўқ, ўзимизга ўзимиз хўжайинмиз. Шундай қарорга келдик: ҳар куни бизлардан бир киши хотинингиз ёнига боради, навбатчилик қилишади, эрталабгача унга қарайди. Сиз хотиржам хизматингизни қилаверинг.

Яширмайман, дабдурустдан нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Бундай ҳимматни фақат ва фақат энг яқин кишилардан кутиш мумкин. Уларга қарайман, кўзларидан меҳр нури ёғилиб турибди. Ҳаяжонимни боса олмайдим, ўрнимдан туриб ҳар бирини бағримга босдим. Бехтиёр кўзларим ёшланди.

1990 йилнинг май ойида 60 ёшга тўлдим. Мени нафақага чиқаришларини сўраб, ариза бердим. Қизларим ош дамлаб қозони билан ишхонага олиб келишди, қолган майда-чуйда ишларнинг бари-барини жамоа аъзолари бажаришди.

Орадан бир, икки ой ўтди ҳамки, берган аризамга қўл қўйилмади. Учрашиб, сабабини сўрасам, ишлайвермайсизми, уйда нима ҳам қиласиз, деб жавоб беришди. Хуллас, тортиша-тортиша сентябрнинг охирларида жавоб тегди. Ҳурматимни жойига қўйишиб кузатишди.

Нафақа дафтарчаси чўнтакда, ўзим уйдаман. Қандай яхши: ҳеч қаерга шошмайсан, ўзингга ўзинг хўжайин, ҳеч бир зот сени чақириб, уни қилгин, буни қилгин демайди. Хотиржам ва сокин кунлар. Лекин уч-тўрт кун шундай бўлди. Кейин нимадир етишмаётганлиги сезила бошлади. Майли, бир-икки ой ўтсин, кейин бир гап бўлар, деган қарорга келдим.

Бир куни ўша пайтда "Ўзбекистон овози" газетасининг бош муҳаррири бўлиб хизмат қилаётган дўстим Расул Раҳмонов йўқлаб келди. Салом-алиқдан сўнг, бирдан:

— Дам олиб бўлдингизми? — деб сўради.

— Бугун ўн кун бўлди, — деб жавоб бердим.

— Бўлади, шунинг ўзи етарли, қани отланинг, кетдик, — деди.

Ҳеч нарсадан хабарим бўлмаганлиги учун ҳайронман.

Таҳририятга келгач, истаган бўлимингизни таъланг, дейишди. Аввалги куч-қувват йўқлигини айтдим, менга кичикроқ бир иш берсаларингиз бўлади, дедим. Жавоб шун-

дай бўлди: бизга кучингиз эмас, тажрибангиз керак. Бундай қилсак, 13 та вилоят мухбирлари бор. Шуларга оқсоқоллик қиласиз. Алоҳида хона, телефон берамиз, ўшаларга биздан, бўлимлардан бўладиган топшириқларни етказиб, ижросини назорат қилиб борасиз. Навбатчи бўлмайсиз.

Шундай қилиб десангиз, вилоят мухбирлар шўъбасини беришди. Аста-секин ёза бошладим. Ўша саксон бешинчи йилдан то тўқсон биринчи йилгача — орадан ўтган олти йил мобайнида олти қаторли хабар ҳам ёзмаган эдим. Қизиқ, шундай эмасми? Касбим журналист бўлса-ю, мен эса айни ақлу ҳуш тўлишиб, камолга етган даврда ўз касбимдан четлашсам. Журналист — аввало сиёсатга боғлиқ касб. Ҳар бир мақола у ёқда турсин, ҳар бир хабарда ҳам ўша даврда ўтказилаётган сиёсат маъқулланиши шарт. Шундай эди ўшанда. Миллат оёқ ости қилинаётганлигини, халққа қарши олиб борилаётган сиёсатни, лўнда қилиб айтганда, лўттибозликни қандай қилиб ёқлаб ёзишим мумкин эди. Қишлоқ хўжалик журналида, кейинчалик фотоахборот таҳририятида ишлаш учун розилик берганлигимдан асосий мақсад ҳам шу эди. Ҳар қандай йўл билан фаол журналистик фаолиятдан четлашиш. Вақтни ўтказиш. Тўқсонинчи йилнинг охири ва тўқсон биринчи йилларнинг бошларида истиқлол шабадалари сезилиб қолди. Москванинг сўзи ўтмай қолаётган эди, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик учун қатъий ҳаракат шундоққина кўзга ташлана бошлади. Кўнгил қаърига чўккан умид учкунлари аста аланга олабошлади, истиқлол ҳақидаги орзу уруғлари ниш уриб, палак ёза бошлади.

Одамнинг тафтини одам олади, деганлари ҳаққи рост экан. Иждоқ сифатида қайта тирила бошладим. Тўқсон биринчи йилнинг январидан олти йиллик танаффусдан сўнг "Оврупонинг Амир Темурга миннатдорчилиги" сарлавҳали мақола ёздим. Буни қарангки, уни чоп этишга иккиланишди. Бу ўша қўрқувнинг, мутеликнинг, ҳадиксирашнинг оқибати эди. Шундан сўнг ёшлар газетаси — "Туркистон"га бердим. Уч кун ўтгач, мақоламни газетада ўқидим. Унда Амир Темур Оврупонинг халоскори эканлиги, шу сабабли Фарбда бобомизнинг хотираси бениҳоя юксак қадрланиши очиб берилганди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир неча кун телефон тинимсиз жиринглаб турди. Мен танийдиган, кўпларини эътиборини бермайдиган одамлар миннатдорчилик билдирарди.

Шундай қилиб десангиз, ижод нашъаси, ундан хузур қилиш ҳиссиёти шууримда, онгимда, бутун борлигимда қайта жонлана бошланди. Ижодкор сифатида қайта туғилдим.

1991 йилнинг 31 августини бир мен эмас, барчамиз ҳозир ҳам ҳаяжонсиз эслай олмаймиз. Республика Олий Кенгаши Ўзбекистонни тантанали равишда Мустақил деб эълон қилди. Энди ишламаслик, ҳар биримиз қўлимиздан келган ишни қилмаслик кечирилмас гуноҳ бўларди.

Биринчи сентябрь куни тонг саҳарда турдим. Эндиликда озод юртимнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб смирдим. Дарди баюлар, ғам-кулфатлар бошимиздан даф бўлгани рост бўлсин дея иш столига ўтирдим. Энди шундай меҳнат қилиш керакки, беҳуда ўтган, завоп кетган вақтларнинг ҳам ҳиссасини чиқарай... Журналист сифатида ишлаётганимга қирқ беш йил бўлибди. Сарҳисоб қилдим босиб ўтган йўлимни. Натижасидан ўзим ҳам ҳайратга тушдим. Ўша, шўролар даврида яратганларимни — ўттиз олти йиллик меҳнат маҳсулини тарозининг бир палласига, истиқлол йилларида, яъни кейинги тўққиз йил давомида қилган ишларим маҳсулини иккинчи палласига қўйдим. Гапнинг қисқаси, мендан қоладиган ижодий маҳсулот фақат шу мустақиллик йилларида яратилган қиссалар, ҳикоялар, очерклар ва эсдаликлар бўлиб чиқяпти. Бундан аввалги йиллар ижодкор сифатида умримнинг зое кетган даври бўлиб қоляпти. Мустақиллик менга берган июнат, ҳеч бир нарса билан ўлчаб ҳамда солиштириб бўлмайдиган руҳ, яратиш ва ижод этиш руҳи ана шундай. Шу ҳолатни мен касбдошларимда ҳам кўряпман. Бундан қувонмай бўладими!

Ўшанда ишни нимадан бошласам экан, деб ўйланиб қолдим. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Замондошларим ҳамда келгуси авлодга айтар сўзим борми? Ўша куни — истиқлолга эришилган биринчи куни республикамизга узоқ йиллар раҳбарлик қилган Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларнинг илк сатрлари қоғоз бетига тушди. Унинг дастлабки қисми "Ўзбекистон овози" газетасида бир саҳифа бўлиб чоп этилди. Ўқувчилардан хатлар олдим. Таниш-билишлардан кўплари телефон қилишиб, бу савоб ишни давом эттиришни маслаҳат бердилар. Кейинчалик бошқа газеталарда ҳам хогираларнинг айрим қисмлари эълон қилинди. Бир куни кимдир мазкур хотираларни жамлаб, алоҳида рисола сифатида нашр этишни маслаҳат берди.

Газеталарда чоп этилган тўрт-беш саҳифани олиб, Президентнинг ўша пайтдаги матбуот котиби Шавкат Яҳёев хузурига бордим. Ниятни айтдим.

— Бизга қолдириб кетинг, натижасидан хабардор этаман, — деди.

Билмадим, орадан қанча вақт ўтди. Шавкатжон телефон қилиб қолди.

— Ниятингизни Ислом Абдуғаниевич Каримовга айтдим, у кишига маъқул тушди, — деди у. — Жуда яхши ўйлабсизлар, кузда Шароф Рашидовнинг таваллуд тоғанининг 75 йиллигини нишонлаймиз. Юбилейга келган меҳмонларга эсдалик учун бериладиган папкада шу рисола ҳам бўлсин, деб тайинладилар.

Кўнглим тоғдек кўтарилди. Кўлёмани яна бир бор кўздан кечирдим, сўнг Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг раиси, касбдош дўстимиз Рустам Шоғуломов ҳузурига бордим. У одатдагидек очиқ чеҳра билан кутиб олди. Мақсадни айтдим.

— Яхши иш бўлибди, савобга биз ҳам шерик бўладиган бўлибмиз, — деди у самимийлик билан. — Сифатли қоғозда, чиройли қилиб чоп этамиз.

Шу заҳотиёқ у мутасадди ходимларни чақириб, тегишли кўрсатмаларни берди. Шундай қилиб десангиз, "Эл отаси эди" рисоласи дунё юзини кўрди.

Орадан йиллар ўтди иш билан, ижод билан. Кейинги йилларда яратилган маҳсулларни кўздан кечириб, бир тўплам қилдим. Унга қиссалар, ҳикоялар, журналистик фаолиятим давомида учратган баъзи воқеалар ҳақидаги хотираларни жамладим. Эндиликда қайси нашриётга олиб борсам экан, деган муаммо турарди олдимда. Сир эмас, уларнинг бирида қоғоз муаммоси бўлса, иккинчиси бели бақувватроқ ҳомий топинг, дейди. Келгуси авлод бу гапларга ҳайрон бўлар балки, ҳа, ўтиш даврида худди шундай ҳолатлар бўлади. Баъзан асарнинг сифати эмас, балки пул топган кишининг ошиғи олчи турди. Не хаёллар билан "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг бош директори Ислом Шоғуломов ҳузурига бордим. Бир пиёла чой устида бир оз суҳбатлашдик. Ниятимдан хабар топгач, сўради:

— Ҳажмини қанча мўлжаллаяпсиз?

— Шу, чамамда, ўн беш табоқ атрофида бўлса керак.

— Кулочни эркин ва катта отаверинг, режага йигирма табоқ деб ёзиб қўямиз, — деди у очиқ кўнгилик билан...

Қани айтинг-чи, ижодкор учун эндигина босмадан чиққан китобини қўлга олишдан ҳам зўрроқ қувонч борми, бу дунёда. Мана, навбатдаги китобим — "Шаҳзода ва кани-

зак" илкимда. У дўстимиз, саховатпеша Ислом Шоғуломовнинг марҳамати туфайли дунёга келди. Аслини олганда ака-ука — Ислом ва Рустам Шоғуломовларнинг қалам аҳлига, атрофдагиларга кўрсатиб келаётган ҳиммати ва марҳаматлари ҳақида бир рисола битилса арзигулик. Ҳар иккиси ҳам ўзига хос ижодкор. Шу боисдан бўлса керак, қалам аҳлига меҳр-оқибатлари бўлакча. Аслини олганда инсондан бу дунёда қоладигани ҳам шу — яхшилик.

Ёш ўтиб боравергач, босиб ўтилган ҳаёт йўлига бод-бод қайрилиб қарайвераркан одамзот. Жумбоқларга тўла, баъзилари ечимини топган, баъзилари эса ҳамон шундайлигича қолган муаммолар яна ва яна сенга тинчлик бермас экан. Шундай кезларда бўлди энди, вақт-соати келиб уларни ҳал этадиган янги авлод келар, деб ўзингга таскин берган бўласан. Илло, қаёқда дейсиз...

Шу десангиз, ҳаёл олиб қочди. Бу дунёдан ўтган касбдошларим бир-бир тизилишиб ўтаверди кўз ўнгимдан. Мана, Самад Қодиров, ўша ёқимтой жилмайиши билан хонамга кириб келяпти.

— Битта фоя пайдо бўлди, — дейди ўзига хос тангилик билан.

Эшитиб, танам яйрайди. Маъқул дейман. Эрталаб ўша вилоятга учиб кетади. Уч кун ўтмай мамнун ҳолда қайтиб келади. Билсам, аэропортдан тўғри таҳририятга келибди. Бориб дам олинг, йўл кишини уринтиради, десам, шу ишни охирига етказмасам, уйга борганимнинг нафи бўлмайди, безовта бўлавераман, дейди. Хуллас, алламаҳалгача ишлайди, бир саҳифа материал тайёрлаб, мана энди дам олсак, ярашади деб хайрлашади. Ўша пайтда ўйлардим, Самад Қодиров каби ўнга ходим бўлса, ҳеч бир уринмай, бемалол яхши газета чиқариш мумкин деб.

Ана Ҳамид Нурий. Келишган, мулойим, мулозаматли инсон эди. Ишлаган хабар ва мақолаларига жон киритиб юборарди, унинг забони ширин эди. Талъат Солиев... ўйчан, ниманидир мулоҳаза қилиб келяпти. Ўша, шўролар даврида Фарғона вилоят газетасида она тилимизнинг камситилишига қарши шеър чоп эттиргани учун ҳайдалган, камситилган, таҳқирланган эди. Ўша ўринсиз дашномларнинг юракдаги яраси сабабми, бу дунёдан нисбатан ёш кетди. Унинг жуда кўп орзулари бор эди. Афсус...

Оқсоқолимиз Тўлқин Рустамов, одамохун Рафиқ Тўлаганов, сермахсул қаламкаш Абдуношир Тўраев, унинг жияни ишчан фотомухбиримиз Абдужаббор Тўраев, "Дех-

қонбува қишлоқ кезади" деб номланган, ўша даврда эларо доврўф қозонган саҳифамизнинг ижодкори, фельетончимиз, оғиркарвон, лекин серфикр Аброр Шайхов — буларни унутиб бўладими? Асло! Уларнинг ҳар бири бир дунё эди. Барчангиз қалбимиздасизлар, ҳамиша ёдимиздасизлар. Илоё ҳаммангизни Худо раҳматига олгани рост бўлсин...

Ўша "Қишлоқ ҳақиқати" газетасида менга — муҳаррир сифатида кучли суянчиқ бўлган, эндиликда нафақада бўлсалар ҳам ижодда ёшлар билан баб-баравар беллашаётган, баъзан улардан ўтиб кетаётган олтмишвой ва етмишвойларимиз ҳали бор, бунинг учун Яратган эгамга ҳамду санолар бўлсин. Хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Мирҳодиев "Мулкдор"ни, Жамолиддин Шаропов соғлиқни сақлаш журналини, Зиёвиддин Орипов эса Ўзбекистон автомобилчилари газетасини гуллатяпти. Қойил, қандингизни уринглар, менинг қадрдонларим!

9 май фақат Хотира куни эмас, балки айна пайтда Қадрлаш куни ҳамдир. Шунинг эътиборга олган ҳолда дилдаги бир истакни айтмоқликни лозим кўраман. Бу фикрнинг муҳтарам Президентимиз ўз Фармонида алоҳида таъкидлаб ўтганлар. У ҳам бўлса — тириклар ҳурматини жойига қўйиш. Айтиш керакки, бутун умрини шу юртга, миллатига хизмат қилишга бағишлаганларнинг айримларига, назаримда, эътибор бир оз етарли эмас. Нафақада юрган баъзи етмишвойлар билан суҳбатда шу нарса сезилиб қоляпти. "Ҳар замон-ҳар замонда лоақал телефонда ҳол-аҳвол сўраб қўйсалар ҳам кошки эди", деган ўксик сўзларни эшитиб қоламан. Уларнинг рўзғорида камкўстлари йўқ. Яхши кунларида кўнгил сўрашни ҳар биримиз ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билсак, деган ният бор дилда. Шундай қилсангиз, азизлар, бу ишингиз сизни ҳам улуғлайди-ку, кишилар наздида.

Ҳар бир ташкилот, корхона ва муассасада нафақага чиқиб кетаётганлар ўрнига ёшлар келяпти. Бу табиий ҳол, шундай бўлиб келган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Янги келганлар, улар қандай лавозимда бўлмасин, мендан аввал шу ерда ким ишлаган, ундан бизга қандай хотира қолган, деб қизиқсинлар. Бунда ўша жамоага бош бўлган биринчи раҳбарнинг тутган йўли ҳал қилувчи рол ўйнайди. У бу нозик масалага қай кўз билан қараса, истайсизми-йўқми, бошқалар ҳам шундай фикрда бўлади. Ҳар эҳтимолга деб, халқимиз айтадиган сўзларни эсга олиб қўйсақ, фойдадан ҳоли бўлмайди деб ўйлайман: мен ҳам эдим сенингдек, сен

ҳам бўлурсан менингдек. Арпа эксангиз арпа, буғдой эксангиз, буғдой ўрасиз. Бошқача бўлиши мумкин эмас, ҳаётнинг минг йиллар мобайнида ўзини оқлаб келаётган ўзгармас қонуни шундай. Буни қайтар дунё дейдилар.

Умр оқар сувдек ўтиб бормоқда. Эзгу ишлар қилиб қолишга шошилишлар, азизлар. Аллома шоиримиз айтганидек, ўлганда юз кун йиғлаб тургандан, тиригида уни бир соат йўқланг.

Кўп қатори ишладим. Озми-кўпми ўзимга яраша эътибор топдим, деб айта оламан. Журналистлик қисмати, айниқса муҳаррирлик қисмати енгил эмас. "Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ". Бир эмас, минг бора розидирман ҳамкасб дўстларимдан. Бахтим шундаки, атрофимда яхши одамлар кўп бўлди. Ўшалар қоқилсам — суяб қолишди, йиқилсам — турғазиб кўйишди, ҳаётнинг кутилмаган зарбаларига дучор бўлган кезларимда зада бўлган қалбимга малҳам бўлдилар. Улар яхшилиги ҳамон бўйнимда, унутмасман эзгуликларини. Яхши одамларнинг ҳимматларини, инсоний қилмишларини тўлалигича қайтара олмаганим — бор гап. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин, бола-чақаларингиздан қайтсин, азизларим, қадрдонларим. Аслини олганда бир одамнинг қўлидан нима ҳам келарди. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас, деган сўзлар бекорга айтилмаган. Бирга ишлаб юрган кезларимизда устозимиз Зиёд ака мана шу сўзларни бод-бод такрорлашни хуш кўрарди: "Борди-ю, муҳаррир бир карра эмас, уч бора академик бўлганида ҳам, агар унинг атрофида изланувчан, ташаббускор, жонсарак қалам аҳли бўлмаса, нашрни ўқишли қила олмайди".

Айтмоқчиманки, шу одамлар эди менинг учар қанотларим, шулар эди суянган тоғларим, ишонган боғларим. Ўшалар меҳнати, меҳр-оқибати туфайли обрў-эътибор топдим. Умрим мобайнида бирор арзигулик иш қилган бўлсам, аввало ўшалар — атрофимдаги яхши одамлар туфайли, ўшаларнинг далдаси, кўмаги, ёрдами туфайли деб биламан. То ҳаёт эканман, уларни дуо қилишдан толмайман: яратган эгам касби-корингизга ривож, умрингизга барака берсин, эл-юрт ўртасида ҳамиша юзингиз ёруғ, тилингиз узун, қаламингиз ўткир бўлсин!

Илҳақдир юрак яхшиларга. Маънавий озиқ олгани, поклангани, руҳий куч олгани талпинарман улар томон. Дили нурга тўла, эътиқоди ва иймони мустаҳкам, саховатли, марҳаматли кишилар бор экан, ҳаёт деб аталмиш галваларга бой бу дунё ўз жозибасини йўқотмагай!

МУНДАРИЖА

Ноёб ёдгорлик	3
Севги ва садоқат достони	7
Шайхзода қайта туғилган кун	11
Мактаб яратган аллома	14
Меҳрдан бахт тахтини яратган	22
Устоз	27
"Сен билан чексиз фахрланаман"	34
Эзгулик учун яралган	44
Шоирнинг жасорати	51
Узилмас қарз	58
Асил инсон	61
Ҳар ишга қодир эди	67
Ўз касбининг фидойиси	70
Эсингдами, дўстим	73
Ҳамиша таъзимдамиз	78
Қалбим малҳамисизлар, яхшилар	82

Адабий-бадиий нашр

ИСМОИЛ СУЛАЙМОНОВ

ЗАМОНДОШЛАРИМ

Эсдаликлар

Тақризчи проф. *К. Норматов*

Муҳаррир *Д. Абдуллаева*

Мусаввир *Г. Жирнов*

Бадиий муҳаррир *А. Бобров*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Кичик муҳаррир *Н. Фозилова*

Мусаҳҳиҳ *Ф. Тўйчиева*

ИБ № 3833

Босишга 03.05.200 й да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. Таймс гарнитурa. 5,46 шартли босма тобоқ 5,5+0,25 вкл. нашр босма тобоғи. Жами 3000 нусха 1085 рақамли буюртма. 61—2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1- босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.